

ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

*Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига
багишланган тантанали маросимдаги
маърузасини ўрганиш бўйича*

ЎҚУВ ҚЎЛАНМА

Тошкент – 2013

Бис . бер

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА
ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ
МАҚСАДИМИЗДИР**

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллигига бағишлисанган тантанали маросимдаги
маърузасини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

„O'QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2013

**УДК: 323 (075)
КБК 66.3(5У)
и 696**

Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. — Тошкент: „O'qituvchi“ НМИУ 2013. — 128 б.

Нашр учун масъул ижодий груп:

М. КОМИЛОВ, А. БЕКМУРОДОВ, У. ФАФУРОВ, Ш. МУСТАФАҚУЛОВ

Такризчилар:

К. ҚУРАНБОЕВ — сиёсий фанлар доктори, профессор;
К. ЭРГАШЕВ — тарих фанлари доктори, профессор.

Ушбу ўкув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил 7 декабрда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишлиган тантанали маросимда сўзлаган маъruzасини ўрганиш, унда баён қилинган энг муҳим устувор йўналишлар, назарий ва амалий аҳамиятта молик дастурий фикр-оялар, хуносалар ҳамда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилинган 2013 йилда халқимиз, жамиятимиз олдида турган долзарб вазифаларнинг маъно-мазмунини ёритиш, тарғиб этиш мақсадида тайёрланган бўлиб, таълим тизимининг барча босқичларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-профессорлар, илмий ходимлар, талаба-ўкувчилар, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ўкув қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўкув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил 25 декабрдаги 4-сонли мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Биз бугун тарихий бир даврда — халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, ўз кучи ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни кўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз. Мамлакатимиз қиёфаси, халқимизнинг ҳаёт тарзи изчил юксалиб, яхшиланиб бормоқда. Истиқолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб танлаб олинган, тараққиётнинг „ўзбек модели“ деган ном билан дунёда эътироф этилган миллий ривожланиш йўлимизнинг амалий самаралари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида яққол кўзга ташланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг 7 декабрь куни „Ўзбекистон“ халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 20 йиллигига бағицланган тантанали маросимда сўзлаган „Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини тъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиши — бизнинг боз мадсадимиздир“ мавзусидаги маъruzасида ана шу ютуқ ва улкан натижаларнинг сабаб ва омиллари ҳар томонлама чукур таҳдил этиб берилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳукуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиши йўлида эришилаётган барча ютуқ ва мэрралар, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида Конституциямизда мустаҳкамланган меъёр ва қоидалар, асосий тамойиллар мужассам эканини алоҳида таъкидлади. Маърузада Ўзбекистон 1991 йил 31 августда ўз мустақилитини кўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган эски маъмурий-буйруқбозлик, режали-таксимот тизимидан воз кечиб, халқимизнинг орзу-интилишларига мос тараққиёт йўлини танлаб олгани ва бу йўл нақадар тўғри ва ҳаётий асосга эга эканлиги ҳозирги кунда ҳар томонлама тасдигини топаёттанига алоҳида эътибор қаратилиди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтилган ана шу йўл, унинг асосида эришилган ютуқ ва натижаларга холисона баҳо бериб, айтиш мумкинки, юртимизда ўз вақтида ислоҳотларнинг „шок терапияси“ усулидан қатъий воз кечилиб, тадрижий тараққиёт йўли танлаб олингани туфайли халқимизни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўғонлардан асраб қолишга муваффақ бўлинганини ҳаётнинг ўзи кўплаб мисолларда исботламоқда. Масалан, эл-юртимиз ўтган даврда барча жабҳаларда юқори ўсиш суръатларига эришмоқда, жамиятимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий барқарорлик, унинг маънавий-маърифий негизлари мустаҳкамланмоқда, ҳаётимизда амалга оширилаётган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ана шундай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг мантиқий натижаси сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми, халқимиз ҳаёт даражаси ва турмуш маданиятининг узлуксиз равишда ўсиб бориши туфайли оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлими 3,2 баробар камайди, эркакларнинг ўргача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўргасида эса 75 ёшга етди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, ҳаётто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган мураккаб шароитда ҳам, 8 фойздан кам бўлмаган даражада сакланиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи қарзи кўпаймасдан, мақбул даражада турибди. Бу дарнинг барчада мамлакатимиз

тараққиёт моделининг нақадар тўғри, ҳаётий ва самарали эканини кўрсатадиган рақам ва далилларнинг бир қисми, холос.

Юртбошимиз маъruzасида таъкидланганидек, „собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистон ўз салоҳияти ва аҳолисининг ҳаёт даражаси бўйича энг қолоқ республикалардан бири бўлиб, бугунги кунда демократик янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъий қадамлар босиб бораётган, куч-кудрати тобора юксалиб, замонавий кўп тармоқли иқтисодиётга эга бўлган, ўз халқининг фаровонлигини оширишта қодир мамлакатга айланиб бораётгани мисолида бу фикрнинг яққол тасдиғини кўриш мумкин.

Ўтган даврда бизнинг қандай оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгид ўтишимизга тўғри келгани ҳаммамизга яхши маълум. Лекин буларнинг барчасига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўси. Агарки, шу даврда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 9 миллион кишига кўпайиб, 30 миллионга яқинлашиб бораётганини инобатта оладиган бўлсак, ўтган вақт мобайнода ялип ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз маъruzasi уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида Конституциямизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги сиёсий-стратегик аҳамияти, мустақил Ўзбекистон давлатининг оёққа туриши ва шаклланишидаги бекиёс роли ва таъсири, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги ривожланиш йўлини замон талаблари асосида янада тақомиллаштириш борасида ҳаётнинг ўзи олдимиизга кўяётган вазифалар атрофлича таҳдил этилиб, зарур хulosалар чиқарилган.

Маъruzанинг иккинчи қисмида 2012 йилни мамлакатимизда „Мустаҳкам оила йили“ деб эълон қилишдан кўзланган мақсад-муддаолар ҳамда уларни амалга ошириш бўйича бир йил давомида қилинган кенг миқёсдаги ишлар қисқача таҳдил этилиб ва баҳоланиб, Ўзбекистонда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоликнинг ҳаёт сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг маъно-мазмuni, аҳамияти мисоллар, рақамлар асосида очиб берилган.

Маъruzанинг учинчи қисмида мамлакатимизда 2013 йилга „Обод турмуш йили“ деб ном беришдан кўзланган мақсад, бунинг моҳияти ва аҳамияти, мазкур йил бўйича қабул қилинадиган давлат дастурининг асосий устувор йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш йўл-йўриклири, бу борада аҳолининг турли қатламлари, бутун жамиятимизнинг олдида турган долзарб вазифалар кенг таҳдил этилиб, ғоят муҳим фикр ҳамда хulosалар илгари сурилган. Таъкидлаш керакки, маъruzada узоқ муддатли стратегик мақсадларимиз – дунёдаги замонавий ривожланган давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини янада ошириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасида эришилган марраларга холисона баҳо берилиб, давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича олдимиизда турган энг муҳим устувор вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. Шу билан бирга, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олгани, одамларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, Ватан тақдирига даҳлдорлик туйгуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Маълумки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлашти-

¹ Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларни таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzasi. – „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинган эди. Маърузада мазкур концепция Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошланган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг мантиқий ва қонуний давоми экани қайд этилиб, концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-мөърий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича парламент томонидан 12 та қонун қабул қилиниб, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида тургани таъкидланди. Маърузанинг биринчи қисмида „демократия“, „қонун устуворлиги“, „глобал ва минтақавий хавфсизлик“ каби фундаментал тушунчалар бўйича ҳам принципиал янги фикр ва қарашлар илгари сурилди.

Маърузанинг иккинчи қисмида аввало 2012 йил – „Мустаҳкам оила йили“да ойлаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган мөърий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилгани юқорида айтиб ўтилди. Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, ёш ойлаларни уй-жой билан таъминлаш, ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ва олий ўкув юрглари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш борасидаги кенг кўламли ишлар, умумхалқ манфаатига даҳлдор бўлган аниқ мақсадли, таъсирчан ва самарали тадбирлар тараққиётимизнинг навбатдаги босқичида ҳал қўйувчи аҳамият касб этгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан кириб келаётган янги – 2013 йилни мамлакатимизда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиш таклифи билдирилди. Бу таклиф тантанали мажлис иштирокчилари томонидан қўллаб-куватланди. Шундан сўнг маърузада „Обод турмуш йили“ бўйича қабул қилинадиган Давлат дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Айниқса, мамлакатимизда тинчлик-осойишигалик, хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжиҳатликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, ҳалқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жамиятимизда маҳалла идорасининг нуфузини янада ошириш ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўрни ва фаоллигини кучайтириш каби долзарб масалалар дастурда ўзининг кенг ифодасини топиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Ҳар томонлама чуқур маъно-мазмун ва аҳамиятга эга бўлган ушбу маърузани ўқиб-урганиш ҳамда унда ўргага қўйилган долзарб вазифалар, концептуал фикр-ғояларни амалий фаолият учун дастуруламал қилиб олиш ўта муҳимдир. Чунки айни шу аснода Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг миллий давлатчилигимизнинг тикланиши ва ривожланишидаги бекёёс ўрни ва аҳамияти, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимишга қўйилган эзгу мақсадларга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори экани ҳақида кўшимча билим ва тасаввурларга эга бўламиш.

Бу маъруза, ўз навбатида, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка ишонч туйғусини камол топтиришда ноёб манба бўлиб хизмат қиласади.

Кисқача айтганда, маърузадаги ҳар бир ғоя ва холоса муҳим илмий-методологик ва амалий қимматга эга. Унда давлатимиз раҳбари томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқ ва натижалар сарҳисоб қилиниши билан

бирга, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари, навбатдаги устувор вазифалари белгилаб берилган.

Ушбу маъруза мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётнинг муҳим омили эканини, истиқболдаги стратегик вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ва ўрганишда, ўзимиз учун аниқ холосалар чиқариб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қиласи. Айниқса, аҳолининг турли қатламлари орасида ташкил этиладиган ўкув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирлар дастури ва режаларини тузиш ҳамда уларни амалга оширишда ушбу маъруза катта аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, маърузада белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш, энг аввало, жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятининг теран ва чуқур анграб этилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг тавсиясига биноан, Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу маъруzasининг мамлакатимиз талаба ва ўкувчи ёшлари ўртасида тизимли равишда ҳар томонлама чуқур ўрганилишини таъминлаш, шу асосда мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан, том маънода тарихий ютуқлар ва „Обод турмуш йили“ давлат дастури доирасида режалаштирилган ишларнинг маъноМазмуни, бекиёс аҳамияти ҳақида уларга атрофлича кўшимча илмий маълумотлар бериш мақсадида мазкур ўкув кўлланма тайёрланди. Қайд этиш керакки, кўлланмадан аҳолининг турли қатламлари ўртасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларининг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган жонли суҳбат ва мулоқотларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мазкур ўкув кўлланма мамлакатимиздаги етакчи олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий-педагог ходимлари томонидан тайёрланди.

1-БОБ. МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ – КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ ВА САЛОҲИЯТИНИНГ ЯҚҚОЛ НАМОЁНИДИР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мустақил тараққиётимизнинг хуқуқий асоси

Тарихда инсоният, халқлар тақдирига таъсир қилган, тараққиётта йўл очган буюк ҳодисалар, воқеалар, қашфиётлар кўп бўлган. Шулардан бири Конституциянинг вужудга келиши, унинг давлатнинг Асосий қонуни сифатида намоён бўлишидир. Конституция фақат мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий нормалардан иборат бўлмай, у келажакда юзага келадиган янгича муносабатларни (вазифа ва мақсадларни) ҳам тартибга солишга қаратилган ноёб хужжатдир. Конституция фақат хуқуқий хужжат бўлиб қолмасдан, сиёсий хужжат ҳамдир.

Конституция узоқ вақтлар давомида эркинлик, озодлик, фаровон турмуш учун курашда ижобий кучларнинг салбий кучлар устидан ғалабасини қонуний мустаҳкамланган, инсон ва давлат муносабатларида мутаносибликни ўрнатган асосий хужжатдир. Конституция давлат бошқарувини халқ манфаатидан келиб чиқиб ташкил қилишга таъсир қилган ноёб воситадир.

Шу билан бирга, СССР деб аталган мустабид тузум даврида Конституциядан ҳақиқий ахволни яшириш воситаси сифатида фойдаланилганини ҳам эслага тўғри келади. СССР тарихида уч марта Иттифоқ Конституцияси, Ўзбекистонда ҳам уч марта Республика Конституцияси қабул қилинган ва уларнинг қоидалари ҳақиқий ахволни яширишга қаратилиб, энг адолатли жамият ҳақида пуч ва соҳта тасавурлар ҳосил қиласр эди, холос. Бундан ташқари, мустабид тузум давридаги конституцияларда дастлаб пролетариат диктатураси (зўравонлиги) билан, кейинчалик эса умумхалқ давлати ниқоби остида большевиклар партиясининг якка ҳукмронлиги очиқдан-очиқ мустаҳкамланган эди.

Ачинарли томони шундаки, ўзбек халқи вакилларига собиқ Иттифоқ конституцияларини ишлаб чиқиши у ёқда турсин, ҳаттоқи Ўзбекистон конституцияларини ишлаб чиқишида иштирок этиш имконияти ҳам берилмаган эди. Конституциялар собиқ Марказда ишланар ва республикада ҳеч қандай ўзгартиришсиз, муҳокамасиз қабул қилинар эди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Иттифоқ таркибидағи республикаларда ўз мустақиллиги учун курашга интилиш кучайди. Охир-оқибатда ҳар бир иттифоқдош республиканинг халқи ўз давлат мустақиллигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб кўйди.

1989 йил июнь ойида Ислом Каримов республикамиз раҳбари сифатида иш бошлиганидан сўнг халқимиз энди эскича яшаб бўлмаслигини, бирдан-бир тўғри йўл мустақиллик эканини тушуниб етди ва муҳим сиёсий-ижтимоий воситалардан фойдаланиб,

Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва мэрралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахши қудрати ва салоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади.

Ислом Каримов

мустақилликка эришиш йўлида амалий ҳаракатларни бошлади. Булар қаторига иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб бизнинг юртимизда президентлик институтининг жорий қилингани; ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани; Мустақиллик декларацияси қабул қилингани; янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун комиссия тузилгани каби бир қанча муҳим воқеаларни киритиш мумкин.

Бўлажак Конституция ўзбек халқини, Ўзбекистоннинг келажагини белгиловчи ҳужжат бўлиши, шу билан бирга, мустақилликни таъминлаши, уни сақлаб, мустаҳкамлаши керак эди.

1990 йил 20 июнда ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида Ўзбекистоннинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш хукуқига эга экани кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон халқи биринчи марта Конституция каби муҳим ҳужжатни ўзи тайёрлаш шарафига мұяссар бўлди. Шу билан бирга, бу катта масъулият ҳам эди. Чунки бундай тажриба илгари бўлмаган, халқимиз орасидан ҳеч ким Конституция ишлаб чиқиша иштироқ этмаган эди.

Конституция лойиҳасини ишлаб чиқадиган, Президент Ислом Каримов раҳбарлик қилган комиссия таркибига энг йирик олимлар, мутахассислар, давлат ва жамоат арбоблари, жамоатчилик вакиллари, амалиётчилар киритилди.

Конституциямизнинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилишига бир неча омиллар таъсир қилди, деб ҳозир бемалол айта оламиз. Биринчидан, комиссия олдига вазифаларнинг Президентимиз томонидан тўғри ва аниқ қўйилгани; иккинчидан, комиссия ва ишчи груп аъзолари ўз вазифасига масъулият билан ёндашгани; учинчидан, Конституция матнини тайёрлашда дунёдаги ривожланган демократик давлатлар тажрибаси, ўзимизнинг қонунчилик борасидаги миллий анъаналаримиз чуқур ўрганилгани; тўртингидан, лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси тўғри ташкил этилгани ва тушган таклиф-мулоҳазаларга жиҳдий эътибор билан қараб, улардан лойиҳани янада такомиллаштиришда унумли фойдаланилгани ана шундай омиллардандир.

Комиссия раиси — Юртбошимиз жаҳон конституциявий тажрибасини чуқур ўрганиш; лойиҳа моддаларига инсон хукуқлари бўйича халқаро ҳужжатлардаги қоидаларни сингдириш; миллий давлатчилигимиз анъаналарини, миллий қадриятларимизни эътиборга олиш, яқин ва олис истиқболни кўзлаб иш олиб боришга алоҳида аҳамият берди.

Конституция лойиҳасининг муҳокамаси Ўзбекистонда чинакам демократия мактаби бўлди. Юртошлиаримизнинг озодликка, мустақилликка интилиши лойиҳа муҳокамаси вақтида ўз натижасини берди ва бу халқимизнинг орзу-интилиш ва манфаатларини

чуқур акс эттирадиган Конституция матнининг вужудга келишида муҳим роль ўйнади. Ўша даврда аҳолининг кўпчилиги муҳокамаларда иштироқ этди, ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини эркин билдириди. Оммавий ахборот воситаларида ҳам амалий фикрлар учун кенг ўрин ажратилди ва энг муҳими, тушган таклиф-мулоҳазалар асосида Конституциянинг кўплаб моддалари қайта ишланди. Ўзбекистон ҳаётидаги

Хозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг хукуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий қадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланishiни таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омилларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ислом Каримов

офир ва таҳликали кунлар ортда қолди. Мустақил давлатимиз Конституцияси жамиятимизни демократик хукукий давлат барпо этиш йўлида бирлаштирадиган, сафарбар этадиган ижтимоий-сиёсий омилга айланди.

1991 йилнинг 31 августида, ўн иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақилигини тантаали равишда эълон қилди. Юртбошимиз ўзининг том маънодаги тарихий нутқида куйидаги фикрларни улкан жасорат билан баён этди:

„Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эрганига кунинг ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиляшти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва вазъдабозлик остида кўмилиб кетяшти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрроҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляшти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляшти. Бу — ҳақдоний талабдир.

...Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай Иттифоқ бўлмасин, ким билан Иттифоқ бўлмасин, қандай шаронт бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам кўймайди“².

Ватанимиз тарихига заржал ҳарфлар билан ёзиладиган ўша унтуилмас кунларга назар ташлайдиган бўлсан, айни ўша ғоят қалтис пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб ўта муҳим хужжатлар қабул қилинганини кўрамиз. Мисол учун, 31 август куни қабул қилинган ЎзССР Олий Советининг „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақилигини эълон қилиш тўғрисида“ ги қарори ва „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақилиги тўғрисида“ ги баёноти ҳамда „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигининг асослари тўғрисида“ ги қонун ва бошқа қонун хужжатлари шулар жумласидандир.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг ilk босқичидаёқ қонунга асосланадиган демократик ҳукуқий давлат қуришни кўзлаб иш тутди. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган барча ишларнинг асосида қонунга ҳурмат, қонунга итоаткорлик, қонун устуворлиги ғояси ётганига алоҳида эътиборни қаратишни истардик. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, „хукуқий давлатининг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун — халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузгал, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсан, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларининг энг асосий пособни, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман“³.

1991 йил 31 августда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг қонуни⁴ қабул қилинди. Шу тариқа, бундан 21 йилдан ортиқроқ вақт олдин Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритди. Мустақил яшаш ҳар бир халқнинг азалий орзу-умиди бўлган. Бизнинг халқимиз ҳам азалдан ҳур, эркин, ҳеч кимга тобе бўлмаган ҳолда мустақил яшаш учун тинимсиз курашиб келган. Шунинг учун, Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, „мустақил ўзбек

² Каримов И.А. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида / И.А. Каримов. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011. — 401—402-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон дунё ҳаритасида ўзига муносиб жой олди. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида / И.А. Каримов. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011. — 435-бет.

⁴ Қонуннинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.

давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қылган Ўзбекистон чинакам мустақилликни кўлга киритиб, гуллаб-яшнанини ва фаронлика эришиши, тараққий эттан демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир“.

1.2. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг Конституциявий асослари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган катта ютуқ ва натижаларни, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ва умуман, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли икки босқичга бўлининини илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди.

Биринчи босқич (1991—2000 йиллар). Бу даврда Ўзбекистон халқи ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид тузумдан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳукукий давлат барпо этишни асосий мақсад сифатида белгилаб олди. Ана шу мақсадни ўзида ифода этган Конституция лойиҳаси тарихан қисқа муддат ичida тайёрланди, халқимиз ўртасида икки маротаба муҳокама қилинди ва такомилига етказилди. Шу асосда Конституция республикамиз қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинди ва у ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган барча қонунлар ҳамда қонун ҳужжатлари учун асос бўлди.

Конституцияда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг асосий принциплари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларига бўлинниши энг муҳим принцип сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳукуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳукуқ нормаларининг эса миллий ҳукуқий нормалардан устунилиги ҳам Конституциямизда муҳраб кўйилди.

Асосий қонунимизда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳукуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу принципларни инобатта олиб, давлат бошқарувининг собиқ мустабид, марказлашган тизими асоратларига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало, қонунчилик тизимини шаклантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб сабитқадамлик билан амалга оширилди.

Иккинчи босқич (2001—2007 йиллар). Бу даврда мамлакатимизни модернизация қилишга, иқтисодиётни ривожлантиришга, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳукуқ тизими ва ижтимоий-маданий соҳаларни изчил ислоҳ этишга қаратилган демократик янгиланишларни таъминлаш мақсалида Конституцияга маълум ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб айтганидек, „...биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараёттанини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай ноxуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгартириш ва қўшимча-

ларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлиқ долзарб эканини аңглаш, тушуниш қийин эмас“.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов „2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккичи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ёят муҳим роль ўйнаган давр бўлди“⁵, деб уқтириб ўтгани бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг демократик хукукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос йўлидан бораёттанини „ўзбек модели“ жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинаёттани ҳам исботлаб турибди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг иккити сессиясида илгари сурилди. „Шунни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг сиёсий ва маънавий онги ўзгариши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш тақлифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим“⁶.

2002 йил 12 декабрда Ўзбекистон Олий Мажлиснинг X сессиясида „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида“ ва „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида“ конституциявий қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар парламент палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, бошқа органлар билан ҳамкорлик қилиш механизmlарини аниклаб берди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

2003 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ тарзда сайлов қонунларига ўзgartишилар киритилди. 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган „Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида“ ги конституциявий қонунга мувофиқ, 2002 йил 27 январда ўtkazilgan референдум натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлими XVIII, XIX, XX ва XXIII бобларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритилди.

Мамлакатимиз парламентининг икки палатали қилиб ташкил этилиши натижасида:

- парламент ўз ваколатларини самарали амалга оширмоқда;
- унинг ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва тийиб туриш тизими яратилиди;

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2007. — 5-б.

⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Асарлар, 8-жилл. — Т.: „Ўзбекистон“, 2000. — 483-бет.

— Конунчиллик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бораётгани туфайли парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифати кескин ошди;

— Сенат асосан маҳаллий кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлиб, вакиллик вазифасини бажармоқда, шу тариқа умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришилди;

— аҳодининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки қўлами янада кенгайди;

— мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узокни кўзлайдиган „Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари“ принципи амалда ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

2005—2009 йилларда икки палатали Олий Мажлиснинг қути палатаси — Конунчиллик палатаси 120 депутатдан, юқори палатаси — Сенат эса 100 та сенатордан иборат бўлди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳалқаро хукуқ андозалари ва илғор хорижий давлатлар талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди. Миллий тараққиётимизнинг ушбу босқичида ижтимоий муносабатлар ҳам унга мос равишда тез ривожланиб

Демократик ислоҳотларни қандайdir ҳавоий мақсадлар, амбициялар ва соҳта обру топиш учун сунъий равишда тезлаштириш, ўз ҳоҳишини амалдаги ҳақиқат деб кўрсатишга уриниш одатда тескари натижага олиб келади ва буни кўплаб мисалларда кўриши қийин эмас.

Ислом Каримов

бормоқда. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан Олий Мажлис Конунчиллик палатасига киритилган ва қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъкулланган „Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида“ ги

конституциявий қонун мамлакатимизда кечётган сиёсий-хукуқий жараёнларни давр талабларига мос равишда такомиллаштириб бориши заруратини тўлиқ ифода этади.

Конституциявий қонундаги гоялар ҳамда унда сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис Конунчиллик палатаси фаолиятини ташкил этишдаги аҳамияти ва иштирокини такомиллаштиришга оид меъёрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳотларининг мантиқан изчил давом эттирилишига замин яратиб бериши табиий. Парламент ислоҳотлари ва сиёсий партиялар нуфузини кўтаришдан асосий мақсад ҳалқнинг бой турмуш тажрибасига асосланган ҳолда мамлакат аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган демократик принципларни янада кенг қарор топтиришдир.

Сўнгти йиллар давомида давлат ва жамият қурилишида, давлат ҳокимияти олий идоралари фаолиятини хукуқий тартибга солиш, улар ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорликни ўйғунлаштириш борасида босқичма-босқич ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилаётгани диккатта сазовордир.

Ҳар қандай жамиятда ижтимоий муносабатлар ривожланиб бориши натижасида давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларга зарурат пайдо бўлади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам давлат ҳокимияти тизими органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаёттан чуқур ислоҳотлар натижасида Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизими ва фаолиятининг доимо такомиллаштириб борилиши давлатимиз сиёсатидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш, демократик хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти

қуриш борасида ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни қатъий амалга ошириш ҳамда давлат бошқарув органлари фаолиятида улар ўргасидаги ўзаро тенглик ва мувозанатни саклаш ва тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам, ижтимоий ҳаёт талаблари давлат ва жамият ўргасидаги муносабатларнинг янги демократик кўринишларини юзага келтирмоқда, жумладан, давлат ва жамият аъзоларининг ўзаро муносабатларида демократик давлат талабларидан келиб чиқиб, хуқукий ислоҳотларни изчиллик билан ривожлантириш тобора муҳим ўрин эгалламоқда.

„Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида“ти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни бу фикрнинг амалий тасдиғи бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ушбу тузатишлар:

биринчидан, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, яъни бошқарувнинг халқчиллигини таъминлаш;

иккинчидан, давлат органларининг ўз ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, давлат органлари фаолиятида қонун устуворлигини ва уларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда таъминлаш;

учинчидан, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг таъсирини кучайтириш, бу сиёсий партияларни барча соҳаларда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларга сиёсий жараёнларнинг ажralmas иштирокчиси сифатида кент жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI бобида давлат ҳокимияти маҳаллий органларини ташкил этишта янгича ёндашилди ва ўзига хос хусусиятларни акс эттирган давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ҳар бир бўғинини ташкил этишининг хуқукий асоси яратилди.

Тараққиётимизнинг учинчи босқичи 2008—2010 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда тараққиётнинг асосий жабҳалари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сайлов жараёнини янада демократлаштиришдан иборат бўлди.

Ўтган давр мобайнида юргимизда самарали демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир.

Маълумки, Конституциямизга, „Сайловчилар хукуқларининг кафолатлари тўғрисида“ти ҳамда янги таҳрирдаги „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида“, „Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида“, „Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида“ти қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун хужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шакланишига олиб келди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича концепция ишлаб чиқилди. Мазкур концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий хукуқларига риоя этилиши бўйича ноёб хужжат сифатида баҳоланганди эди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу концепциянинг амалга оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта

фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йўл қўймасдан ўтказилишини таъминлашда фоят муҳим роль ўйнади.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожида 2008 йили сайлов қонунчиликтимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқични бошлаб берди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланди. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораёттанидан келиб чиқсан ҳолда, куйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилиди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди.

Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партияниң „ваколатли вакили“ деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишида иштирок этиш хукуқи берилиди.

Яна бир муҳим янгиллик — қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашта қаратилган нормаларнинг киритилишида ўз аксини топди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдифидир. 2009 йилги сайловлар жараёнида айни ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг куйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортигини ташкил этади.

2009 йил 1 июлдан кучга кирган „Сайлов тўғрисида“ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида“ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар сирасида алоҳида аҳамият касб этади.

Кисқача айтганда, ўтган даврда юртимизда Конституциямиз ва сайлов қонунчилигимизга асосланган мустаҳкам хукукий-меърий замин яратилди. Охириги йилларда, хусусан, 2012 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизимига замон талаблари ва халқаро андозаларга мос бўлган, аввало, сайлов қонунларини янада либераллаштириш ва демократлаштириш мақсадларига қаратилган ўзгартириш ва янги нормаларнинг киритилгани ёътиборга сазовордир.

Айниқса, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ишончли вакиллари сонини кўпайтириш, сайлов жараёнида уларга қўшимча хукуқ ва ваколатлар

бериш, умуман, сайловчиларнинг ҳуқуқини кенгайтириши кўзда тутадиган бу имкониятлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Энг муҳими, сайлов қонунчилигида Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилди.

1.3. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг янги босқичи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги „Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“ мавзусидаги маъруzasи мамлакатимизнинг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай янада илдамлаб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу маърузада аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимини ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ва оммавий аҳборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташабbusлари илгари сурилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар жуда муҳим мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиннишининг конституциявий принципини ҳаётта татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга, қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтиришга, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақилигини таъминлаш бўйича фоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди⁷.

Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон парламенти палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида 6 та энг муҳим устувор йўналишни илгари сурди. Ана шу йўналишлар ва улар бўйича қилинган таклифларнинг қисқа мазмуни қуидагича:

I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш:

1) Конституциянинг 98-моддасига ўзгартиш киритиши:

— Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиб ўрнатиш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқини бериш (1.1-расм);

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарини.

2) Конституциянинг 96-моддасига ўзгартиш киритиши:

— Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган вазият юзага келган тақдирда тутиладиган йўлнинг янги тартиби: Президент ваколатла-

⁷ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: „O’zbekiston“ НМИУ, 2010. — 8-бет.

рини Олий Мажлис палаталарининг қўшма фавкулодда йигилишида депутатлар, сенаторлар орасидан вақтинча сайланган шахс эмас, Олий Мажлис Сенатининг Раиси вақтинча бажаради.

3) Конституциянинг 78-моддаси 1-қисмининг 15-бандини тўлдириш:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига Бош вазир ҳисботларининг тингланишини киритиш.

4) Конституциянинг 93-моддаси 15-бандини тўлдириш:

— Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимишлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг Ўзбекистон Президенти томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши.

5) Конституциянинг 93-моддаси 8-бандини ўзгартириш:

— Ўзбекистон Президенти ваколатлари доирасидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ваколатининг чиқарилиши.

6) Конституциянинг 93-моддаси 16-бандини тўлдириш:

— Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли экани.

7) Конституциянинг 93-моддаси 12-бандини ўзгартириш:

— Ўзбекистон Президентининг ваколатлари доирасидан Бош прокурорининг ўринbosарларини тайинлаш ваколатининг чиқарилиши ва унинг ўрнига Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ваколатининг киритилиши.

II. Суд-хуқуқ тизимиш ислоҳ этиши:

1) „Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида“ти қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш: биринчи инстанция судида иш бўйича айлов холосасини фақат прокурор ўқиб эшиттириши лозим;

4) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзгатишга доир ваколатини чиқариш;

5) „Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида“ қонун қабул қилиш;

6) Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳририни қабул қилиш;

7) қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги хуқуқий механизmlарни ўрнатадиган хужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

8) жамиятда хуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш:

1) Куйидаги қонунларни қабул қилиш:

— „Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида“;

— „Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида“;

— „Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида“;


— „Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш кафолатлари тўғрисида“.

2) Куйидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

— „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“;

— „Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида“;

— „Төлескоммуникациялар тўғрисида“ ва бошқалар.



1.1-расм. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириши:

IV. Ўзбекистонда сайлов хукузи эркинлигини таъминлани ва сайлов қонунчиликини ривожлантириш:

1) „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида“ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- 6-моддага;
- 27-моддага;
- 41-моддага.

2) „Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида“ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- 25-моддага;
- 38-моддага.

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш:

1) Куйидаги қонунларни қабул қилиши:

- „Ижтимоий шериклик тўғрисида“;
- „Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида“;
- „Экологик назорат тўғрисида“.

2) Куйидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:

- „Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида“;
- „Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида“;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш:

1) Куйидаги қонунларни қабул қилиши:

— „Хусусий мулкни ҳимоя қилиши ва мулкдорлар хукуқларининг кафолатлари тўғрисида“;

- „Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидлари тўғрисида“;
- „Рақобат тўғрисида“;
- „Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида“;
- „Гаров реестри тўғрисида“;
- „Риэлторлик фаолияти тўғрисида“;
- „Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида“;
- „Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиши тўғрисида“ ва бошқалар.

2) Куйидаги қонунларнинг янги таҳририни ишлаб чиқиши:

— „Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида“;

- „Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида“;
- „Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида“.

Ўзбекистон Республикасининг „Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)“ги қонуни⁸ 2011 йил 4 марта Олий Мажлиснинг Конунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2011 йил 25 марта эса Сенат томонидан маъкулланди. 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Президенти томонидан имзоланган мазкур қонун, унинг охирги — 2-моддасига биноан расмий эълон қилинган кундан (19 апрелдан) эътиборан кучга кирди.

⁸ „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243).

Президент Ислом Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, янада либераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимига ўтиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. 2010 йилнинг 12 ноябрида мамлакат Президенти Ислом Каримов томонидан республика парламенти палаталарининг қўшма мажлисида қилинган маъруза давлат ҳокимияттининг учта субъекти, яъни давлат бошлиги бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўргасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Суд-хуқуқ тизимини демократлаштириши ва либераллаштириши соҳасида ҳам муҳим ислоҳотлар ўтказилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Мамлакатимизда суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон хуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг хуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Судъялар мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунади. Судъяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Ҳамма судларда ишлар очиқ қўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда қўриб чиқишига фақат қонунда белгиланган ҳолатларда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимияттининг олий организидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) хукуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

Судъяларнинг мустақиллиги қўйидагилар орқали таъминланади:

- уларни қонунда белгиланган тартибида судъяликка сайлаш, тайинлаш ва судъяликдан озод қилиш;
- уларнинг дахлизлиги;
- одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил;
- қарор чиқариш чоғида судъялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишининг тақиқланиши;
- судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судъялар дахлизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

— судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Жиноий-хукуқий соҳани либераллаштириши борасидаги ислоҳотлар. Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси⁹ нинг¹⁰ З-моддасида кўйидаги хукуқий норма белгилаб кўйилган:

„Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик хукуқларига эгадир“¹¹.

Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисида халқаро пактнинг¹² 6-моддаси 1-бандида эса ушбу норма мустаҳкамлаб кўйилган:

„Яшаш хукуқи ҳар бир инсоннинг ажратмас хукуқидир. Бу хукуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди“¹³.

Юқорида номлари тилга олинган халқаро шартномаларнинг тегишли қоидалари Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддасида кўйидаги хукуқий нормани ўқиймиз:

„Яшаш хукуқи ҳар бир инсоннинг узвий хукуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир“¹⁴.

2005 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида“ ги Фармони эълон қилинди. Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган ўлим жазосини умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш масаласи кун тартибига кўйилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди.

Хукуқни кўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 130 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарлиқдан озод этилди.

Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш хукуки прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш хукуқлари бекор қилинди.

„Хабеас корпус“ институти жорий этилди, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш хукуқи прокурордан судга ўtkазилди.

Ахборот соҳасини ислоҳ этиши — демократик жамият асосларини барпо этишининг муҳим шартидир. Ўзбекистон Конституциясининг XV боби оммавий ахборот воситаларига

⁹ „Декларация“ сўзи французча declaration — „баёнот“ деган маънони билдиради. Декларация — алоҳида сиёсий-хукуқий ҳужжатларнинг уларга тантанали тус бериш, уларнинг давлат миқёсидаги аҳамиятини таъкидлаш мазмунига эга бўлган номи.

¹⁰ Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 1991 йилнинг 30 сентябрида кўшилди. Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси — Ўзбекистон кўшилган биринчи халқаро ҳужжатдир. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Конституциясида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг „инсон хукуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини“ (Муқаддимадан) тасдиқлайди.

¹¹ Инсон хукуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. — Т.: „Адолат“, 2004. — 32-бет.

¹² Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 1966 йил 19 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг XXI сессиясида қабул қилинган. У 1976 йилда БМТ га аъзо бўлган 35 давлат ратификация қилганидан сўнг кучга кирди. Ўзбекистон Республикасида мазкур пактта кўшилиш тўғрисида 1995 йил 31 августда Қарор қабул қилинди ва бу қарор ўча йилнинг 28 декабрида кучга кирди.

¹³ Инсон хукуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. — Т.: „Адолат“, 2004. — 39-бет.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2009. — 7-бет.

багишланган бўлиб, ўз ичига битта — 67-моддани олади. Унда „Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди“¹⁵ дейилади. Кейинги 10 йил ичидаги ОАВ фаолиятига бевосита даҳлдор бўлган ўнга яқин қонун хужжатлари („Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида“ қонун, „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“ қонун, „Телекоммуникациялар тўғрисида“ қонун, „Реклама тўғрисида“ қонун ва бошқалар) қабул қилинди. Ана шундай қонун хужжатлари асосида мамлакатимизда ОАВ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштириш имкони яратилди.

Давлатимиз раҳбари тъкидлаганидек, „мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини тъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар амалга оширилди“¹⁶. Кейинги 10 йил ичидаги мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ нинг сони 1,5 баробар, электрон ОАВ нинг сони эса 7 баробар кўпайиб, уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. ОАВ Ўзбекистонда япайдиган миллат ва златларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради¹⁷.

Ўтган йиллар мобайнида ОАВ фаолиятида туб ўзгаришлар амалга оширилди¹⁸. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини тартибга солувчи хукуқий асослар яратилди. Бу йўналишда қўйидаги қонун хужжатларини тилга олиш мумкин: „Ноширлик фаолияти тўғрисида“ (1996), „Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар тўғрисида“ (1996), „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“ (1997), „Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида“ (1997) каби қонунлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини тъминлаш борасида амалга оширилган ишлар танқидий баҳоланиб, „Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида“ ги, „Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан кўллаб-куватлаш кафолатлари тўғрисида“ ги, „Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида“ ги ва „Телерадиоэншиттиришлар тўғрисида“ ги янги қонунларни қабул қилиш ва амалдаги „Оммавий ахборот воситалари тўғрисида“ ги ва „Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида“ ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, „Телекоммуникациялар тўғрисида“ ги қонунни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилганини алоҳида тъкидлаш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 30 декабрда эълон қилинган „Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзаликлар бериш тўғрисида“ ги 1672-сонли қарор концепцияда белгилаб берилган ахборот

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2009. — 13-б.

¹⁶ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2010. — 10-бет.

¹⁷ Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2010. — 30-бет.

¹⁸ Мирзо F., Хидиров С.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Сайдов. — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. — 13-бет.

соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги тамоилиларнинг ҳаётдаги амалий ифодаси бўлди. Ушбу қарор билан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга солик ва божхона тўловлари бўйича катта имконият ва имтиёзлар берилгани ахборот бозори иштироқчилари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий мустақилиги, молиявий барқарорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда кейинги ўн йилда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан кўллаб-куватланмоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти борган сари ошиб бормоқда. Чунки улар демократик қадриятлар, инсон ва фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муддим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва хукуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучаймоқда. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги боис кишилар қалби ва онгида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришларга нисбатан кечаётган хайрхондлик ва бирдамлик кайфияти фаоллашмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишнинг хукуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тилга олиш ўринидир. Президентимиз ибораси билан айтганда, „мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган будай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди“¹⁹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишиланган. Мазкур бобда жамоат ташкилотлари

Шулар қаторида „Норматив-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида“, „Ижтимоий шериклик тўғрисида“, „Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида“, „Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида“ ва бошқа хукуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинishi ҳам гоят муддим аҳамиятга эгадир. Улар юртимизда фуқаролик жамиятини жадал ривожлантириш, унинг одамларимизнинг конституциявий хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши борасидаги ролини ошириш, ҳокимият тузилмалари фаолияти ошкоралигини кучайтириш ва бошқарув соҳасида қабул қилинаётган қарорлардан аҳолини хабардор этиш каби мақсадларга хизмат қиласди.

Ислом Каримов

рининг турлари, фаолият кўрсатиши тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларга нисбатан мустақил экани каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 56-моддасида белгиланганидек, „Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади“.

¹⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: „O’zbekiston“ НМИУ, 2010. — 42-бет.

Фуқаролар йигини биринчи марта ўзини ўзи бошқариш органи сифатида Конституцияда эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ушбу ҳукуқий норма белгиланди:

„Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларининг йигинлари ўзини ўзи бошқариш органдари бўлиб, улар иккى ярим йил муддатта раисини (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органдарини сайланни тартиби, фаолиятни ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади“.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳукуқига эга эканини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органдарida озчиликни ташкил этувчи муҳолифат шахсларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги белгилаб кўйилган. Асосий қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллити асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий принцип ўз ифодасини топган.

Бирлашишга бўлган конституциявий ҳукуқ ёки халқaro ҳужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган ҳукуқ ўз ичига фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришини асосида ихтиёрий равишда тузиладиган жамоат ташкилотларини ташкил этиш ҳукуқини ҳамда мавжуд жамоат ташкилотларига кириш ёки улардан чиқиш ҳукуқини қамраб олади.

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишига тўсқинлик қилиш ҳукуқقا зид фаолият деб тан олинади. Бундан ташқари, Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳукуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг экани белгилаб кўйилган.

Асосий қонуннинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳукуқига эга экани эътироф этилган.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳукуқдан жамиятта қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, мамлакатимизнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қўлувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қўлувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши, фаолияти ҳамда маҳфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади²⁰.

²⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2012. — 40-бет.

Ҳозирги вақтда „Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида“ти қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Бу қонуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг назоратини амалга оширишининг тизимли ва самарали хуқуқий механизмини яратиш бўлиши лозим. Таклиф этилаётган қонунда қуйидагиларни белгилаб қўйиш мўлжалланмоқда: жамоатчилик назоратининг турлари; жамоатчилик назоратининг шакллари; жамоатчилик назоратининг субъектлари; жамоатчилик назоратининг предмети; жамоатчилик назоратини амалга оширишининг хуқуқий механизмлари; мазкур соҳада амалдаги қонун хужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлари ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти асосларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири — инсон хуқуқ ва эркинликларининг самарали таъминланиши масаласидир. Шу муносабат билан Инсон хукуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш фурсати етганини таъкидлаш навбатдаги таклиф сифатида майдонга чиқади. Ушбу дастур, аввало, хукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ўз зиммасига юклатилган вазифаларга алоҳида масъулият билан ёндашиб лозимлигини уқтириш билан бирга бу вазифанинг қандай тарзда назоратта олинишини ҳам кўрсатиб беради. Бунда тегишли органларнинг инсон хукуқлари соҳасида ҳимояни қанчалик йўлга қўйганини аниқлаш мақсадида жамоатчилик мониторингининг амалга оширилиши кўзда тутилади. Дастур айнан ана шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичита олиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Мъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, худудларда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари хукуқларини белгилаб берган қонун хужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли нормалар киритилиши фуқаролик жамияти барпо этилишининг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйидаги масалалар юзасидан ҳам фаол иштирокининг асосларини кўзда тутувчи қонун хужжатлари мажмуини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда: соғлиқни сақлаш масалалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари; аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари; ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларни қўллаб-қувватлаш масалалари; катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини амалга оширишда экологик назорат муҳим ўрин тутади. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-хуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини амалга оширишининг зарурӣ элементи сифатида юзага келган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари. Биз фуқаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фондларнинг аҳамияти ортиб бораверади. Сўнгти йилларда „Жамоат фондлари тўғрисида“ти қонун ва „Ҳомийлик тўғрисида“ти қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида“ти қарори ва бошқа тегишли хужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил ролини ўтамоқда.

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожлашишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенати Кен-

гашларининг „Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қўшма қарори муҳим аҳамият касб этди.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини хукуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида“ги қонунни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкилоти) институтига хукуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти принциплари ҳамда хукуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида ўн нафар фуқаронинг ташабbusи билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди²¹.

Ушбу қонунга мустақилик йилларида киритилган бир қатор ўзгартиришлар баробарида жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда жамоат ташкилотларининг хукуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди. Қонунга биноан, улар ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усусларини танлашда ҳамда уставларини қабул қилишда мустақил экани белгилаб қўйилди.

Жамоат ташкилотлари манфаатларига даҳлдор бўлган масалалар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарини органлари томонидан тегишли жамоат ташкилотларининг иштироки ёки келишуви асосида ҳал этиладиган бўлди. Шу билан бирга, давлат жамоат ташкилотларининг қонуний манфаат ва хукуқларига риоя этилишини таъминлаши, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиши, хусусан, солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Президентимиз ўз маъruzасида таъкидлаганидек, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилган. Бу икки тузilmанинг фаолияти ҳам самарали кечмоқда. Масалан, фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик институтлари тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириши мақсадида Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан Парламент комиссияси ўз таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар²², молиявий тузилмаларнинг масъул ходимларини бирлаштирган. Мазкур комиссия фуқаролик институтларини қўллаб-куватлаши мақсадида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни очик, аниқ ва ошкора йўналтиришини, бу маблағларни демократик асосда тақсимлашни амалга оширади.

Инсон ва фуқароларнинг асосий хукуқ ва эркинликларининг таъминланисини амалда кенг ва тўла рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган ва шу йўлда фаолият юритаётган Инсон хукуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон хукуқлари бўйича миллий марказ, „Ижтимоий фикр“ жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти каби бир қатор миллий институт ва ташкилотлар қаторида фуқаролик жамияти институтларининг янада кенгроқ таркибини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда „Камолот“ ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, „Соғлом авлод учун“ ва „Нуроний“ жамғармалари, „Иход“ фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат таш-

²¹ Каранг: Ўзбекистон Республикасининг „Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида“ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. — № 4, 76-модда.

²² „Депутат“ сўзи лотинча *deputatus* сўзидан олинган бўлиб, „вакил этилган“ деган маънони билдиради.

килоглари самарали фаолият юритмоқда. Бирок шу ва шунга үхшаш фуқаролик институтларининг фаолиятини янада жонлантириш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг ўта муҳим вазифаларидан биридир. Бундай долзарб вазифанинг бажарилishi йўлида бир қатор амалий ишлар қилинди. Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини оширишга ҳисса кўшаётган 200 дан ортиқ қонун хужжати қабул қилинди. Бироқ бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Чунки бундай вазифаларининг долзарб аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Фуқаролик жамияти, моҳият эътиборига кўра, давлат ва унинг органлари фаолиятини назорат қиласиди. Шунинг учун ҳам у зарурдир. Бу зарурат маълум асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўз ҳаётий ифодасини топиши мумкин. Жамоатчилик назорати касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчилар уюшмалари ва шу каби тузилмалар орқали амалга оширилади. Булар ҳалқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотини таъминлаб берувчи „кўприк“ дир. Бундай кўприкнинг мавжуд бўлиши ва унинг мустаҳкамланиши демократик ҳукуқий давлат қуришни мақсад қилган жамият учун жуда муҳим вазифа, чунки ҳалқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотининг йўлга кўйилиши демократия учун асосий омил ҳисобланади. Лекин бундай мулоқотнинг йўлга кўйилиши анча қийин масала. Бу борада давлатнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам фаолиги зарур. Мамлакатимиз раҳбарининг илгари сурган таклифлари ана шундай заруратни ҳисобга олиб, давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари „учинчи сектор“ деб ҳам аталади. Шу ўринда айтиш керакки, „биринчи сектор“ дейилганда давлат, „иккинчи сектор“ дейилганда тижорат сектори (шахсий сектор деб ҳам аталади) назарда тутилади. Республикамида нодавлат нотижорат ташкилотларига оид миллий ассоциация мавжуд.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузilmанинг моҳияти ва мазмuni унинг вазифаси ва фаолият йўналишларида ёрқин ифодаланади. Жамоат ташкилотларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга ошириш орқали таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Мамлакатимиз Президенти илгари сурган таклифлардан бири — бу „Ижтимоий шериклик тўғрисида“ги қонунни қабул қилиш таклифи. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳукуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳукуқий механизmlарни тақомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳукуқий нормалар кўзда тутилиши даркор. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишга ҳисса кўшади, ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади, ходимларнинг меҳнатга доир ҳукуқларининг самарали кафолатланишига хизмат қиласиди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири — бу нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришdir. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларининг сони 6000 дан ортиқдир. Агар бу кўрсаткични 2000 йилдаги ҳолат билан қиёсласак, уларнинг сони уч баробарга кўпайганини кўрамиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида марказий ўрин тутади. Шунинг учун уларнинг фаолиятини ривожлантириш, мустақиллигини тўла таъминлаш, ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳукуқий, моддий-техникавий жиҳатдан кўллаб-куvvatлашга қаратилган „Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида“ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бу қонунни қабул қилишдан мақсад қўйидагиларда ифодаланади: ННТларини янада

ривожлантириш; мустақил иш юритишини таъминлаш; чинакам мустақиллигини таъминлаш; ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш; улар фаолиятини ташкилий-хукуқий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-куватланини кучайтириш.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий йўналтирилган функцияларининг моҳияти куйидагиларда намоён бўлади: жамиятнинг интеграциялашувига эришиш; ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш; давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини шакллантиришга кўмаклашиш; ҳалқнинг меҳнат потенциалларини сақлаш ва ривожлантириш; бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини шакллантириш; инсон қадр-қимматини ошириш ва меҳнат анъаналарини ривожлантириш.

Мамлакатимизда ижтимоий жараёнларнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролик жамиятининг асосий институтларининг янги функциялари шаклланишига олиб келмоқда.

Хозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, муайян соҳалар юзасидан инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби масалаларга ўзларининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қарамоқда. Жамоат ташкилотларига бирлашган фуқаролар улар орқали ўзларининг турли манфаат ва ҳукуқларини амалга оширишни кўзлайди. Бундай шароитда жамоат ташкилотлари олдига фуқароларнинг давлат ишларини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд қонунчиликка нисбатан ижобий муносабатини шакллантириш ва шу орқали уларни қонунга итоаткор шахс сифатида тарбиялаш каби янги вазифалар қўйилмоқда.

Маҳалла — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти. Мамлакатимизда демократик ҳукуқий давлат куриш жараёнида фуқаролик жамиятининг мухим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири — маҳалланинг ўрни бекиёсdir. Маҳалла — бу шарқона „демократия дарсхонаси“. Ўзбекистонда фуқаролар йигинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. „Маҳалла“ сўзи арабча „маҳал“ сўзидан олинган бўлиб, „истикомат қиласидиган жой“, „худуд“ маъноларини билдиради²³.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳукуқий асослари яратилди. Бунда маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ кўп масалалар қаторида маҳалла оқсоқолини сайлаш тартиблари ҳам ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни бекиёsdir. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Масалан, Тошкентда XVIII асрда 150 та маҳалла фаолият кўрсатган бўлса, XIX асрда уларнинг сони 200 тага етган, XX аср бошларида эса 250 та маҳалла бор эди²⁴. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида ҳалқимизнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятларини сақлаб қолиш, одамларни жипслаштириш, улар ўртасида меҳр-оқибат туйгуларини кучайтириш омили сифатида майдонга чиқаётганини яқзол кўриб турибмиз.

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олингани билан ҳам ўзининг юксак

²³ Қаранг: Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. /Масъул мухаррир А.Муҳаммаджонов. /— Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“, 2005. — 37-бет.

²⁴ Қаранг: Қораев С. Тошкент топонимлари./Масъул мударрир А.Р.Муҳаммаджонов./ — Т.: „Фан“, 1991. — 32-бет.

мавқеига эга. Мустақилик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яни кучли давлатдан кучли жамиятта ўтиш борасидаги ишлар изчили давом эттириб келинмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириши, унинг вазифалари кўламини кентгайтириши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди. Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов „Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида“ти қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киригиш юзасидан таклифни илгари сурди. Киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларда қўйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади: аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлашда маҳалланинг аниқ йўналтирилган фаолиятини белгилаш; маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оиласвий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш соҳасидаги вазифаларни аниқ белгилаш; маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидағи вазифаларини янада кентгайтириш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг худудий бирликларидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда, қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг учинчи сессиисида 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган „Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида“ти қонун қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукуқий ҳолатини белгилаб берди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мәмлакатимиз ҳастидаги муҳим ўрин тутади. Бу сайлов демократизм, ошкоралик ва тент сайлов ҳукуқи асосида ўтказилади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг „Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сай-

лови тўғрисида“ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш эҳтиёжи мавжуд эканини таъкидлаш ўринлиди. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланиши даркор. Шу билан бирга, фуқаролар ижтимоий фаолигини кучайтиришда маҳалланинг роли ва аҳамиятини оширишига эришиш лозим. Шунинг учун ана шу мақсадларга эришишига замин ҳозирлайдиган тегишли чора-тадбирларни таъминлаб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш на-зарда тутилмоқда, таклиф этилмоқда²⁵.

Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидағи кўламишининг кенгайиб бориши билан хукуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган „Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида“ги (янги таҳрири) қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қўйидагича таърифланди: „Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир“. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг хукуқий мақоми ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги хукуқий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

Собиқ Иттифоқ даврида маҳалланинг мазмuni ва вазифалари бутунлай сохталаштирилган эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг хукуқий мақомини йўқотди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўқда чиқарилди.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари нинг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келигина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатимизда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йигинлари ўзини ўзи бошқариш органлари хукуқий мақомини олди. Жумладан, мустақиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йигинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва ҳалқ ўртасидаги обрў-эътиборини қайтадан тиклаб олди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар

²⁵ Қаранг: Каримов, И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2010. — 45—46-бетлар.

миқёсига ўтказишида маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига кагта аҳамият қаралди. Бу эса Президентимиз томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориши лозимлиги хусусидаги роянинг амалдаги тасдигидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар натижасида маҳалла институтининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу эса фуқароларимиз турмуш тарзининг янада яхшиланишида маҳалла институтининг ўрни ва роли нақадар бекиёс эканини кўрсатиб бермоқда. Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сифатидаги мавқенини янада ошириш, роли ва аҳамиятини тобора кучайтириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов ва ҳукумат томонидан жуда кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Фақат бизга хос бўлган маҳалла институти бошқа давлатларда учрамайдиган, бетакрор миллтий қадрият ва анъаналарга асосланган жамоавий тузилмадир. Маҳалла бошқаруви давлат ҳокимияти органлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Энди бундан 21 йил олдин иқтисодиёти бирёқлама ривожланиб, хомашё тайёрлашга йўналтирилган, боз устига, роят улкан табиий, минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларига, инсоний салоҳиятга эга бўлишига қарамай, собиқ Иттифоқда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринларга тушшиб қолган республикамизning истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлига доир бальзи мисолларга назар ташлайлик.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳоли жон бошлига нисбатан реал даромадлар 7 баробар, нафақаларнинг ўртача миқдори — 9 баробар, иш ҳаки 18 баробар ўсили.

Мутахассислар эътироф этганидек, янгилангандаги иқтисодиёт ва янги ҳаёт одамлар умрининг давомийлигига ижобий акс этди, уларнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайди.

Мамлакатимизда уй-жой фонди қарийб 2 баробар ошиди. Бугун юртимиздаги оиласларнинг 98,5 фоизи ўз уйи ёки квартирасига, қишлоқдаги оиласларнинг 97,5 фоизи томорқасига эга.

Агар 21 йил илгари 10 та хонадондан биттасида енгил автомобиль бўлсан, ҳозир ҳар учинчи оиласда биттадан, айрим хонадонларда ҳатто бир нечтадан шахсий автомашина бор.

Сўнгти етти йил мобайнида мамлакатимиз йилига 8,2 фоиз ўсишга эришмоқда. Жаҳонда, айниқса, 2008 йилдан бўён давом этаётган молиявий-иктисодий инқироз шароитига бундай кўрсаткичларга эга давлатлар жуда кам.

Бинобарин, кейинги вактда пойтахтимизда ўтказилган бир неча йирик ҳалқаро анжуманларда Ўзбекистоннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, соглиқни сақлаш, таълим тизимларини ривожлантириш борасидаги тажрибалари юзлаб хорижий мутахассислар иштирокида атрофлича ўрганилиб, намуна сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Энг муҳими, истиқлол йилларида эришилган барча ютуқ ва мэрраларимиз тимсолида Ўзбекистон дунёning тараққий топган демократик мамлакатлари қаторидан мустаҳкам жой эгаллаш, ҳалқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш йўлидан дадил одимлаётганини кўрамиз.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсат натижаси, „ўзбек модели“ самаралари эканига тақрор-тақрор ишонч ҳосил қиласиз.

Президентимизнинг кейинги вактдаги бир неча хорижий сафарлари якунлари бўйича яқин истиқболда амалга ошириладиган, миллиардлаб доллар маблағ йўналтириладиган ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди.

Ёки бўлмаса, юртимизда жорий этилаётган биргина хужжат — „2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ги давлат дастури бўйича умумий миқдори салкам 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Мустакилликнинг қўлга киритилиши билан тарихан ҳисқа вақт ичида мамлакатимизда:

- совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди;
- миллӣ давлатчиликни шакллантиришнинг хукуқий асослари яратилди;
- давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи амалга оширилди;
- фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти изчил йўлга кўйилди;
- эркин бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёни амалга оширилди.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида:

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентта айлантирилди;
- Президент ваколатларининг бир қисми парламентнинг юқори палатаси — Сенатга ўтказилди;
- Бош вазирнинг хукуқ ва ваколатлари кучайтирилди;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан Ўзбекистон Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди;
- парламентдаги кўпчиллик, парламентдаги мухолифат каби тушунчалар қонунда акс эттирилди;
- сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчиллик палатаси Спикерининг ўринbosари этиб сайлаш бўйича ташкилий-хукуқий чоралар кўрилди;
- Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизми жорий этилди;
- парламентта Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш хукуқи берилди;
- давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилди ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган ўзгартиришларни умумлаштириб, мухтасар хulosса қилинганда, Ўзбекистон мустакиллик йилларида катта конституциявий-хукуқий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Шу жиҳатдан, айниқса 2000—2012 йиллар жуда салмоқли ва самарали бўлди деб ҳисоблаш мумкин. Чунки айнан мана шу йилларда Ўзбекистон Конституцияси, унинг асосида қабул қилинган конституциявий қонунлар ва қонуности ҳужжатларида жамиятни эркинлаштириш, демократлаштириш ва жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш борасида ҳал қилувчи қадамлар ташланди.

Юқорида айтиб ўтилган ўзгариш ва янгиланишлар, давлат ва жамият ҳаётида амалга оширилган туб ислоҳотлар мустакил давлатчилик пойdevorига кўйилган мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва хукуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини шилаб чиқиши ва амалга ошириши дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиши ва муҳокама этиш босқичида турибди.

Ислом Каримов

Мавзуни мустаҳкамлаш юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигига эришганидан сўнг унинг олдида турган долзарб масалалар нималардан иборат эди?
 2. Ўзбекистоннинг ўз мустақил тараққиёт йўли қандай босқичлардан иборат?
 3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи нимани англатади?
 4. Мустақиллик йилларида сайлов қонунчилигида амалга оширилган ислоҳотлар нималардан иборат?
 5. Тараққиётнинг ўзбек моделининг моҳияти нималарда кўринади?
 6. Мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида қандай ислоҳотлар амалга оширилмоқда?
 7. Мамлакатимизда суд-хукуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар нималардан иборат?
 8. Ўзбекистон Республикасида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қандай ислоҳотлар олиб борилмоқда?
 9. Фуқаролик жамияти институтларининг демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни нималардан иборат?
 10. Демократик бозор ислоҳотларини амалга оширишда қандай хукуқий асосларга таянилмоқда?
-

2-БОБ. ХАЛҚАРО МАЙДОНДА САҚЛАНИБ ҚОЛАЁТТАН МУРАККАБ ШАРОИТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШҚИ СИЁСАТИ

2.1. Бугунги кунда жадал ўзгариб бораётган жараёнлар ҳамда жиддий таҳдид ва хатарлар

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига сиёсий, иқтисодий, илм-фан, маданият соҳасида инсоният томонидан улкан тараққиёт натижаларига эришилган бўлса-да, афсуски, глобал тинчлик ва барқарорликка таҳдид солиб турган жиддий хавф-хатарлар ҳам сақланиб қолмоқда. Инсоният тараққиётининг кўп мингийиллик тажрибасига қарамасдан, уруш оловини ёқишга, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишига уринаётган қора кучлар сайёрамизнинг турли бурчакларида ҳанузгача ўзларининг қабиҳ ниятларига эришиш йўлида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона фаолият олиб бормоқда. Халқлар, миллатларнинг хавфсизлиги, тинч ва фаровон турмуш кечириш борасидаги орзу-истакларига раҳна соладиган турли салбий оғат манбаларининг мавжуд экани бутун башариятни хавотирга солмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган маъруzasida таъкидлаганидек, „Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият ва жараёнлар, мавжуд можароларнинг кескинлашуви ва янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, бъязи миңтақаларда этник ва конфессијаларо тафовутлар негизида вужудга келаётган тўқнашувларнинг кучайиши, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молијавий-иктисодий инқизози ҳамда унинг оқибатлари жиддий таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда“²⁶.

Дарҳақиқат, дунёда, Марказий Осиёда юз берадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, уларнинг геосиёсий манзараси дунёning иқтисодий ва манавий имкониятларига, жаҳон ҳамжамиятининг истиқболига янгича назар ташлашга ундумоқда.

Ядроий технологиялар ва оммавий қурғин қуролларининг тарқалиб кетиши хавфи, муросасизлик, радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, янги кескин ўзгаришларнинг пайдо бўлиши дунё ҳамжамиятида катта ташвиши уйғотмоқда.

Ислом Каримов

2.1-жадал

Ядро реакторларига эга бўлган давлатлар

Давлатлар	Мавжуд ядро реакторлари сони
АҚШ	104 та
Франция	59 та
Япония	55 та
Россия	31 та
Англия	23 та
Жанубий Корея	20 та
Канада	18 та
Германия	17 та
Украина	15 та

²⁶ Инсон манбаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимизdir. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Бугунги кунда атом қуролига эга бўлган давлатлар сони (10 та) тобора ошиб бормоқда. Булар қаторига АҚШ, Россия, Англия, Франция, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Корея, Эрон ва Исломия (охирги иккита давлат таҳмин қилинади) киритиш мумкин. Жаҳонда 500 га яқин ядрорий реактор мавжуд (2.1-жадвал) ва дунё бўйича электр энергияси ишлаб чиқаришда атом электр станцияларининг улуши 16 физни ташкил қилади.

Шу боисдан ҳам ҳозирги давр — дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Бугун Ер юзи одамзод учун ягона макон бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асрдаги, асосан, кўпроқ бир ё иккита давлат ёхуд минтақа ўртасида бўлган. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этган.

Хуллас, уруш қуроллари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда уларнинг қудрати бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Инсоният XX аср охирига келиб, бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

Юргашимиз БМТ минбаридан бутун Афғонистонда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда ядрорий қуролдан холи ҳудудни ташкил этиш ташаббусини илгари сурганидан сўнг бу ҳақда шартнома 2006 йил сентябрь ойидан Семипалатинск шаҳрида имзоланди. БМТ Бош Ассамблейсининг 61 ва 63-сессияларида ушбу ташкилотта аъзо давлатларнинг кўпчилик овози билан „Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд“ резолюцияси қабул қилинди, 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, бу ҳақдаги шартнома кучга кирди.

Бугунги кунда ядрордан холи ҳудудлар бутун Ер шарининг 70 фоизини ташкил этади. Дунёнинг кўпгина давлатлари ядрордан холи ҳудудлар ҳақидаги 6 та шартномани кўллаб-куvvatlamоқда.

1. **Антарктида шартномаси** 1959 йил 1 декабрда қабул қилиниб, 1961 йил 3 июнда кучга кирган.

2. **Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ядро қуролини тақиқлаш ҳақидаги Тлателолко шартномаси** 1967 йил 14 февралда қабул қилиниб, 1969 йил 25 апрелда кучга кирган.

3. **Тинч океанинг жанубий қисмини ядрордан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Раротон шартномаси** 1985 йил 6 августда қабул қилиниб, 1986 йил 11 декабрда кучга кирган.

4. **Жануби-Шарқий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Бангкок шартномаси** 1995 йил 15 декабрда қабул қилинган.

5. **Африкани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Пелиндаб шартномаси** 1999 йил 11 апрелда қабул қилинган.

6. **Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд ташкил этиши тўғрисидаги Семипалатинск (Қозогистон) шартномаси** 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинган ва Марказий Осиёдаги 5 та давлат раҳбарлари томонидан имзоланган.

Демак, дунёнинг 110 мамлакати, яъни жаҳон ҳамжамиятининг ярмидан кўти ядро қуролидан бутунлай воз кечиш тарафдоридир²⁷. Бундан кўзланган мақсад ядро қуроли мавжуд бўлган ҳудудларни чеклаш, ядро уруши хавфини камайтиришdir.

²⁷ Собирова Ш. Ядро қуролидан холи зона // Маърифат, 2006 йил 12 июль.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядроиз худуд барпо этиш ҳақидаги ташабуси БМТ ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тўла қўллаб-кувватланмоқда. Бу таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида муҳокама қилинди ва у бўйича маҳсус резолюция қабул қилинди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд барпо этиш фақат минтақада эмас, балки бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Президентимиз Ислом Каримов 1997 йилдаёқ „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ номли фундаментал асарида хавфсизликка таҳдид солувчи куйидаги миллий, минтақавий ва умумбашарий хатарларни теран таҳлил қилиб берган эди:

1. Минтақавий можаролар.
2. Диний экстремизм ва фундаментализм.
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик.
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.
5. Коррупция ва жиноятчилик.
6. Маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муносабатлари.
7. Экологик муаммолар.

2.2. Глобаллашув шароитига манфаатлар тўқиашуви ва минтақавий хавфсизлик

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, ҳозирги вактда бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ.

XX аср сўнгидаги рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки кутбли дунёning барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

XX асрда дунёда гоявий қарама-қаршиликлар кескин ва мураккаб тус олган давр бўлди. XX аср сўнгидаги икки кутбли дунёning барҳам топиши, нисбий мувозанатнинг бузилиши натижасида жаҳондаги мафкуравий манзаралар тубдан ўзгарди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, „XX аср охирида дунёда жўрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чукур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қиласи. „Совуқ уруш“ даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва гояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб кўймоқда“²⁸.

Бугунгич глобаллашув шароитида бундай жараёнларнинг барчаси жаҳондаги иирик давлатларнинг манфаатлари ўзаро тўқиашадиган минтақамизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчили ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин...

Ислом Каримов

²⁸ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т.: „Ўзбекистон“, 1998. — 240—241-бетлар.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб коммунистик ва социалистик партия таъсиридаги социализм лагери парчаланди. Дунё мамлакатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган батзи мамлакатлар ўз миљий мустақиллигини кўлга киритган, ривожланаётган мамлакатларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринмоқда. Булар куйидаги ҳолатларда кўринади:

Дунёни бўлиб олишга уринаётган сиёсий марказлар:

1. Буюк давлатчилик мафкураси.
2. Диний экстремистик мафкуралар.
3. Пансоветизм мафкураси.
4. Индивидуализм ва эгоизм гояларини ифодалаган мафкуралар.
5. Турли диний секталарнинг гояларни ифодаловчи мафкуралар.

Бу жараёнда турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш гоят катта иқтисодий манфаатлар билан қўшилиб кетмоқда. Гоявий-мафкуравий тазијиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг гоявий-мафкуравий дахлизилигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлмоқда.

Мамлакатлар ўргасида ўзаро хурмат, ҳамкорлик, тинчлик, биродарлик тамойилларини қарор топтиришни қўзлайдиган давлатимиз ташки сиёсатининг асосий принциплари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва давлатимизнинг ташки сиёсат стратегиясида мазкур тамойиллар дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келаётгани боис, бугунги кунга келиб юртимизнинг ҳалқаро обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун ниҳоятда мақбул ҳалқаро шарт-шароитлар ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу натижаларнинг улкан аҳамиятини янада чуқурроқ англаш учун таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон тажрибаси ҳам буни исботлаганидек, бирон-бир давлат ҳалқаро майдонда ўзининг обрў-эътибори ҳамда хавфсизлигини таъминламасдан туриб, мамлакат ичкарисида самарали равишда ислоҳотларни амалга ошира олмайди. Боз устига, бугунги давр феномени ўтган аср, ҳаттоқи, унинг сўнгги ўн йилларидаги шарт-шароитлардан ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қўлмоқда. Бир томондан, ҳалқаро глобаллашув жараёнлари бугунги кунга келиб ўзининг янги хусусиятларини намоён қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан, дунё миқёсида мамлакатлар, ҳалқлар ўргасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига сабаб бўладиган салбий тенденциялар ҳам, афсуски, кучли даражада сақланиб турибди. Мана шундай қалтис вазиятда мамлакатларнинг, айниқса, ёш мустақил давлатларнинг хавфсиз ва барқарор тараққий этиши учун жаҳон миқёсида пайдо бўлган янги салбий таъсиrlарни бартараф қилиш, уларга нисбатан мустаҳкам ички иммунитетни шакллантириб, мустаҳкамлаб бориш тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: „Хозирги даврда, ҳалқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган ҳалқ ва жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади“²⁹.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси давримизнинг турли таъсиrlарига муносиб жавоб бериш, ўзи таъниб олган йўлдан событқадамлик билан бориш, барқарор демократик тараққиёт хавфсизлигини таъминлаш учун бугунги кунда жамиятни изчилилк билан янгилаш ва модернизация қилиш, шу орқали демократик ислоҳотларни янада юқори поғоналарга кўтариш йўлидан борар экан, бу ўринда ҳалқаро миқёсда тенг хукуқли алоқалар ўрнатишни ва мустақил тараққиёт хавфсизлигини таъминлашнинг энг нуфузли

²⁹ Каримов И.А. Инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2005. — 11-бет.

воситаси бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш масалаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан мустақил Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан 1992 йилдан буён давом этиб келаётган ҳамкорлиги ўзининг изчилиги ва кенг қамровлилиги билан алоҳида ажралиб турди. Мамлакатимизнинг ер юзининг энг нуфузли халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик алоқалари натижасида минтақамиз ва дунё миқёсидаги ўткир муаммоларни ҳал қилиш борасида юксак натижаларга эришилмоқда. Маълумки, БМТнинг 1993 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган ва тарихий аҳамиятга эга бўлган 48-сессиясида Президентимиз томонидан сўзланган нутқда билдирилган хулоса ва тактифларда мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлигининг истиқболлари белгилаб берилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу сессияда БМТ фаолиятини, давр талабларидан келиб чиқиб, янада тақомиллаштириш, унинг курраи заминимизда вужудга келган мураккаб зиддиятларни ҳал этиш лаёқати ва имкониятларини янада кенгайтириш борасидаги муҳим тақлифларни илгари сурган эди.

Булар жумласига Ўрга Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкентда БМТнинг доимий ишловчи семинарини чақириш; БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳдил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича маҳсус гурӯҳ ташкил қилиш; Ўрга Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш; Ўрга Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролни тарқатмаслик устидан халқаро назорат ўрнатиш; наркобизнесга қарши курашни кучайтириш; Оролни ва Оролбўйини экологик ҳалокатдан кутқариш масалалари киради.

Давлатимиз раҳбари томонидан БМТ фаолиятини, унинг институционал механизmlарини замонавийлаштириш ва самарадорлитини ошириш борасида билдирилган фикрлар жаҳоннинг барча нуфузли ташкилотларида, кўплаб хорижий мамлакатларда катта қизиқиш ва эътибор билан эътироф қилинди. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обруси янада ортди. 2010 йилнинг 20 сентябрида ўз ишини бошлаган БМТ Бош Ассамблеясининг Минтизиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган саммитида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг тақлифига биноан иштирок этиши Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигига сифат жиҳатдан янги босқич бошланганини намоён қилмоқда. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан бевосита учрашуви бўлиб ўтди. Ана шу учрашувда нуфузли халқаро ташкилот раҳбари БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман, Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Мазкур учрашув жараёнида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ҳозирги давр талаблари асосида янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, асрий қардошлиқ туйгуларини ривожлантириш, яқин қўшничилик фазилатларини кучайтириш ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб ва ҳозирги шароитда минтақамиз ва халқларимиз ҳаётига таҳдид қилаётганларга қаратади Президент Ислом Каримов бундай деди: „Келгуси авлод вакиллари уруш оловини ёқишига ундан сабаб ва баҳоналар учун замондошларимизни кечирмасалар керак. Тарих ўз ҳукмини чиқараб экан, ҳамма вақт шолини курмакдан ажратади ва баразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфатларини ниқоб қилиб олувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибрҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди“³⁰.

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: „Ўзбекистон“, 1998. — 430-бет.

Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиёning қоқ ўртасида жойлашгани, унинг жуда катта ерости ва ерусти бойликларига эга экани, ўз халқининг юксак интеллектуал салоҳияти ҳамда ишлаб чиқариш куввати туфайли юргимиз, айтиш мумкинки, ушбу минтақанинг таянч нуқтаси ҳисобланади. Айни пайтда Марказий Осиёга кўз олайтираётган кучлар учун Ўзбекистон алоҳида нишон ҳисобланади. Ана шундай вазиятнинг ўзидан Ўзбекистон зиммасида бутун минтақа тақдири ва унинг истиқболи учун курашишдек оғир масъулият турганини сезиш қийин эмас.

Президент Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишиланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида саммит қатнашчилари эътиборини Марказий Осиёда кечаетган жараёнлар, зиддиятли муаммолар, умумий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалаларга қаратди. Жумладан, БМТнинг бевосита раҳнамолигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш, Қирғизистонда юз берган қонли воқеаларнинг асл сабабларини аниқлаш ва айбдорларни жазолаш, кучайиб бораётган экологик муаммоларнинг олдини олиш каби масалалар юзасидан ғоят муҳим концептуал холоса ва таклифларни илгари сурди.

2.3. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш – жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масала

Марказий Осиё минтақасида, юргимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш Президентимиз фаолиятининг энг муҳим ўзак тамойилларидан бири бўлиб келмоқда. Шу боисдан ҳам Юргбошимиз Ислом Каримов ўзининг барча чиқишиларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтади. Хусусан, минтақавий тинчликнинг умумий тамойиллари ҳақидағи принципиал муҳим ғояни илгари суради: „АЙСЕФ деб аталмиш коалицион кўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистон худудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта“³¹.

Ҳақиқатан ҳам, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти. Афғонистонда шундай қонли уруш давом этаётган, турли кучлар, гуруҳлар ўртасида ярашиш, муросага келиш масаласи мутлақо кўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, Ўрга Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта хавф-хатардир.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи буғунги куннинг энг мурakkab муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон можароси — фақат бу мамлакат ёки унинг кўшиларининг муаммоси эмас. Можаро оқибатлари минтақавий ва глобал хавфсизликка бевосита ва ғоят кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўлларини топишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутмоқда. Сўнгти ўн йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Афғонистон муаммоси нафақат бевосита жўғрофий яқинлик нуқтаи назаридан, балки қатор бошқа сабаблар туфайли ҳам Ўзбекистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу

³¹ Инсон манфаати, хўкуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

мамлакатдаги кескин нотинч вазият Марказий ва Жанубий Осиёга доимий равишида таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк даврларидан бошлаб Президент Ислом Каримов нуфузли халқаро минбарлардан бонг уриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамасликка, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши учун кўлидан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида, 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини тақрор ва тақрор огоҳлантириди. Ислом Каримов афғон уруши узоқ вақт давомида фақат Афғонистон ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай пайтда ёйилиб кетиши, ҳатто узоқ денгиз ва океанлар ортидаги давлатлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бор огоҳлантириди.

Қатор эксперталар, агар жаҳон ҳамжамияти Президент Ислом Каримовнинг даъватларига ўз вақтида қулоқ соганида, бугунги фожианинг – „терроризмга қарши кураш“ деб ном олган глобал ва янада вайронкор, лекин самараси кам бўлган урушнинг олдини олиш мумкин бўлур эди, деб ҳисоблади.

Бугун коалиция кучлари томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танланган стратегия кутилган натижаларни бермаёттанини қайд этишга тўғри келмоқда. Уруш давом этаётган ҳар бир кун жафокаш Афғонистон ҳалқининг ахволини янада оғирлаштириб, ушбу мамлакат муаммолари ечимини боши берк кўчага киритиб кўймоқда.

Афғонистон муаммоси бўйича ўнлаб халқаро конференция ва учрашувлар ўтказилипти, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам реал амалий самара берәётгани йўқ.

Афғонистонда рўй берәётган қонли мажаролар, ўз кўлами ва хавфлилик даражасига кўра, XX асрнинг охирига келиб, халқлар, миллатлар учун мисли кўрилмаган катта таҳдидга айланди. Афғон муаммоси ва уни келтириб чиқарган туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида Ислом Каримов „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ (1997) номли асарида чукур концептуал хуносаларни баён қилган эди. Ушбу хуносалар бугунги кунда ҳам афғон муаммосини ҳал этишнинг илмий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Асарда таъкидланганидек, „18 йилдан бери уруш кетаётган Афғонистондаги тангликтининг чукурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жўтрофий-сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожиани кўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёning энг катта минтақавий мажаролари жумласига киритиш мумкин“.

Афғонистон ҳудуди бугунги кунда ҳам муаммолар тугуни ичida қолгани ҳолда, минтақамиз ва шунингдек, бутун дунё учун хавф-хатар манбаи бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, ҳарбий вазият ўта мураккаб ҳолатда турибди. Вазиятни ўнглаш бўйича шу пайтта қадар амалга оширилган чора ва тадбирлар ўзининг етарли даражадаги ижобий самарасини бермаяпти. Афғонистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш мақсадларини кўзлаб фаолият олиб бораётган халқаро коалиция кучларининг фаолияти шу пайтта қадар мазкур мамлакатда тўпланиб қолган ўткир ва зиддиятли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ечилишига ва афғон жамиятининг барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олишига сезиларли даражада ёрдам бера олмаяпти³².

Дарҳақиқат, Афғонистон ҳудудидан халқаро коалицион кучлар олиб чиқиб кетила бошланиши ва хавфсизлик бўйича масъулиятнинг Афғонистон миллий куролли кучлари

³² Махмудов Р. Обеспечение безопасности и стабильности на пространстве ШОС (Правовая база и перспективные направления взаимодействия)//Материалы Шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества. Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. – С.94–95.

қўлига топширилиши жараёни жафокаш ағфон халқига узоқ кутилган тинчлик ва осоишига ҳаётнинг кафолатли тарзда тикланишига олиб келишидан умид қилинган эди. Лекин аслида бундай бўлмаяпти. Афғонистонда зиддиятли вазиятнинг доимий равища сақланиб туришидан манфаатдор бўлган ички ва ташқи кучлар бунга зўр бериб қаршилик кўрсатмоқда. Бундай кучлар сирасига, биринчи навбатда, турли тоифадаги террорчи ва экстремист гуруҳлар, наркотик моддалар билан савдо қилувчилар киради³³.

Афғонистон худудида сақланиб, кучайиб бораётган ўта ҳаффи таҳдидлардан бири — бу наркобизнесидир. „Бу мамлакатда гиёхванд модда қадимдан етиштирилган ва тайёрланган. Бироқ кўкнори ва героин ҳамда бошқа синтетик гиёхванд моддаларни етиштириб, тайёрлаш хўжалиги вайрон қилинган бу мамлакатда XX асрнинг 90-йилларидағина саноат асосига кўйилди. Турли халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гиёхванд моддалар умумий ҳажмининг 50 фоиздан 75 фоизигача бўлган қисми Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Афғонистон XX аср охирида гиёхванд моддалар тайёрлаш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат бўлиб қолди. Наркобизнесни ўз назорати остига олишни истаган уюшган жиной гуруҳлар бойлик орттиришнинг жуда нозик йўлларидан тобора кўпроқ фойдалана бошлади.

Тожикистондан Европага етиб боргунича героиннинг нархи 63 баробар ошади: Тожикистон Бадахшонида 1 кг героин 4 мингдан 8 минг долларгача, Душанбеда 12—17 минг доллар, Москвада 150—200 минг, Европада 250—300 минг доллар туради. Гиёхванд моддалар нархининг йўл бўйлаб бу қадар ошиб бориши, айниқса, турмуш даражаси паст бўлган Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг айрим фуқароларини гиёхванд моддани контрабанда йўли билан ташиб боришига ундайди. Бу бозорда ҳукмрон бўлиш учун уюшган наркогуруҳлар ўргасида, шу жумладан, Марказий Осиёдаги наркогуруҳлар ўргасида ҳам шиддатли кураш кетмоқда“³⁴.

Ҳозирги вақтда Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддалар ва уларни хуфёна йўллар билан бошқа мамлакатларга чиқариш ҳажми шу қадар ортиб кетдикি, эндиликда бундай ҳолат бутун инсониятга таҳдид солувчи хатога айланди. Аслида, Афғонистонда ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар билан наркотик моддаларни етиштирувчи ва сотувчилар ўз фаолиятини бирлаштириб олди. Айнан оғуфурушлар халқаро терроризмнинг асосий молиялаштирувчиларига айланди. Наркотик моддалар савдосидан тушган пул маблағлари террорчи гуруҳлар томонидан қурол-яроғ сотиб олишга ҳамда бошқа ёвуз эҳтиёжларни қондиришга, жумладан, террорчи гуруҳлар сафига янги одамларни ёллашга сарф этилмоқда.

„Мутахассис экспертлар холоса қилганларидек, Марказий Осиё минтақасининг наркотик моддаларни гарбга жўнатиш йўлидаги „кулай“ географик худудда жойлашгани мазкур минтақада террористик кучларнинг фаоллаштаётганининг сабабларидан бири бўлиб турибди. Ишончли маълумотлар исботлаб турганидек, халқаро террорчилар фаолиятининг катта қисми Афғонистондан Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтказишга мўлжалланган муназзам ишловчи наркографик каналларни шакллантиришга қаратилгандир“³⁵.

Таассуфки, Афғонистон худудида наркотик моддалар хом ашёсини етиштириш, жумладан, кўкнори ундириш учун ўта кулай табиий имкониятлар мавжуд. „Кейинги йилларда кўкнори етиштирилалиган плантациялар ҳажми ўн мартаға кўпайди. Бугунги

³³ Гойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2009. — 97-б.

³⁴ Гойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2009. — 263—266-б.

³⁵ Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. — Т.: „Шарқ“, 2005. — С.142.

кунда Афғонистоннинг 32 вилоятидан 24 тасида турли хил оғу берувчи ўсимликлар экиб етиштирилмоқда. Етиштириладиган қўқнорининг 90 фоизи асосан 5 та вилоятта тўғри келади. Булар Хилмонд (38 фоиз), Нангарҳор (30 фоиз), Бадахшон (9 фоиз), Ўузгон (7 фоиз), Кандаҳор (5 фоиз)³⁶.

Жумладан, бугунги кунда Афғонистоннинг турли вилоятларида, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош ҳудудларида экстремистик кучлар таъсири кучайиб бораётгани мазкур мамлакатлар учун террористик таҳдид манбаига айланмоқда. Умуман, дунё ҳамжамиятининг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти афғон муаммосининг ижобий равишда ҳал қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ, деган холосани билдирусак, асло муболага бўлмайди.

Шу муносабат билан Афғонистонда вужудга келган ўта нохуш ва зиддиятли вазијатни ҳал қилишда ҳалқаро ҳамжамият, ҳалқаро ташкилотларнинг саъи-ҳаракатлари ҳамда кучларини бирлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда дунёда афғон муаммоси даҳл қўлмайдиган ҳудуднинг ўзи қолгани йўқ.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан афғон муаммосини ҳал қилишининг янги конструктив йўлларининг таклиф этилиши ва уларни БМТ раҳнамолигида амалга ошириш чора ва тадбирларини кўришга йўналтирилган изчил ташки сиёсатнинг олиб борилиши дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдек вазифаларнинг ҳал қилинишига улкан ҳисса бўлиб кўшилмоқда.

„6+2“ (1997—2001) ва янги „6+3“ муроҷот гуруҳини шакллантириш гояси. „6+2“ муроҷот гуруҳи (1997—2001) БМТ котибияти биносида 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташабbusи билан ташкил топди. Бу гуруҳ Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган эди. Мазкур гуруҳга Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган 6 та давлат, яъни Эрон Ислом Республикаси, Хитой Ҳалқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ҳамда АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. Унинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлди.

Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти саммити (1999) ва бошқа қатор муҳим анжуманларда ҳалқаро ҳамжамият дикқат-эътиборини афғон ҳалқини уруп даҳнатларидан ҳалос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига жалб этди.

Воқеаларнинг ана шундай йўналишида ривожланиши бугунги қарама-қаршиликнинг миллиатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланаб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгидан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли эксперталар томонидан истисно этилмаяти.

Ислом Каримов

1997 йил 19—20 июль кунлари „6+2“ гуруҳининг Тошкентда дастлабки учрашуви булиб ўтди. Унда биринчи бор муҳолиф томонларнинг юзма-юз музокара олиб бориши учун имкон яратилганини анжуман якунида „Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари“ ҳақида декларациянинг қабул қилинишини ҳалқаро жамоатчилик афғон заминида тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий қадам сифатида баҳолади. Президент Ислом Каримов ташабbusи билан қабул қилинган Тошкент декларациясида:

³⁶ Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. — Т.: „Шарқ“, 2005. — С.143.

- 1) Афғонистонда ягона ҳокимият түзиш (давлат қўшини ҳаракати билан толибон қўшинини бирлаштириш);
- 2) қочоқларни ватанига қайтариш;
- 3) ягона армияни барпо этиш;
- 4) Афғонистон давлатига моддий ёрдам фондини очиш ва кўмаклашиш;
- 5) наркотик моддаларнинг олдини олиш каби минтақавий долзарб гоялар кўтарилиган эди. Лекин 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик хуруждан сўнг НАТО блокига аъзо давлатларнинг ҳарбий кучлари Афғонистонга киритилиб, Ҳамид Карзай бошчилигидаги янги ҳукумат ташкил этилгач, „6+2“ гуруҳи фаолияти тўхтаб қолди.

„6+3“ мuloқot гуруҳи. 2005 йилдан кейин Афғонистонда террорчилик ҳаракатлари яна кучайди: одамларни гаровга олиш, террористик актлар содир этиш бошланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаси) саммитида иштирок этиб, 30 йилдан буён ҳозиргача давом этиб келаётган Афғонистон можароси юзасидан куйидаги фикрни илгари сурди³⁷. Жумладан,

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — Бирлашган Миллатлар ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўши мамилакатлар ва шунингдек, Америка Қўшима Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мuloқot гуруҳини шакллантиришдан иборат.

Ислом Каримов

- 5) ҳалқаро ҳамжамият имкониятлари ҳисобидан ёрдам ва кўмак ажратиш;
- 6) афғон ҳалқининг диний, милитий, маданий қадрият ва урғ-одатларини хурмат килиш;
- 7) „6+2“ мuloқot гуруҳини „6+3“ мuloқot гурухига айлантириш, яъни унда НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш лозим.

„6+3“ мuloқot гуруҳининг фаолиятини йўлга қўйиш ва жонлантириш Президентимиз томонидан қатор ҳалқаро анжуманларда, саммит ва йиғилишларда долзарб масала сифатида қайта-қайта илгари сурилди. Жумладан:

- 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО/СЕАП саммитида;
- 2008 йил августда ШХТ саммитида;
- 2009 йил 15—16 июня Екатеринбург (Россия) шаҳрида ШХТ анжуманида;
- 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўши маълисида;
- 2010 йил 20 сентябрда БМТ Мингийиллик тараққиёт дастурида ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар йиғилишларида.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, „6+3“ гуруҳи ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат тар-

Афғонистонда ўз ечимини кутиб турган куйидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш лозимлигига эътиборни қаратди:

- 1) оддий ҳалқнинг эҳтиёжларини қондириш;
- 2) аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш;
- 3) ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустахкамлаш;
- 4) афғон ҳалқининг ҳалқаро коалиция кучларига нисбатан ишончини қозониш йўлини кўриш;

³⁷ „Ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўхтонларга йўл қўймаслик даркор“ //Маърифат, 2008 йил 5 апрель.

кибида Афғонистондаги асосий миллій-этник ва диний гурӯҳлар ўз ўрнини топған бўлар эди.

Таъқидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносаб мұқобил варианти йўқ³⁸.

„Шанхай ҳамкорлиги ташкилоты“ — тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо-иктисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган давлатлараро ҳалқаро ташкилот. ШХТга олтида давлат — Хитой, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзодир.

Кузатувчи давлатлар: Мўгулистан, Покистон, Эрон, Ҳиндистон.

Музокаралар бўйича шерик давлатлар: Белорус, Шри-Ланка.

Давлат бошлиқлари саммитларига таклифнома олганлар: МДХ, АСЕАН, БМТ, ЕвразЭС, АҚШ.

ШХТнинг шакланиши 1992 йилдан Хитой билан чегарадош беш собиқ Иттифоқ республикаларининг ўзаро чегараларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни мұхокама қилишидан бошланган. Дастрлаб „Шанхай бешлиги“ деб ном олган бу ташкилот 1996 йилда Шанхайдага, 1998 йилда Олмаотада, 1999 йилда Бишкекда беш давлат раҳбарларининг саммити чегараларни мустаҳкамлаш, чегара ҳудудларида куролли кучларни қисқартириш каби масалаларни келишиб, ҳал этишга қаратилди. 2000 йил июлида Душанбе саммитида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов кузатувчи сифатида қатнашди. 2001 йил 15 июнда Шанхай саммитида ташкилотга олтинчи бўлиб Ўзбекистон қўшилди, ШХТни тузиш тўғрисидаги декларация эълон қилинди, „Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси“ имзоланди. 2002 йил июнда Санкт-Петербургда олти давлат раҳбарлари „Шанхай ҳамкорлик ташкилоти хартияси“ни қабул қилдилар. 2003 йил май ойида Москвада ШХТнинг ташкилий органлари, рамзлари тасдиқланиб, Ўзбекистон ташкилотнинг янги раиси этиб белгиланди. 2003 йил сентябррида Пекинда „ШХТга аъзо давлатларнинг 20 йилга мўлжалланган савдо-иктисодий ҳамкорлик дастури“ қабул қилиниб, маҳсулот, капитал, хизмат ва технологиялар эркин айланиши шартлари белгилаб олинди, ШХТнинг молиявий бюджети кўрилди. 2004 йил июндан бошлаб ташкилот тўла равишда ишга киришди. 2005 йилда Остона саммитида ва 2007 йил 15—16 августда Бишкек учрашувларида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон, Мўгулистан кузатувчи сифатида иштирок этди.

Хозирги кунда ШХТ доирасида 130 га яқин ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда.

ШХТ бирор-бир давлат ёки ташкилотта қарши қаратилмагани ва очиқ фаолият олиб бориши билан ҳалқаро муносабатларнинг янги шаклини юзага келтирди, „Шанхай руҳи“ тушунчасига йўл очилди. Ташкилотнинг асосий мақсадлари:

- аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш;
- минтақада тинчлик, хавфсизлик, барқарорликни биргаликда таъминлаш ва сақлаб туриш; сиёсий, савдо, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги самарали ҳамкорликка кенг йўл очиб бериш;
- энергетика, транспорт, туризм, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтириш.

ШХТ раҳбар органи — Давлатлар Раҳбарлари Кенгаши. Барча давлатларнинг соҳа вазирлари, Баш прокурорлар, Чегара қўмиталари раҳбарлари мунтазам учрашиб, иш олиб

³⁸ Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод булишига эришиш — бизнинг баш мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига барисланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

борадилар. ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари иккита: 2004 йил 17 январда Пекинда ШХТ Котибияти ва Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси ишга туши.

2007 йил 15—16 августда Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг саммити (мажлиси) бўлиб ўтди. Унда ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий ҳамохиатликни мустаҳкамлаш, савдо-иктисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Саммитда Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади. У Афғонистонда юзага келган вазият, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикнинг назорат қилиб бўлмас даражада кенгайиб бораёттанини айтиб ўтди. И.А.Каримов таклифлари: 1) Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш учун ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш йўли билан эмас, балки куролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, кескин ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этиш, фаол аҳолини кўллаб-кувватлаш лозим; 2) Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш гояси илгари сурилди; 3) коммуникация, ёқилиғи-энергетика соҳасида давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга ошириш; 4) ШХТ Бош котиби ролини янада мустаҳкамлаш учун унга аъзо давлат арбоблари орасидан 5 йил муддатта тайинлаш масаласини билдири³⁹.

ШХТнинг энг муҳим 3 та вазифаси 2001 йил 15 июнда „Терроризмга, сепаратизмга ҳамда экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай конвенцияси“да қабул қилиниб, белгилаб берилди:

- 1) терроризмга қарши биргаликда курашиш;
- 2) сепаратизм (айирмачилик)га қарши кураш;
- 3) экстремизмга қарши кураш.

ШХТ таркибида фаолияти йўлга қўйилган тузилмалар:

1. Терроризмга қарши биргаликда кураш маркази (2004 йил).
2. ШХТнинг Ишбилиармонлар кенгаси (2005 йил).
3. ШХТнинг Банклараро ассоциацияси (2006 йил).

4. Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда битим асосидаги ҳамкорлик.

Бизга қўшини бўлган афғон халқи бошига тушган мусибатларга ҳам бефарқ қараш мумкин эмас. Бунинг ўзига хос жиддий асослари бор. Жумладан:

биринчидан, асрлар мобайнида шаклланган қон-қардошлиқ туйғусининг, милий ва маънавий, тарихий ва ижтимоий икки томонлама ҳамкорликнинг мавжудлиги;


иккинчидан, Афғонистондаги оғир маънавий-ижтимоий вазият, келажакнинг мавхумлиги;

учинчидан, 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этиб келаётган ва қачон тугаши номаълум бўлган шафқатсиз уруш;

тўртинчидан, диний ақидапарастлик, терроризм ва наркобизнес ўчогига айланиб қолган макон сифатида бу мамлакатда ўта хавфли ва таҳлидли вазиятнинг мавжудлиги;

бешинчидан, шимолий Афғонистонда икки миллион нафарга яқин ўзбек яшайди. Бу этник яқинлик, бир чегаранинг икки томонида икки хил ижтимоий-сиёсий мухитда яшаётган бир миллатга мансуб халқ тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Чунки, асрлар мобайнида бир маконда, бир тузумда яшаб келганимиз.

³⁹ Каранг: „Халқ сўзи“ газетаси, 2007 йил 17 август.



2.1-расм. Терроризмни бартараф қилишининг умумий омиллари.



2.2-расм. Терроризмга қарши қаратилган халқаро уюшмалар.

Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, ҳозирги пайтда дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг асосий қисми Афғонистонда етиштириляпти. Унинг 75 фоизи эса Европа мамлакатларига тарқатиляпти. Бу миллати ва элатидан, диний эътиқодидан қатын назар, инсониятни ҳалокатга олиб борадиган, уни майиб-мажруҳликка мубтало этадиган, бошқача айтганда, инсоният тараққиётини таназзулга дучор этадиган даҳнатли балодир.

2.4. Ўзбекистоннинг ташки сиёсий фаолият концепцияси ва унинг асосий принциплари

Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳондаги 180 дан ортиқ давлат тан олган, давлатимиз дунёдаги 130 га яқин мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатган. Юритимизда 88 та чет давлат ваколатхонаси рўйхатдан ўтган, 24 та хукуматлараро ташкилот, 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистон элчихоналари ва молия ташкилотлари тенг ҳукуқли асосда фаолият юритмоқда. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхоналари аккредитация қилинган⁴⁰.

⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2007. — 23-6.

Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иктисодий муносабатлар ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган. Мустақил Ўзбекистон дипломатия соҳасида ўз салоҳияти ва анъаналари борасида аниқ, асосланган ва узоқ муддатга мўлжалланган сиёсатни олиб бормоқда. Дипломатия кадрларини тайёрлаш учун Тошкентда 1993 йилдан бўён Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил 2 марта БМТга қабул қилинди. Президентимиз ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммоларига багишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. „Ўзбекистонда, — деган эди Ислом Каримов, — миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва фоят муҳим воситасидир“. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 1993 йил февраль ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

БМТ уставида ва Халқаро хукуқ принциплари бўйича декларацияда кўйидаги 7 та асосий принцип қайд этилган:

- 1) куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик;
- 2) зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш;
- 3) бирон-бир давлатнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 4) халқларнинг тенг хукуқилиги ва ўз хукуқларини ўзлари белгилashi;
- 5) ҳамкорлик;
- 6) давлатларнинг суверен тенглиги;
- 7) халқаро хукуқ бўйича мажбуриятларни вижданан бажариш.

Булар ЕХХТнинг 1975 йилдаги якуний актида рўйхатта олинниб, 3 та принцип билан тўлдирилди:

- 1) чегараларнинг дахлизлиги;
- 2) ҳудудий яхлитлик;
- 3) инсон хукуқларини хурмат қилиш принциплари.

Президент Ислом Каримов „Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир“ номли маъруzasида (2005 йил 28 январь) ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб, кўйидагиларни белгилаб берди:

- 1) давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир;
- 2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Албатта, бунда минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганини ҳам тан олиш керак;
- 3) „Кўшининг тинч — сен тинч“ ҳаётий нақдига риоя этиш;
- 4) БМТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш. Шунингдек, ЕХХТ, Европа Итифоқи, НАТО каби халқаро тузилмалар, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва бошқа давлатлар билан демократик тамойиллар асосида алоқаларни ривожлантириш;
- 5) халқаро терроризм ва радикаллизмга қарши курашда бирдамликни таъминлаш ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-боб, 17-моддасида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг қўйидаги 5 та хуқуқий принципи ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

- 1) давлатларнинг суверенитети, тенглиги;
- 2) куч ишлатмаслик ёки таҳдид қиласлик;
- 3) чегараларнинг дахлизлиги;
- 4) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 5) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Бу принциплар Ўзбекистонинг ўз миллий манфаатларни кўзлаб сиёсат олиб бориш борасидаги тамойиллари билан уйгуланиширилди. Президент Ислом Каримов „Ўзбекистонинг ўз истиқъол ва тараққиёт йўли“ асарида Ўзбекистон ташки сиёсатини амалга оширишнинг 6 та амалий принципини асослаб берди, улар:

- 1) миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;
- 2) умумбашарий қадриятлар устуворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 3) тенг хукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш;
- 4) мафкуравий қарашлардан қатъи назар, барча давлатлар билан тенг алоқалар ўрнатиш;
- 5) ички миллий қонунлардан халқаро хукуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш;
- 6) ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташки алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш.



2.3-расм. Давлатнинг ташки сиёсатини белгиловчи омиллар.

1995 йил 30 августда „Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисида“ Олий Мажлис қарори қабул қилиниди.

1996 йил 26 декабрда „Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида“ти қонуни қабул қилиниди.

Ташки сиёсий ва ташки иқтисодий алоқаларни шакллантиришида Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ куйидаги асосий тамойилларни ишлаб чиқди ва уларга амал қилиб келмоқда:

- 1) ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, давлат миллий манфаатларининг устуворлиги;
- 2) тенг хукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 3) мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- 4) халқаро хукуқ нормаларининг давлатнинг миллий хукуқ нормаларидан устуворлиги;
- 5) ташки алоқаларни икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ўз ташки сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тұлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташки сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан, тараққиётта эриша олмайди. Шарқ ва Фарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган Буюк ипак йўлиниг марказида жойлашган Ўзбекистон неча-неча асрлардан буён динлар, мислатлар ва маданийларниг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса, Амир Темур ва Темурийлар даврида дунёдаги йирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатган. Амир Темурниг Франция, Англия, Испания қироллари, ўнлаб кўшини давлатларниг хукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий ва савдо алоқаларидан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даври мамлакатимизниг ташки алоқаларини узиб қўйди. Хориж билан барча муносабатлар истилочиларниг назорати ва рухсати билан амалга оширилар эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четта чиқарилган бир-икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташки ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.


Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратилди. Шунга мос равишда инсон ҳукуқ ва манфаатлари тўла таъминланмоқда. Халқимизниг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиласидан табиий ва техникавий захиралар, мустаҳкамланаётган ҳалқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳукуқларига риоя қилиш учун барча шароитларниг босқичма-босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси „Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақилтиги асослари тўғрисида“ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра, ҳалқаро ҳукуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбай бўлиб, Ўзбекистон ўзининг ҳалқаро ҳукуқ нормаларига содиқлигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, намойиш этмоқда. Бу эса ёш мустақил давлатимизниг энг нуфузли ҳалқаро ташкилотларга қабул қилиниши ва уларниг таркибида муносаби фоалият кўрсатиши учун имкон берди, Ўзбекистонниг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олиннишига, ҳалқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.

БМТ устами, Инсон ҳукуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳукуқлари ҳақидаги бошқа ҳалқаро пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги ҳалқаро ҳукуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув, айниқса, Конституцияниг муқаддимасида, 4-бобида, иккинчи бўлимда 22, 23 ва 26-бобда яқол кўзга ташланади. Бу бобларниг тегишли равишда „Ташки сиёсат“, „Инсон ва фуқароларниг асосий ҳукуқлари, эркинликлари ва бурчлари“, „Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти“, „Сайлов тизими“, „Мудофаа ва хавфсизлик“ деб номланиши ҳам фикримизниг далилидир.

ХХ асрнинг сўнгти ўн йиллиги ижтимоий дунёкараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажralиб туради. **Биринчидан**, бу давлатлар, ҳалқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликниг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий маконларниг вужудга келиши, ҳозирги замон ҳалқаро ҳукуқ нормаларининг яратилишидир. **Иккинчидан**, „социалистик лагер“ниг емирилиши, тоталитар тузумларниг тутатилиши, уларниг ўринида мустақил давлатларниг пайдо бўлишидир. Эндиликда „совуқ уруш“га барҳам берилди, „капиталистик“ ва „социалистик“ деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб боряпти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги, эркин тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов „Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли“ китобида Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташки сиёсий йўл, бу йўлнинг хукуқий негизи ва уни амалга ошириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташки сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ва минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида мамлакатимизнинг миллий манбаатлари жой олган. Ҳар қандай сиёсат ақл-идрок билан иш тутишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч-қувватига эга бўлган мамлакатнинг ташки сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Ўзбекистон ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги ҳалқаро иқтисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам дикқатта молик масаладир. Бу — хом ашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарининг адолатли бўлган нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.



2.4-расм. Халқаро хукуқий тартибга солиш механизмининг элементлари.

Манбаат — бу зарурый эҳтиёждир. Эҳтиёжлар эса биринчи галда Ўзбекистон учун тараққиётнинг муайян жўғрофий ва табиий, иқлимий, демографик ҳолатимиз, ҳалқимизнинг кўп миллатли таркиби, унинг тарихий ва маданий мероси, маънавият омили, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси, хом ашё ва замонавий технология билан таъминланганлик, давлатнинг ҳалқаро муносабатлардаги ўрни ва ҳоказолардир. Бу омиллар Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини белгилайди. Эҳтиёжлар эса манбаатларда ўз ифодасини топади. Давлат манбаатлари унинг ташки сиёсий фаолиятини белгилайди. Шу жихатдан, Ўзбекистоннинг ташки сиёсий манбаатлари ҳалқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб бераётган энг муҳим омиллардан биридир.

Барча давлат ва ҳалқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда давлатимизнинг миллий манбаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шерикларимиз манбаатлари, уларнинг ташки сиёсатидаги устувор йўналишлар ҳисобга олинади.

Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмалар фаолиятидаги иштироки мамлакатимиз ташки сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик алоқаларини ўрганиш, экология, табиий муаммоларни ҳал этиш, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқда.

Бу борала Инсон хукуqlари умумжаҳон декларацияси асосидаги кафолатлар, БМТ Низоми ва Хельсинки келишуви қоидалари, хужум қилмаслик, ҳалқаро муносабатларда куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, ҳалқаро хукуқ қоидаларининг миллий қонунлардан устуворлиги ва бошқа принципларга Ўзбекистоннинг қатый амал қелиб келаётгани муҳим роль ўйнамоқда. Чунки жаҳондаги барча тараққий парвар мамлакатлар худди шундай ёндашув тарафдоридир.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўнгига ташки сиёсий ва маданий алоқаларининг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар ҳукукий давлат сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳукуқ жиҳатидан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи бизнигга ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам тенг ва баробардир.

XX асрнинг охирида дунёнинг сиёсий макони сифат жиҳатидан ўзгарди. Совет Иттифоқи халқлари ҳамда собиқ „социалистик ҳамдўстлик“даги бошқа давлатлар бир партиявийлик тизими ва марказдан туриб режалаштириш иқтисодиётидан воз кечиши. Шу тарика дунёда антогонистик ижтимоий-сиёсий тузумларнинг глобал қарама-қаршилиги барҳам топди ва жаҳон сиёсатида демократик жамиятлар салоҳияти анча ошиди. Евроосиё ҳудудида, жумладан, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шунингдек, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги янги мустақил давлатлар ижтимоий-сиёсий ривожланишининг демократик йўлига ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий (Мудофаа) доктринаси, унинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатлари. 1995 йил 30 августда „Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида“ Олий Мажлис қарори қабул қилинди. Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, 2000 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Мамлакатнинг давлат ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни таъминловчи мазкур Олий Мажлис қарори катта сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Мудофаа доктринаси давлатимизнинг тинчликсевар ташки сиёсий йўлини яна бир бор намоён этди. У Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва жаҳон майдонидаги мавқенини оширади. Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси 3 қисмдан иборат.

I. Умумий қондайлар. Мудофаа доктринаси Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташки сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига янгича ёндашувларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўз мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, чегаралар бузилмаслиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

II. Доктринасининг сиёсий жиҳатлари.

Ўзбекистон Республикасининг урушга муносабати. Бунда ташки сиёсатининг асосий вазифаси: халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишдан воз кечиши, ҳарбий можароларни дигломатия воситасида бартараф қилиш, зиддиятли ҳолатларга барҳам бериш, тинчлик йўлида барча имкониятларни сарфлаш каби тамойиллар муҳим ўрин тутади.

Урушининг ва уруш хавфининг олдини олиш — бол стратегик йўналиш. Урушлар ва ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ҳарбий блокларга кўшилмаслик. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини бошқа давлатта қарши ишга солмайди, ҳеч кимга таҳдид қилмайди, ядро куролига эга бўлмайди. Умумий хавфсизликни сақлашда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ролини оширади. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлайди, бу борада самарали тизимни яратади. Фақат тинчлик учун кураш олиб боради. Одам руҳиятига ҳалокатли таъсир этувчи воситаларни ишлаб чиқишни тақиқлайди. Ҳарбий соҳадаги алоқаларни кенгайтиради. Миллий ва диний муросасизликка йўл қўймайди. Фундаментализм, экстремизм, террорчilikнинг кучайиш тенденциясига йўл қўймайди. Тинчликни сақлашдаги мажбуриятларга амал қиласди ва ҳ.к.

III. Доктринанинг ҳарбий-такиилӣ жиҳатлари.

Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари. Ушбу минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъий ва изчил ҳаракат қиласи. Хавфсизликни таъминлаб боради. Уруштарнинг олдини олади.

Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари. Жаҳоннинг турли минтақаларида куролли турухлар юқори даражада жамланган ва ҳ.к.

Хозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатлари. Ядро уруши — инсоният учун ҳалокат манбаи. Инсониятни йўқ қилувчи оммавий қирғин қуролларининг ишлаб чиқарилишига қарши бўлиб, тажовузкорлик сиёсатини қоралайди ва ҳ.к.

Бош ҳарбий-стратегик вазифалар. Тинчлик даврида давлатнинг мудофаа қобилиятини ривожлантиради. Уруш чиқсан тақдирда ўз кучлари билан тегишли шартномалар орқали ҳаракат қиласи.

Куролли кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари. Куролли кучлардан фойдаланиш шартлари.

Мамлакатимиз иқтисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш ҳарбий доктринанинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ҳалқаро муносабатларни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик қадриятлар, ҳалқаро ҳукуқ асосида ўз ташқи сиёсатини юритиш, ўзаро муносабатларда куч ишлатмасдан, музокаралар ёрдамида муаммоларни ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ўз дипломатиясини юқоридаги қадриятлар асосида олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг асосий принциплари Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишиланган маъруzasида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантиқий давоми сифатида 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ти қонун мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли қўйидаги милий манфаат ва принципларини кўзлайди:

- турли ҳарбий сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиш;
- ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиш;
- ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслик;
- очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Мавзуни мустаҳкамлаш юзасидан савол ва тошириқлар:

1. Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган вазият, жараёнлар қандай таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда?
2. Дунё ҳамжамиятияни қандай янги кескинлик ўчоқлари ташвишга солмоқда?
3. Минтақамиз хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига қандай можаролар салбий таъсир кўрсатиши мумкин?
4. Афғонистон ҳудудидаги қандай хавф-хатарлар қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмоқда?

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қачондан бошлаб БМТ раҳбарлигига Афғонистонда ўз ечимини кутиб турган ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш бўйича мулоқот гуруҳини шакллантириш ғоясини илгари суреб келмоқда?

6. „6+3“ мулоқот гуруҳи ва коалицион афғон хукуматини шакллантиришдан қўзланган мақсад нималардан иборат?

7. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги икки давлатнинг миллий манбаатлари қандай ҳалқаро ва миллий принципларга амал қилади?

8. „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ги қонун (2012 йил сентябрь) қандай принцип ва стратегик устувор йўналишларни белгилаб берган?

9. Ўзбекистон ташқи сиёсатида қандай бош қадрият ва тамойиллар ўзининг узоқ муддатли миллий манбаатларини кўзлайди?

З-БОБ. „МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ“ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

3.1. Оила институтиниң мустаҳкамлиги — жамият фаровонлигининг гарови

2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади, деб эътироф этилган йилнинг Президентимиз томонидан „Мустаҳкам оила йили“ деб эълон қилиниши замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-мазмун мужассам. Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш „Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир“, деган эзгу тамойилнинг ҳаётий ифодасини тўлиқ рўёбга чиқаришга замин яратди.

Ҳақиқатан ҳам, оила — жамият асоси, пойдевори. Пойдевор мустаҳкам бўлса, юрт мустаҳкам бўлади. Мустаҳкам юртда эса тараққиётта замин яратилади. Биз эса — катта йўлга чиқиб олган, эргаси бугунидан-да ёруғроқ тўкинроқ бўлишини истаётган ва бунга гувоҳ бўлиб келаётган авлод — мамлакатимиизда содир бўлаётган ислоҳотлар, уларнинг кўлами ва натижаларини кўриб турибмиз.

Маълумки, халқимиз азал-азалдан оила институтига катта аҳамият бериб келади. Ҳар биримиз, энг аввало, оиласа даҳлормиз. Энг яхши кунимиз ҳам, қувончимиз, баҳтимиз ҳам оиласдан бошланади. Ота-онамиз саломатлиги, фарзандларимиз баҳти ҳар биримизни ўйлантиради. Бу ҳолатга давлатнинг ҳам бе-фарқ эмаслигини бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, 2012 йилнинг номланишида ҳам кўриш мумкин.

Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда „Биз кириб келаётган янги — 2012 йилга мамлакатимиизда „Мустаҳкам оила йили“ деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизида юртимиизда оила институтини, аввало, ёш оиласларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз“⁴¹.

Истиқлол йилларида оила халқимиз учун муҳим ҳаётий қадрият ва баркамол авлодни вояга етказишда асосий омил ҳисобланиши яна бир бор ўз тасдигини толди. Бу ўтган даврда оиласларнинг фаровонлиги ва турмуш тарзи янада яхшиланиб, маънавий-ахлоқий қадриятлари мустаҳкамланиб бораёттанидан ҳам кўзга ташланади.

Оила институтига эътибор бутун дунёда катта экани сир эмас. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблейсининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялти йиғилишида 1994 йилдан бошлаб 15 май „Халқаро оила куни“ деб эълон қилиниб, унинг кенг

2012 йилга мамлакатимиизда „Мустаҳкам оила йили“ деб ном берганимиз ва шу асосда азал-азалдан ҳаётимизнинг таянчи ва суюнчи бўлиб келган, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оила институтини янада ривожлантиришга қарор қилганимиз халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Ислом Каримов

⁴¹ Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 1 январь.

нишонланишига келишилтани ҳам фикримиз исботидир. Бундан кўзланган мақсад башариятнинг дикқат-эътиборини инсон ўз орзу-умидлари, баҳти-саодати ҳамда тинчлигини боғлайдиган маскан — оиласинг мустаҳкам бўлишига қаратишдир.

Барча давларда ҳам давлат ва жамият ғамхўрлиги оиласарнинг мустаҳкамлигига асос бўлган. Мустақиллик кўлга киритилганидан сўнг ўтган қисқа вақт ичиде жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш учун соёлом оила ва оиласий муносабатларни барқарорлаштириш давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Шу сабабли мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жарайёнида алоҳида муҳим функцияларни бажарадиган омил — оиласага катта эътибор қаратиб келинмоқда. „Оила ҳақида гапирав эканмиз, — деган эди Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллиги муносабати билан сўзланган нутқида, — авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз керак“.

Ватанимиз мустақиллигининг ilk давридан бошлаб мамлакатимизда оиласага алоҳида эътибор қаратиш ва оила институтини ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирита айланди. Мана, 21 йилдирки, давлатимиз раҳбари бошлигигида соёлом оила, соғлом жамият барқарорлигини таъминлаш бўйича дунёда бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган ёндашув асосида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб қабул қилинган Давлат дастурида 8 та устувор йўналишнинг белгилаб берилгани ва унинг 23 та банди бевосита олий таълим тизимида дахлдор эканини алоҳида эътироф этиш лозим.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўймиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ислом Каримов

нинг асосий бўгини бўлган оила муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда оила институтининг ривожланиши ва жамиятимизда оиласинг камол топиши йўлида асос бўладиган мустаҳкам қонунчилик тизими яратилган. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида айни шу масалага бағишинланган маҳсус боб мавжуд. Бу — Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби бўлиб, у „Оила“ деб номланади ва 63—66-моддаларни ўз ичига олади. Унда „Оила — жамиятнинг асосий бўгинидир ҳамда жамият давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга... Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади“⁴² деган қоида ва принциплар бор.

Юртимиздаги мавжуд қонун хужжатлари оиласий муносабатларни тартибга солишга имкон яратади. Шу билан бирга, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётимиз ушбу қонун-

⁴² Қаранг: 1978 йилнинг 19 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Конституциясида оила масаласига факат битта — 51-модда бағишинланган эди. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса никоҳ ва оила масалаларига тўртта модда бағишинланган.

ларга ҳам мәлум бир ўзгаришилар кириши, яни уларни мукаммалацияришни талаб этмоқда. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, мамлакатимиз қонунларига киритиладиган ўзгаришилар бүйича қатор амалий ишлар амалта оширилди. Шу ўринда „Мустаҳкам оила йили“ давлат дастурини амалта ошириш юзасидан, биринчи навбатда, оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва хуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига 2012 йилда эътибор берилганини қайд этиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай ўзгариш ва ривожланиш, авваламбор, оиласинг тинч-тотув яшашида, унинг орзу-умидлари ушалишида, келажакка бўлган комил ишончининг ортиши каби қатор фазилатларнинг намоён бўлишида акс этади. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётини табиий бойликлар, қулай иқлим шароитларигина эмас, балки биринчи навбатда, юксак маънавият соҳиби бўлган соғлом инсонлар амалта оширади.

Оиласи бошқариш жамият ҳётини бошқаришнинг бир куртаги ҳисобланади. Оила аъзолари ўртасидаги яқинлик, ишонч, хурмат, самимилик, бир-бири олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, талабчанлик, мулойимлик ёшларнинг ички дунёси шаклланишига таъсир этадиган руҳий омиллардандир. Жамият ривожланиб, маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва аҳамияти органи сари оиласидаги тарбияга эътибор ҳам кучая боради. Бу борадаги муҳим вазифалардан бири оиласидаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ота-оналарда фарзандлар олдидаги, фарзандларда ота-она ва жамият олдидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтиришидир. Бундай муҳитни яратишда жамият, давлат, жамоатчиликнинг ўрни катта. Агар жамият, давлат, жамоатчиликнинг таъсирни етарли бўлмаса, оиласинг фарзанд тарбияси борасидаги ўрни ҳам заифлашади. Шу сабабли ҳозир жаҳондаги барча демократик, дунёвий давлатларда оиласи мустаҳкамлаш, унинг тарбиявий имкониятларини яхшилаш, хотин-қизлар, болаларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Оиласинг жамият ҳёти ва тараққиётидаги аҳамияти хусусида тўхталиб, атоқли олим ва адаб Абдурауф Фитрат бундай деган эди: „Ҳар бир оиласинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оиласарининг интизомига таянади, оиласа тартиб бўлса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсиз ва жоҳиллик билан оиласавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл кўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳёти шубҳа остида қолади“⁴³.

Оиласи мустаҳкамлаш, ота-оналар ва болаларнинг хукуқини ҳимоя қилишга жаҳондаги нуфузли ташкилотлар ҳам катта ҳисса кўшмоқда. Мустақиллик шарофати билан юртимизда инсон манфаатлари, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш халқаро хукуқ нормаларига биноан амалта оширила бошланди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг „Инсон хукуқлари умумжаҳон декларацияси“ (1948 йил), „Хотин-қизлар хукуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенция“ (1979 йил, 18 декабрь), „Бола хукуқлари ҳақида“ (1989 йил, 20 ноябрь), „Бир хил қийматдаги иш учун эркаклар ва хотин-қизларга ҳақ тўлаш тўғрисида“ (1951 йил, 29 июнь), „Хотин-қизларнинг сиёсий хукуқлари тўғрисида“ (1952 йил, 20 декабрь) конвенциялар, „Бошқа мамлакатларга болаларни ўғирлаб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси“ (1980 йил, 25 октябрь), „Болаларнинг яшашини, ҳимояланишини ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси“ (1990 йил, 30 сентябрь), Халқаро

Одамнинг қалбидаги неки олижсаноб туйғулар бўлса, улар аввало Онадандир.

Ислом Каримов

⁴³ Фитрат Абдурауф. Оила. — Т.: „Маънавият“, 1998. — 8-б.

Меҳнат Ташкилотининг „Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-конвенцияси“ (1952 йил, 23 июнь) ва бошқа қатор хужжатларнинг парламентимиз томонидан ратификация қилиниши мустақиллик йилларида оила, оналик ва болалик манбаатларини халқаро хукуқ нормалари асосида ҳимоя этиш соҳасидаги ижобий қадамлардир⁴⁴.

Шуни қайд этиш жоизки, оиласда соглом мұхитни яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашта ҳам мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. „Соғлом она — соғлом бола“ дастурининг мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бугун Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлигига энг ғамхўр бўлган етакчи мамлакатлар сафидан жой олди⁴⁵.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам оиласларда соглом мұхитни яратиш, оналар саломатлигини сақлашнинг юксак натижалари эътироф этилгани бунинг амалий исботи бўлди.

3.2. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — келажагимизнинг ишончли пойдевори

Етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиласнинг ўрнини кучайтириш, оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўргасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир. Ана шу тадбирлар хисобидан юргимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва „Баркамол авлод“ болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўгаракларида, спорт машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Олдимизда турган энг ээгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эрkin ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсуб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга этишига боғлиқдир.

Ислом Каримов

қўйган маҳсус ўқув дастури асосида 30 мингга яқин умумтълим мактаби замонавий компьютер хоналари, 1 минг 150 тадан зиёд касб-хунар коллежидаги ўқув устахоналари амалий машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар, хом ашё маҳсулотлари билан таъминланди.

„Электрон таълим“ лойиҳаси доирасида олий ўқув юртларининг кутубхона фондларини электрон шаклга ўтказиши борасидаги дастурий ишлар бошланди. Интернет тармоғида ишлаш кўникмаларини эгаллаш бўйича қишлоқ ёшлари учун ишлаб чи-

Ўзбекистоннинг кадрлар тайёрлаш бўйича ноёб миллий модели жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ривожланган давлатларда бу соҳадаги ислоҳотлар, одатда, фақат таълим соҳасида амалга оширилган. Улар, Ўзбекистондагидан фарқли равищда, қарновининг кенглиги ва чукурлиги, илмий асослангани, ислоҳотларда бутун жамиятнинг иштирок этиши каби хусусиятларга эга эмас эди.

⁴⁴ Фарзанд — азиз, она — мўътабар. — Т.: „Ўзбекистон“, 2001. — 204-б.

⁴⁵ Мустафоев Б. Мустаҳкам оила — жамият барқарорлитининг асоси. — „Хукуқ ва бурҷ“ ижтимоий-хукуқий журнали. 2012 й., №4.

Мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллтий дастурининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у яхлит самарали тизимга асос бўлиб, шахс, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қиласди. Узлуксиз тълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш бу яхлит жараённинг узвий таркибий қисмларидир. Мазкур дастур мамлакатимиз иқтисодиёти ва ҳаётининг барча жабҳалари учун юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлаш, тълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияшувини таъминлаш, ёштарни миллтий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган яхлит ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекси сифатида тълим тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 1396 та касб-хунар коллежи ва 141 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Шуни алоҳида тъкидлаш жоизки, бундай ўқув юртлари мамлакатимизнинг энг чекка худудларида ҳам бор. Бугунги кунга келиб мазкур ўқув юртларида 1,7 миллион нафардан ортиқ ўғил-қиз билим олмоқда.

Ўзбекистонда тълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган тизимли ва узоқ кела-жакни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар ва модернизация жараёнларини холисона баҳолаган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода 2012 йил 16—17 февраль куни пойтахтимизда ташкил этилган „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модернизация қилишининг энг муҳим шарти“ мавзуусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқида куйидагиларни тъкидлаган эди.

„Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланни борасидаги ютуқлари таҳсина газовордордир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда замонавий воситалар билан жиҳозланган 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежлари ва лицейлар фаолият юритмоқда. Шунингдек, 59 олий ўқув юрти, Европа ва Осиёning нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Куёш энергияси бўйича халқаро илмий-тадқиқот институтининг таъсис этилиши тълим соҳасида қўлга киритилгаётган ютуқларга яна бир ёрқин мисолдир.

Тълим соҳаси бизнинг „Стратегия-2020“ деб номланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегиямизнинг бешта асосий йўналишларидан биридир. ОТБ (Осиё тараққиёт банки) тълим соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон билан яхин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакат бўйича мактаблар, ўқитувчиларни тайёрлаш, дарсликлар ва тълим дастурларини молиялаштиришга оид саккизта лойиҳа маъқулланган. Тълим — имкониятлар тенглигини тъмилайдиган буюк мезон. У жамият ақл-заковатининг юксалиши, рақобатдошликтининг кучайиши ва ютуқлар кўпайшининг муҳим омили вазифасини ўтайди.

Пировардиди ОТБнинг „Осиё-2050“ тадқиқотида келајсак иқтисодиёти чуқур билим, илм-фан ва технологик инновацияларга асосланиши қайд этилган. Бундай иқтисодиётилар рақобатдош ва самарали бўлади. Улар мамлакатни даромади ўртача бўлган босқичдан даромади юқори давлатлар даражасига етказишида, тинч ва барқарор жамиятни шаклан-

Оила турмуш ва виждан қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оиласда демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шакланади.

Ислом Каримов


Бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишининг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончили тарзда равнақ топтиришининг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айлануб бормоқда.

Ислом Каримов

тириида мұхим ақамият қасб этади. Бундай иқтисодиёттар юксак билимга, тағым соңасидаги ютуқларга, әнг илгор технологиялар устуворлыги ва табдиркорлик ғайратшижоатига таянади“⁴⁶.

Дастурдаги ғалдаги йұналиш жамиятимиз ва кундалик ҳәётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури мақсад ва вазифаларини ҳәётта татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг үзини үзи бошқариш органдары ақамиятини, ёш оиласарни күллаб-куватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оиласарга зарур күмак ва ёрдам бериш масалаларини үз ичига олади. Маылумки, Үзбекистонда фуқаролар йигинлари ва үзини үзи бошқариш органдары — маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Оила мустаҳкамлигини таъминлашда фуқароларнинг үзини үзи бошқариш идораси сифатида, „хақиқий демократия дарсхонаси“⁴⁷, „халқ виждони“⁴⁸ сифатида эътироф этиладиган маҳалла тизимининг ўрни бекіседір. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта „маҳалла“ түшунчаси Конституциямизга киритилди. Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатый белгилаб қойилди. „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастурида маҳалланинг жамиятимиздаги, кундалик ҳәётимиздаги ўрни ва ақамиятини кенгайтириш, унинг нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш масалаларига алоҳида ақамият берилган бўлиб, бу йұналиштада ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Галдаги тўртинчи йұналиш оиланинг, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оиласарнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий кўллаб-куватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни үз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор беришга қаратилган. Албатта, бу йұналиштаги ишлар мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиб келган. Бу асрий миолий анъаналаримизга ҳам хос.



Аёлга эътибор қаратиш жамиятта эътибор қаратиш демакдир. Чунки аёл келажак авлодни тарбиялаб камолга етказади. Агар она соғлом бўлса, ундан соғлом авлод дунёга келали. Бу айни ҳақиқат. Шуни чукур англаган ҳолда, давлатимизда республика ва ҳалқаро миқёсда турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Мазкур соҳадаги ишларни такомиллаштиришга қаратилган вазифалар Давлат дастурининг 5-бўлимида үз аксини топган. „Соғлом она — соғлом бола“ тамоилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи мазкур бўлимда оналар ва болалар саломатлигини, аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

„Мустаҳкам оила йили“ дастури асосида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллари-

⁴⁶ „Ишонч“ газетаси. 2012 йил 18 февраль.

⁴⁷ Каримов И.А. Юксак мәннавият — енгилмас күч. — Т.: „Маънавият“, 2009. — 59-бет.

⁴⁸ Бизнинг йўлиминг — демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Үзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Үзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағищланган тантанали маросимда қилган маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 8 декабрь.

дан бошлаб жорий этиб келинаётган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган „*Софлом она — соғлом бола*“ дастури доирасидаги чора-тадбирлар йил давомида янги босқичта күтарилиди.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро жамғармалар билан ҳамкорликда „Саломатлик-3“ лойиҳаси доирасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, замонавий техник воситалар ёрдамида малакали ташкис кўйиш, касалликларни илк босқичда даволаш ишлари аниқ режа асосида олиб борилди, профилактик тадбирларда аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилиди.

Халқимизнинг эзгу мақсади бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Айни вақтда 5 мингта яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегиншли тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам 2012 йилда катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, Тошкент шаҳрида 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан иборат маблаг ҳисобидан Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳ мажмуаси куриб битказилди ва энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди, бу албатта, бугунги кунда ўткир муаммо бўлиб турган юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дарвоҷе, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу — мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришаётган ютуқлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ЮНИСЕФ каби дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилаётганидир. Табиийки, бундай холис эътирофлар мамлакатимизда тиббиёт тизими янги босқичта кўтарилгани, хизматнинг замонавий ва ишончли эканига яққол далиллариди.

Маълумки, 2012 йилда Ўзбекистон „Save the children“ („Болаларни асройлик“) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларни мунтазам равишда эмлаш йўлга кўйилгани, аёлларга туғиши вақтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёning кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди⁴⁹.

Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсиirlарга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, „... мустаҳкам оила ва баҳти турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурч ва масъулияtlарини чуқур англаб этишига боғлиқ“⁵⁰.

⁴⁹ Санаев Ф. Изчил ислоҳотлар, юксак самаралар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй берадиган ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. — „Халқ сўзи“ газетаси. 2012 йил, 9 ноябрь.

⁵⁰ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 19 йиллиги муносабати билан қилинган маъруза. — „Халқ сўзи“ газетаси. 2011 йил 8 деқабрь.

Юртбөштимиз ўз мәрзасида саломатликнинг гарови, соғлом турмуш тарзи востиларидан бири бўлган спортни ривожлантириш борасида йил давомида амалга оширилган ишларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятта молик бошқа обьектлар қатори замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар ҳам изчили давом эттирилаётгани тъкидланди. Биргина жорий йилнинг ўзида 168 та болалар спорти обьекти фойдаланишга топширилди ва бугунги кунда б ёндан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болаларимиз спорт билан мунтазам шугулланиш имконига эга бўлди.

Юртимизда спорт соҳасини янада ривожлантириш, ўзбек футболи ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида замонавий „Бунёдкор“ спорт мажмуаси куриб, фойдаланишга топширилгани мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини яна бир бор ёрқин намоён этди. Марказий Осиёда ўз услубида ноёблиги бўйича ягона бўлган ушбу мажмуа ёшлиаримизни ҳам жисмоний, ҳам мальнавий жиҳатдан соғлом қилиб вояга етказиш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак мэрраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар⁵¹.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 трилион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблаг сарфланганининг ўзи мамлакатимизда аҳоли манфаатларини ўйлаб қилинаётган ишлар кўламининг нечоғлиқ кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Дунёқараши ва мақсадлари бутунлай ўзгача бўлган янги авлодни тарбиялаш, уни турли-туман ёт тъсиrlардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила институти мустаҳкам ўрин тутади. Шу мальнода, оиланинг таълим-тарбия муассасалари, жумладан, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари (лицей ва коллежлар), олий ўкув юртлари билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари Давлат дастуридан муҳим жой эгаллаган ва йил давомида бу йўналишда ҳам катта ишлар қилинди.

Дастурнинг яна бир йўналиши жисмонан соғлом, мальнавий стук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлиги механизмини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини тъминлашга қаратилди. Ушбу йўналишда қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлат дастуридаги бандлар ижросини тъминлаш юзасидан пойтахтимизда жойлашган таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари туманлар маҳаллаларидағи нотинч, турли тъсиrlарга мойил оилаларга бириктирилди ва „Бир зиёли ўн оиласа мальнавий ҳомий“ лойихаси асосида улар билан яқиндан иш олиб борилмоқда. Бунда ҳаёт тажрибасига эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти алоҳида ўрин тутмоқда.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури мақсад ва вазифалари ҳамда уларни амалга оширишнинг бориши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш Давлат дастури тарғиботининг тъсиrlарни доирасини кучайтирди. Бунда ОАВнинг ўрни бекёс бўлди. Дастур ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар телевидение, радио, вакъти матбуотда мунтазам ёритиб борилди.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури оилаларнинг мустаҳкамлиги давлат қурдати ва барқарорлигининг асосий омилларидан бири экани, буни тъминлашда нафакат давлат ва жамоат ташкилотларининг ролини янада ошириш, қолаверса бу масалага олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир зиёли масъул эканини яна бир бор намоён этди.

⁵¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини тъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги мәрзаси. – „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

3.3. Оиласлар мустаҳкамлиги ва турмуш фаровонлигини тъминлаш борасида олиб борылган тизимли ижтимоий-иктисодий, хукукий-сиёсий тадбирлар сарҳисоби

Оиласлар мустаҳкамлигини тъминлаш, фаровонлигини ошириш мамлакатимиз иктисолиётидаги рўй берастган ўзгаришлар, модернизация жараёнларининг нечоғлиқ самарали амалга оширилаётгани билан белгиланади. Иктиносидий ўсиш тъминланадиган мамлакатдагина аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш каби стратегик маҳсадларга эришиш тъминланади. Бу каби кўрсаткичлар сарҳисоби ҳақида фикр юритганда, жорий йилнинг тўққиз ойлик ижтимоий-иктиносидий ривожланиши таҳлилларига эътибор қаратадиган бўлсак, барча масалалар оидинлашади⁵².

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил қилди (3.1-жадвал). Иктиносидий ўсишининг барқарор юқори суръатларининг сақланиши мамлакатимиз макроиктиносидий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Бу инфляция даражасининг пастлиги, давлат бюджети профицити ва мамлакат ташки савдо балансининг ижобий сальдосида ўз ифодасини топмоқда.

3.1-жадвал

2012 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктиносидий ривожланишининг асосий курсаткичлари

(2011 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Курсаткичлар	Ўсиши суръатлари, фоизда
1.	Ялпи ички маҳсулот	108,2
2.	Саноат маҳсулотлари	107,2
3.	Истеъмол товарлари	107,5
4.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	107,1
5.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	109,8
6.	Курилиш ишлари ҳажми	109,8
7.	Чакана савдо айланмаси	112,6
8.	Хизматлар	113,8

Саноатни янада ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга оид дастурий чора-тадбирларининг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 7,2 фоизга, жумладан, истеъмол товарлари ҳажмини 7,5 фоизга ошириш имконини берди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида самараадорликни ошириш ва фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 7,1 фоизга ўсишини тъминлади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнини жадаллаштириш, янги ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш,

⁵² Қаранг: Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган „Ўзбекистон Республикасини 2012 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш якунлари тўғрисида“ти мажлис. – „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 6 ноябрь.

инфратузияма объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши капитал кўйилмалар ва қурилиш ишлари ҳажмини 9,8 фоизга ошириш имконини берди.

Аҳоли жами даромадининг 24,6 фоизга ошишини таъминлаган ва ички талабни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар чакана савдо ҳажмини 12,6 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажмини 13,8 фоиз кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1074 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича қиймати 6,2 трилион сўмлик ёки 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 25,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. 957 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 3,3 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмида экспорт улуши 2011 йилнинг шу давридаги 23,9 фоиздан 25,3 фоизга кўпайди.

Худудлар саноат салоҳиятини ошириш дастурининг рӯёбга чиқарилиши натижасида шу йилнинг тўққиз ойида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича 253 та лойиҳа амалга оширилди, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми 7,9 фоизга ошиди.

Ип-газлама, трикотаж полотно, пайпоклар, чарм товарлар, чой, спиртсиз ичимликлар, сариёғ, мева-сабзавот ва балиқ консервалари, кондиционерлар, электр дазмоллар, энергия тежовчи лампалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Бундан ташқари, ҳисбот даврида янги турдаги кир ювиш машиналари, микротўлқинли печлар, газ плиталари ва чангюткичлар, 40 номдаги янги дори воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришни қўшимча рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар экспорт ҳажмини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12,4 фоизга ошириш имконини берди. Бунда сульфат аммоний, хлорли калий, печь ёқилғиси, электр энергияси, мис ва ундан тайёрланган буюмтар, вольфрам, енгил ва юк автомобиллари, ин ҳамда бошқа маҳсулотларни экспортга етказиб бериш ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бундан ташқари, турли русумдаги юк автомобиллари, автомобиль ташлиш, канал қазиш техникалари, автомобиллар учун ўриндиқ ва бошқа жиҳозлар, майший газ ва электр печлар, духовкалар, санитария-гигиена буюмлари, ошхона учун ҳаво тортичлар, сирланган сим, металл тўр, турли кимёвий буюмлар ва ўғитлар, 15 турдан ортиқ янги трикотаж буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилина бошлади.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларидаги умумий айланма ҳажми 4,1 трилион сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10,1 фоиз ўсади. Биржа савдоларида ёницидан ҳосил бўлган мазут, техник олтингутурт, қора металлар прокати, металл рух, рангли металл парчалари, минерал ўғитлар, полиэтилен сотиши ҳажми сезиларли равишда кўпайди. Биржа савдоларида сотилган маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар умумий ҳажмининг 86,4 фоизини йирик корхоналарнинг юқори ликвидли маҳсулотлари ташкил қилди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан тузилган битимлар ҳажми 4,1 фоизга ўсади ва умумий биржа айланмаси ҳажмининг 53 фоизини ташкил этди.

2012 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида байқ тизимининг жами капитали 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 24,1 фоиз, уларнинг жами активлари 1,3 баробар, мижозларнинг банклардаги жалб этилган депозитлари 30,9 фоиз, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблаглари

30,8 фоиз ошди. Банклар ресурс базасининг кўпайиши эса иқтисодиёт реал сектори корхоналарини, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун кредит билан таъминлаш ҳажмини 30,6 фоизга ошириш имконини берди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кредит ажратиши ҳажмини кўпайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш эвазига ушбу соҳани ривожлантиришни рағбатлантиришга оид кўрилган чора-тадбирлар хизматлар кўрсатиши ҳажмини 13,8 фоизга, жумладан, пуллик хизматлар кўрсатишини 14,9 фоизга ошириш имконини берди. Натижада ялпи ички маҳсулотда хизматлар улуши 2011 йилнинг шу давридаги 48,8 фоиз ўрнига 49,6 фоизга ўсди. 2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида юртимизда 18,4 мингта янги кичик бизнес субъекти (фермер хўжаликларини ҳисобга олмагандан) ташкил этилди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо ва умумий овқатланиш (жами ташкил этилганларнинг 27,8 фоизи) ҳамда саноат тармоқларида (23,6 фоиз) ташкил қилинди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 2012 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 19,4 миллиард сўмлик 55 та давлат активи сотилди, қарийб 17,6 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки обьекти ижарага берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан қиймати 4,2 триллион сўмлик (ўсиш 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар) кредитлар, жумладан, 857,2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1,4 баробар) ажратилди.

Кичик бизнес субъектларидан қилинадиган давлат харидлари ҳажми 229,1 миллиард сўмни ташкил қилди (электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 92,9 фоизи). 7 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти ўз товар ва хизматлари билан давлат харидлари тизимида иштирок этди. 2012 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қиймати 1,7 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Натижада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 51 фоиз (2011 йилнинг 9 ойида 50,5 фоиз), саноатда 21,4 фоиз (20,7 фоиз), инвестицияларда 35,2 фоиз (30,2 фоиз), курилишда 71,8 фоиз (70,4 фоиз), экспортда 15,5 фоиз (15,3 фоиз), бандликда 75,5 фоиз (74,9 фоиз)ни ташкил этди. Умуман, йил бошидан бўён мамлакатимизда 882 та ишлаб чиқариш обьекти, жумладан, енгил саноат ва тўқимачилик тармогида (337 та обьект), озиқ-овқат саноатида (234), курилиш материаллари саноатида (189), ёғочни қайта ишлаш саноатида (46), машинасозлик саноатида (14), кимё саноатида (16) ва бошқа соҳаларда (46) янги обьектлар ишга туширилди.

2012 йилнинг 9 ойида „Навоий“ эркин индустрисал-иктисодий зonasи худудида ишга туширилган 11 та корхона томонидан умумий қиймати 47,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, „Навоий“ эркин индустрисал-иктисодий зonasида 7 та янги инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда, шундан 3 та лойиҳа бўйича обьектларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда. Янги ташкил этилган „Ангрен“ ЭИЗ худудида қиймати 185,8 миллион долларлик 8 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларни давом эттириш бўйича 2012 йилнинг 9 ойи давомида 677,9 километр коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди, 11,2 минг километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқлари, 340,1 километрлик ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 720 та вертикал дренаж кудуғи ва 8 та мелиорация насос станцияси тикланди.

„Ўзқишлоқмашлизинг“ компанияси орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида 793 та қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан, 658 та трактор ва 135 та галла ўрадиган комбайн етказиб берилди.

Сабзавот экинлари, боелар ва токзорлар майдони сезиларли равищда кенгайди: асосий ва оралиқ майдонлардаги 244,1 минг гектар ерга сабзавотлар, 84,6 минг гектарга картошка ва 58,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 7,6 минг гектар майдонда янги боелар ташкил этилди, шундан 2,6 минг гектарда интенсив боелар, 3,8 минг гектар ерда токзорлар яратилган, 8,5 минг гектар ердаги боелар ва 6 минг гектар ердаги токзорлар қайта тикланди. Аҳолининг шахсий томорқа хўжаликларидағи 266,8 гектар майдонда 9456 та иссиқхона ташкил қилинди. Мева ва сабзавот маҳсулотларини саклашни янада ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 13,4 минг тонна сигимга эга бўлган 44 та янги музлаткич камераси ташкил қилинди ва 8,3 минг тонна сигимга эга бўлган 12 та музлаткич камераси модернизация қилинди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 2012 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 5,4 миллион тонна сабзавот (2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 111,1 фоиз), 1,5 миллион тонна картошка (110,7 фоиз), 1 миллион тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари (109 фоиз), 1,4 миллион тонна мева-резаворлар (110,3 фоиз), 0,8 миллион тонна узум (112,1 фоиз) этиштирилди. Қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳажми 1,1 миллион тоннани ташкил этди (2011 йилнинг тегишли даврига нисбатан 105,1 фоиз).

Чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида йил бошидан бўён чорва моллари сотиб олиш учун шахсий томорқа хўжаликлири, деҳқон ва фермер хўжаликларига тижорат банклари томонидан қиймати 60,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. 19,6 минг бош қорамолга мўлжалланган 802 та чорвачилик хўжалиги, 3,8 миллион парранда боқиши учун мўлжалланган 557 та паррандачилик хўжалиги, 530 та балиқчилик ва 511 асаларичилик хўжалиги ташкил этилди. Натижада йирик қорамолларнинг умумий сони 9,97 миллион бошга етди (2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 5,7 фоиз ўсди), гўшт этиштириш ҳажми 7 фоизга (1211,5 минг тонна), сут 7,2 фоиз (5261,5 минг тонна), тухум 14 фоиз (2920 миллион дона)га ўсди.

Иш ўринларини яратиш дастурини амалга ошириш доирасида 2012 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимиз бўйича 773 мингта иш ўрни яратилди, шундан 486,1 мингтаси (умумий кўрсаткич 62,9 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил қилинди.

Янги корхоналарнинг ишга туширилиши, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан – 45,6 мингта, янги кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан – 81 мингта, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан – 88 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфрагузилма обьектларида – 45 мингта, касаначиликнинг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан – 183,4 мингта, қишлоқ хўжалигига – 105,5 мингта, фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар фаолиятини тиклаш ва бозор инфрагузилмасини ривожлантириш ҳисобидан – 24,5 мингта иш ўрни яратилди.



Дастлабки маълумотларга кўра, 2012 йилнинг 9 ойида аҳолининг умумий даромадларининг изчил ўсиши таъминланди ва ўсиш ўтган йил даражасига нисбатан 24,6 фоизни ташкил этди, бунда ўргача ойлик иш ҳақи миқдори 18,9 фоиз ўсди.

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳукуматимизнинг иқтисодиётнинг турли соҳаларида оиласиб тадбиркорликни ривожлантиришга, ёш оиласиарни ижтимоий қўллаб-куватлашни кучайтиришга ва оиласиарнинг ижтимо-

ий-маиший шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирилган қарорлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг „Оилавий тадбиркорлик тўғрисида“ги қонуни қабул қилинди. Унда оилавий тадбиркорларнинг ҳукуқлари, мажбуриятлари, меҳнат муносабатлари ҳамда давлат томонидан кўллаб-кувватлаш шаклари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Оилаларниң ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан майший электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хусусий уй-жойлар қурилаётган қишлоқ масивларида майший хизмат обьектларини ташкил қилиш, аҳолига майший электр техника харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш бўйича мақсадли прогноз кўрсаткичлар тасдиқланди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга ва оилавий бизнесга жалб қилиш, касб-хунар коллежлари битирувчилари томонидан бизнес режаларни ишлаб чиқиши, уй-жой ва мебеллар, майший техника харид қилиш, шунингдек, ёш оилаларни моддий кўллаб-кувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 1,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Умуман, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни кўллаб-кувватлашни кучайтириш, оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш мақсадида „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури доирасида жорий йилнинг 9 ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Бугунги кунда ёш оилаларга давлат томонидан уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар, томорқаларнинг ажратилаётгани давлатимиз томонидан инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишта берилаётган юксак эътиборнинг натижасидир. Хусусан, 2010 йил — „Баркамол авлод йили“да қабул қилинган 11 та йўналишни ўз ичига олган Давлат дастурининг 9-йўналиши „Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларни ҳукуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиши учун шарт-шароитлар яратиш“га бағишлиланган эди. Унга кўра, ёш оилаларга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилаларни шакллантириш мақсадида ёш оилаларга уй-жойлар харид қилиш учун кредитлар бериш, худудларда 32 та хонадонни ёш оилаларга кейинчалик харид қилиш шарти билан ижарага бериш, 42 та бахт уйини қуриш ва қайта таъмирлаш, ёш ва кам таъминланган оилаларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган эди. „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастурида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор берилгани мазкур дастурлар ўртасида узвий, мантиқий боғлиқлик мавжуд эканидан далолат беради. Мустаҳкам оила қуриш, фаровон ва бахтили турмушга эришиш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковатига, оила, жамият ва давлат олдиаги ўз масъулият ва бурчини чукур англашига боғлиқ. Лекин юксак орзу-умидлар билан катта ҳаётга эндиғина қадам қўяётган ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, уларга имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уларни уй-жой билан таъминлаш учун биринчи галда давлат ва жамият масъул экани барчамизга маълум. Шу маънода, жорий йилда оила, биринчи навбатда, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳукуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг кўллаб-кувватлаш каби ўта муҳим масалалар ҳукуматимизнинг дикқат марказида бўлди.

Ана шу мақсадда „Ёш оилаларни ижтимоий кўллаб-кувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги ҳукумат қарори қабул қилинди. Шу асосда ёш оилалар учун 2012—2013 йилларда ҳар бири 48 та хонадонга эга бўлган 100 та кўп қаватли уй қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг ўзидаги 2 минг 400 та хонадон фойдаланишига топширилган бўлса, 2013 йилда яна шунчак хонадон қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишида кулий имконият яратиш учун минглаб ёш оиласарга 15 йил муддатта мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Оиласарнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежлари битирувчила-рининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм микдо-рида микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиди.

Мазкур банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, майший техника ва бошқа уй-рўзгор бу-юмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оиласарнинг рўзгорини буглашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта маадад бўлди.

Қишлоқларда майший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатта солиқлардан озод этилгани 40 мингта яқин иш ўринини ташкил этишга имкон берди. Бу ҳолат қишлоқ шароитида яшаётган аҳоли ҳаёти-нинг том мъянода яхшиланишига олиб келди.

Дастур доирасида эҳтиёжманд оиласарга ижтимоий ғамхўрликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилгани диққатга сазовор. Чунки, айнан бу қатламни кўллаб-куватлаш, уларга ёрдам қўлини чўзиш барча даврларда бўлгани каби энг хайрли ишлар сирасига киради. Айниқса, 2012 йилда бокувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтоҷ оиласарга 8 минг 600 дан зиёд қорамол ҳамда 1 миллион 900 мингта уй паррандаси тарқатилгани бу борада муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, кам таъминланган оиласарга мансуб ўкувчиларга қиймати қарийб 28 миллиард сўмдан иборат бўлган қиши кийим-кечак берилди. Янги ўкув йилда 510 мингта яқин биринчи синф ўкувчиси, шунингдек, уйда таълим олаётган, имконияти чекланган 11 мингта яқин бола давлат бюджети ҳисобидан 12 турдаги ўкув анжомлари тўплами билан таъминланди.

Айни вақтда ўкувчи қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида 190 мингта спорт кийимлари тўплами уларга совға тариқасида берилди, 50 минг нафар бола белул, 270 минг нафар бола эса имтиёзли асосда ёзги оромгоҳларда дам олди.

Шунингдек, юргимиз бўйича мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ бўлган ёш оиласарнинг никоҳ тўйлари ҳомийлар маблаглари ҳисобидан ўtkазиб берилди. 1000 дан ортиқ кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўtkазилгани ушбу йўлда-ги самарали ишларнинг давоми бўлди.

2012 йилда яна бир долзарб вазифа — аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан хотин-қизлар учун 204 мингдан зиёд янги иш ўрини яратилгани ушбу соҳадаги ишларнинг амалий натижасидир.

Йил давомида 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбларга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилгани аҳолининг бандлиги масаласини ечишда яна бир жиддий қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Парламенти қабул қилган оиласар тадбиркорлик ва ху-сусий бизнесни янада ривожлантириш бўрасидаги қонунлар асосида ўтган давр мобай-нида ажратилган кредитларнинг умумий микдори 905 миллиард сўмни, жумладан, хотин-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этишга йўналтирилган кредитлар ҳажми 450 миллиард сўмни ташкил этди. Шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси, Сир-

дарё, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида тадбиркор аёллар учун Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 218 минг евро микдорида микрокредитлар акратилди.

Аёлларимиз, опа-сингилларимизнинг меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг салоҳиятидан фаол ижтимоий, маданий, социал ва иқтисодий соҳаларда, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, бу борада „Оиласларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашта доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ ҳукумат қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, хонадонларнинг майший ва ошхона электр жиҳозлари билан таъминланишини яхшилаш, аёлларнинг уй-рӯзгор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу ҳолат оиласларнинг ижтимоий ҳаётий шароитларининг янада яхшилашишга катта ёрдам бермоқда.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида мамлакатимида электр майший техникаси ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилда аввалги йилларга нисбатан 4 баробар ошиди.

Юртимиздаги оиласларга уч йилга мўлжалланган 317 миллиард сўмга яқин истеъмол кредитлари ажратилгани опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳолининг турмуш маданиятини оширишга қаратилгани билан айниқса аҳамиятлидир.

2012 йилда Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми, аввало, соғлиқни саклаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилди. Иш ҳаки, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар микдори 20 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 22–24 фоизга кўпайиши белгиланди⁵³. Юртимизда ёш оиласларга кўрсатилаётган дикқат-эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапирганда, 2012 йилда 2009 йилда бошланган ва халқимизни, аввалимбор, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажagini ўйлаб амалга оширилаётган, бутун жамиятимизнинг эътибор марказида турган, яъни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни қуриш, коммуналмайший шароитларни яратишга қаратилган дастур давом этирилганини таъкидлаш жоиз. 2011 йилда 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган ана шундай янги уй-жойларга кўчиб ўтиб, уй тўйларини нишонлади⁵⁴.

Бундай кенг қамровли тизимли ишларнинг давоми сифатида 2012 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистоннинг 2013 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинганда, 2013 йилда бюджет маблағларининг 59 фоизидан кўп қисми айнан ижтимоий соҳани молиялаштиришга қаратилганини алоҳида қайд этиш ўринилдири.

Давлат бюджетининг харажатларида 130 ўринга мўлжалланган 3 та юқумли касалликлар шифохонаси, 400 ўринга мўлжалланган 5 та сил касалликлари санаторийси, шунингдек, 5800 нафар шифокор ҳузурига келувчини ва 7600 нафар беморни қабул қила оладиган 54 та туман тиббиёт муассасаси қуриш ва уларни реконструкция қилиш белгиланган. Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган „Саломатлик-3“ лойиҳасини амалга ошириш доирасида 150 та туман марказий шифохонасини 96 турдаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаш-

⁵³ Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 1 январь.

⁵⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 1 январь.

тирилган. Бундан ташқари, 313 та умумтаълим мактаби, 228 та академик лицей ва касб-хунар коллежи Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан капитал таъмирланади ва реконструкция қилинади. 1500 дан ортиқ умумтаълим муассасаси ҳамда 700 та академик лицей ва касб-хунар коллежи замонавий ўкув жиҳозлари, компьютерлар ва ўкув лабораториялари билан таъминланади. 54 та болалар мусика ва санъат мактаби, шунингдек, 137 та спорт зали ва 25 та болалар спорти обьекти қуриш, уларни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштирилмоқда⁵⁵.

Бундан кўринадики, „Обод турмуш йили“да (2013 йилда) давлат бюджети харажатлари ўтган йилга нисбатан 22 фойзга кўп бўлиши кутилмоқда (2,8 триллион сўм).

Мухтасар айтганда, якунланаётган 2012 йилда амалга оширилган мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодиётни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдириш каби эзгу ишлар 2013 йилда янада жадал амалга оширилишига шак-шубҳа йўқ.


Мавзуни мустаҳкамлаш юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Оиланинг ижтимоий аҳамияти нималарда намоён бўлади?
2. Оила мустаҳкамлиги нимага асосланади?
3. Ўзбекистон Республикасида оилавий муносабатлар қандай норматив-хукукий ҳужжатлар билан тартибга солинади?
4. Мамлакатимизда оилавий муносабатлар қандай ҳолларда миллий урф-одат ва анъаналар асосида тартибга солинади?
5. „Соғлом она — соғлом бола“ дастурининг асосий мақсади нималарда намоён бўлади?
6. „Бир зиёли ўн оиласига маънавий ҳомий“ лойиҳасидан қандай мақсад кўзланган?
7. Миллий менталитетимизга ёт ғояларга қарши курашда оиланинг ўрни қандай?
8. Маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлик-нинг хукукий асослари ҳақида гапириб беринг.
9. Инсон фаолиятини эзгулик йўлида уйғулаштирувчи омиллар, деганда нимани тушунасиз?
10. Жамият ҳаётида барқарорликни таъминлашда оила қандай ўрин тутади?

4-БОБ. „ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ“ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТНИ ЮКСАК БОСҚИЧГА КҮТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ

4.1. Йилга ном бериш негизида турган эзгу мақсад-муддаолар

Мустақил тараққиёт йилларида Президентимиз томонидан ҳар бир йилга ном бериш эзгу анъанага айланди ва бу борада маҳсус давлат дастурлари қабул қилиниб, бажарилиши лозим бўлган энг муҳим мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар белгилаб берилмоқда, уларнинг кент қўламли ижроси тъминланмоқда. Юртбошимиз ибораси билан айтганда, 1997 йилдан бошлиб кириб келаётган ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртилизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги кучкүвват бағишлайдиган ном бериб, шу асосда улкан ишларни амалга ошироқдамиз (4.1-расм)*.



4.1-расм. Ўзбекистонда мустақил тараққиёт даврида йилларга берилган номлар.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2012. – 78–79-б.

Ушбу анъанани давом эттирган ҳолда, Президентимиз ўз маърузасида кириб келаётган янги — 2013 йилга қандай ном бериш ҳақида тўхталиб, йилга ном бериш негизида, авваламбор, ҳар бир одам, ҳар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш — айни шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Барчамизга яхши аёнки, ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахти яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёруғ ва файзли қиласидиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшшида яққол намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чукур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталиқ, ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик, файз-барака хукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қиласиди. Мустақилик йилларида „Ободлик кўнгилдан бошланади“ деган чукур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикри тасдиқлайди.

Ўтган давр мобайнида бизнинг бу борада тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ўйлга фақат чиройли ном бериш эмас, бу ғояни мутлақ кўпчилик, умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун билан, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

Ислом Каримов

ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда ғоят муҳим ва долзарб аҳамият касб этади⁵⁷.

4.2. „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган муҳим устувор йўналишлар

Президентимиз кириб келаётган янги — 2013 йилни мамлакатимизда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилишни таклиф этар экан, „ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз“, дея таъкидлади.

Бу борада мамлакатимиздаги кўп йиллик тажрибадан маълумки, ҳар бир йил номи билан боғлиқ мақсад ва вазифалар, аниқ чора-тадбирлар, уларнинг бажарилиш муддатлари, молиявий манбалари, мутасадди идора ва ташкилотлари батафсил баён этилган давлат дастурлари шакллантирилиб, улар маҳсус қарор орқали ижро учун қабул қилинади.

⁵⁷Инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағисланган тантанали маросимдаги маъруzasи. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Бундай дастурларнинг пухта ва ҳаётйилиги, уларда белгиланган чора-тадбирларнинг қўйилган мақсад ва вазифаларни тўлик қамраб олиши пировардида қилинган сайди-ҳаракатлар, эришилган натижаларнинг салмоқли бўлишига хизмат қиласи. Шунга кўра, давлатимиз раҳбари ўз мъузасида ишлаб чиқилиши ҳамда ижро учун қабул қилиниши кўзда тутилаётган „Обод турмуш йили“ давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган бир қатор муҳим устувор йўналишларни белгилаб берди (4.2-расм).

Расмдан кўринадики, Юртбошимиз, энг аввало, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қўйувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркорлигига эътибор қаратмоқда. Шунингдек, юртимизда бу масала бўйича масъул бўлган тегишли идоралар мавжудлиги, куч-кудратимиз ҳам етарли эканини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, бу борада бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сингари қатор тузилмалар тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш келмоқда.

Биз 2013 йилга шундай ном берар эканмиз, ана шу йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришни асосий мақсад деб биламиз.

Ислом Каримов

1-йўналиш: Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш

4-йўналиш: Халқнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш

2-йўналиш: Аҳоли Фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш

5-йўналиш: Маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини ўзи бошқариш ва ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги хуқуқ ва ваколатлар бериш

3-йўналиш: Халқ саломатлигини ҳимоялаш, соғиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаёттан тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириши

6-йўналиш: Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, уй бекаларининг оғирини сингил қилиш

4.2-расм. „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган муҳим устувор йўналишлар⁵⁸.

⁵⁸Инсон манбаати; хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига багишиланган тантанали маросимдаги мъузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Айни пайтда мазкур ҳолатнинг ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг „Мудофаа ва хавфсизлик“ деб номланган XVI бобида: „Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади“ (125-модда), „Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада куролли кучларига эга“ (126-модда), деб мустаҳкамлаб қўйилганини яна бир бор қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир⁵⁹.

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш энг устувор вазифалардан бири экани давлатимиз раҳбарининг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидан барчамизга маълум.

Миллий армиямизнинг ташкил этилиши тарихий зарурат натижаси бўлиб, биринчидан, янги тузилган давлатни бошқаришда бир-биридан муҳим, бир-биридан чигал, мураккаб вазифалар, муаммолар пайдо бўлаётган бир вақтда давлат мустақиллигини, тинчлик-осойишталикни, моддий ва маънавий бойликларни ҳимоя қилиш, эркин ва озод ҳаётни турли хавф-хатарлардан асраб қолиш бош масала бўлиб кун тартибига чиққани билан изоҳланади.

Мустақилликнинг дастлабки даврида вазият нақадар қалтис бўлгани, фуқаролар уруши ёки миллатлараро низо чиқиб, қон тўкилишига бир қадам қолганини қуидаги мисоллардан ҳам билса бўлади. Турли этник ва диний гуруҳлардан иборат 60 миллионга яқин аҳоли яшайдиган минтақамизда иқтисодий, сиёсий вазият ўта таранглашган эди. Собиқ СССР тарқалгач, ҳамдўстлик давлатлари чегаралари ва уларнинг ҳудудида 24 марта ҳарбий тўқнашув ва ҳарбий можароларга оид 74 та вазият қайд этилди. Буларнинг барчаси ёш мамлакатимиз миллий хавфсизлигига хавф солмасдан қолмас эди, албатта.

Иккинчидан, XX асрнинг 80-йилларида турли уруш-жанжаллар гирдобида қолган Эрон, Ироқ, Афғонистон, Тожикистон сингари давлатлар билан Ўзбекистоннинг яқин чегарадошлиги. Ана шундай бир шароитда ёш Ўзбекистон Республикасига турли йўллар билан таъсир ўтказиш, уни демократик, дунёвий ривожланиш йўлидан қайтариб, диний давлат тузишга даъват этувчи кучлар ҳам пайдо бўла бошлади. Минтақадаги ана шундай нотинч, таҳликали вазият Ўзбекистон олдига ўз мудофаа тизимини тезроқ вужудга келтириш вазифасини долзарб қилиб қўиди.

Мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидларни таҳдил этиш мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, жанговар қобилияти юксак, ҳар жиҳатдан яхши таъминланган Куролли Кучларни шакллантиришни тақозо этди. Мазкур вазифаларни тезкорлик билан бажариш, қўшинлар бошқаруви самарасини ошириш, жанговарлик қобилиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимиз ҳудудида ҳарбий-маъмурий бирликлар — ҳарбий округлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳарбий округ, бу — операцион йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмасидир⁶⁰.

Мамлакат ҳудудида бешта — Шимоли-гарбий (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти), Жануби-гарбий махсус (Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари), Марказий (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари), Шарқий (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари) ва Тошкент (Тошкент шаҳри ва вилояти) ҳарбий округлари ташкил этилиши билан қўшинлар ва қисмларни қайта жойлаштириш амалга оширилди. Бу тадбирлар қўшинларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, ҳудудий мудофаанинг ҳақиқий тизимини шакллантиришга имкон берди, профессионал таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш учун амалий ҳаракатлар бошланди. Ўзбе-

⁵⁹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2012.

⁶⁰Ўзбекистон Республикасининг „Мудофаа тўғрисида“ти қонуни (янги таҳрири), 2001 йил 11 май.

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлашни кучайтиришнинг ташкилий тадбирлари тўғрисида“ги қарори давлат чегаралари ҳимоясини ташкил этишни янада такомиллаштиришда муҳим воқеа бўлди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш концепцияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Концепцияга мувофиқ, чегара қўшинларининг янги ташкилий-штат таркиби аниқланди. Мамлакатимизда бешта чегара минтақаси белгиланди, чегара отрядлари, комендатуралари ва чегара заставалари қайтадан ташкил этилиб, чегара районларига, базалари ва постларига айлантирилди.

1999 йил 4 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг „Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида“ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Ички қўшинлар бошқармаси асосида Ички ва Қоровул қўшинлари бош бошқармалари ташкил топди. Соқчилик бирлашмалари ва қисмлари Ички қўшинлар таркибидан чиқарилди. Ички қўшинлар таркибидаги тезкор милиция қисмлари ва бирлашмалари базасида маҳсус вазифаларни бажарувчи тезкор отрядлар тузилди. 1999 йил апрель ойидан бошлаб тезкор ҳаракатланувчи маҳсус қисмлар ташкил этилди. Мудофаа вазирлигига қарашли ўта муҳим иншоотларни кўриқлаш бўлинмалари Ички қўшинлар тасарруфига ўтказилди.

Ислоҳотлар жараёнида Ички қўшинларнинг ташкилий тузилиши қайта кўриб чиқилиб, ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамланди. Улар жамиятни террорчилик, қўпорувчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноий қўринишлардан ишончли ҳимоя қилувчи кучга айланди.

Бугунги кунда ҳар бир ҳарбий округ, йирик қисмлар ўз ўкув полигонларига эга бўлиб, уларда ҳарбий техникани бошқариш кўнималарини ҳосил қилиш, жанговар куроллардан отиш, артиллерия, ҳаво жанги тайёргарлиги, взвод, қисм таркибida тактик ўкув машгулотларини ўтказиш учун барча шароитлар яратилди⁶¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги хизматлари ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимиға киради.

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларига конституцион тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳамда корхона, мусассаса, ташкилотларнинг мулкини, ҳукуқ ва эркинликларини ҳар хил жиноий тажовузлардан ва бошқа ҳукуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларнинг қисқа фурсатда тўлиқ очилишини таъминлаш, жиноятни содир этиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш, паспорт тизими фаолиятини таъминлаш (фуқароларга паспорт берилишини, уларнинг рўйхатдан ўтиши ва чиқишини, визаларини расмийлаштириш), йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарлик ва жиноий жазоларнинг ўталишини таъминлаш, ёнгин хавфсизлигини сақлаш, вояга етмаганлар билан ишлаш, фуқаролар томонидан ўқотар куролларни сотиб олиш, сақлаш ва олиб юриш тартибини назорат қилиш ва расмийлаштириш каби кўплаб вазифалар киради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимиға Жиноят қидирав ва тероризмга қарши кураш бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси, Пост-патруль хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бошқармаси, Республика „Кўриқлаш“ бирлашмаси ва кўплаб бошқармалар, хизматлар киради⁶².

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир“ рисоласини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: „O‘qishchi“ НМИУ, 2012. – 108–117-6.

⁶² <http://www.mvd.uz/page/13> – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 марта „Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида“ги 1378-сонли фармонига биноан ташкил этилган. Мазкур тузилманинг асосий мақсади аҳолини ва иқтисодиётдаги объектларни табиий оғатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланган:

— фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва мавнавий қадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек, тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тутатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш;

— вазирликлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликларнинг аҳолини ва миллий бойликларни муҳофаза қилиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий оғатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

— фавқулодда вазиятларни бартараф этишга, аҳолини, мамлакат ҳудудини муҳофаза қилишга ҳамда улар вужудга келган тақдирда ҳалқ хўжалиги объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга, шунингдек, аҳолини, мансабдор шахсларни ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими тузилмаларини тайёрлашга қаратилган мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

— фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун молия, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техник ресурсларнинг давлат фавқулодда захира фонdlарини ташкил этишга доир ишларни мувофиқлаштириб бориш;

— вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳалқаро ҳамкорликни ташкил этиш⁶³.

Юқорида қайд этилган идоралар билан бир қаторда мамлакатимизда тинчлик-осоишишталик ва хавфсизликни таъминлашга ўз фаолияти билан катта ҳисса қўшиб келаётган бошқа кўплаб тузилма ва ташкилотларни ҳам мисол келтириш мумкин. Президентимиз мазкур идора ва ташкилотларнинг тинчлик-осоишишталик ва хавфсизликни таъминлашдаги юксак вазифасини инкор этмаган ҳолда, „Лекин қачон юрт тинч ва обод бўлади?“ деган ўринли саволни ўргатга ташлади. Ва бу саволга ўзлари қўйидаги жавобни берди: „Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиш мумкин“.

Бундан кўринадики, „Обод турмуш йили“ Давлат дастурини ишлаб чиқишида, энг аввало, маҳаллаларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқарода тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиш, уни муносиб ҳимоя қилиш кўниқмаларини шакллантириш, тинчлик учун курашишга олий бурч сифатига қараш каби қадриятларни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларга эътибор қаратиш зарур бўлади.

⁶³Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида. 1996 йил 4 март, ПФ-1378-сонли Фармон.

4.3. Аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишлари

Маърузада „Обод турмуш йили“ Давлат дастурининг иккинчи йўналиши сифатида аҳоли фаровонлигини ошириш масаласи белгиланган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини ошириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Президентимиз аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилаб берди (4.3-расм).

Энди аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор йўналишларига тўхталиб ўтамиз.

1. **Аҳолининг реал даромадларини ошириш.** Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафака ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охирги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминламоқда.

Обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида, авваламбор, фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, қутбарака, бозорларда арzonчилик маъносини ўзида мужассам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнаки ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий гоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Ислом Каримов

Аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишлари

Аҳолининг реал даромадларини ошириш


Иш билан бандлик масаласини ечиш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш

Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш

4.3-расм. Аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишлари.


Юртимизда кечеётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблаглари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафака ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда (4.4-расм).



4.4-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича АҚШ доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан).

Расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртacha ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга етди.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориши, ҳалқимизни ижтимоий кўллаб-куватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўргача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртacha пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади. Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий кўллаб-куватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртacha даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффициенти 1991—2011 йилларда 0,40 дан 0,29 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртacha кўрсаткичга мос келади (4.5-расм).



4.5-расм. Аҳоли пул даромадлари дифференцияси даражаси.

2. Иш билан бандлик масаласини ечиш. Аҳоли фаровонлигини оширишда бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратадиган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солик, кредит ва бошқа масалаларда имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-кувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобидан вакътинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатта лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда⁶⁴. Бу иш ўринлари янги йирик саноат обьектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оиласий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилади. 2013 йилда бу ҳудудларда камиде 126 минг янги иш ўрни ёки 2012 йилдагидан беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

4.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг истиқбол кўрсаткичлари, минг кинги⁶⁵

Т/Р	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1.	Меҳнат ресурслари сони	17365,5	17841,0	18329,5
2.	Иқтисодий фаол аҳоли сони	12929,9	13275,8	13658,0
3.	Иш билан банд аҳоли сони	12303,1	12644,2	13014,1
4.	Ишсизлар сони	626,8	631,6	643,9
5.	Ишсизлик даражаси, фоизда	4,8	4,8	4,7

2013 йилда иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига, шу жумладан, демографик вазиятта, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш смиллари ва тамоилиларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган.

⁶⁴2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури.

⁶⁵Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

**Ўзбекистон Республикасида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж прогнози,
минг киши⁶⁶**

T/р	Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й
I.	Янги иш ўринларига эҳтиёж, жами	1215,6	1222,6	1275,4
1.1.	Меҳнат бозорида илк бор иштирок этадиган шахслар сони	575,8	573,3	613,7
	Шулардан битирувчилар:			
	— академик лицейлар	17,8	13,4	13,1
	— қасб-хунар коллежлари	493,3	501,1	540,6
	— олий ўкув юртлари	58,3	58,8	60,0
1.2.	Ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳоли сони	622,0	631,6	643,9
	Шундан қайтиб келган меҳнат мигрантлари сони	37,3	36,5	35,8
1.3.	Бошқалар (муддатли ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазони ўташдан озод этилганлар)	17,8	17,7	17,8
II.	Иш ўринларига эҳтиёж, жами	1215,6	1222,6	1275,4
	Шу жумладан:			
2.1.	Ходимларнинг табиий ишдан кетиши (пенсияга чиқиши, ўлим ва ҳ.к.) натижасида иш ўринларининг пайдо бўлиши	150,0	161,0	173,0
2.2.	Меҳнат муассасаларига иш берувчилар томонидан берилган бўш иш ўринлари сони	73,0	75,0	78,0
2.3.	Янги ташкил қилинадиган иш ўринлари сони	992,6	986,6	1024,4

Иш ўринларига бўлган эҳтиёжга демографик омил сезиларли ва бевосита таъсир ўтказишини давом эттироқда. 1985—1990 йилларда туғилиш юқори даражада бўлиб, ўша даврда 37 промиллени ташкил этгани, яъни ҳозирги вақтдагига нисбатан 1,7 баробар кўп бўлгани натижасида меҳнаттага лаёқатли ёшга кираётган аҳолининг илдам ўсиш суръатлари сақланиб қолмоқда (4.1-жадвал).

4.1-жадвалдан кўриниб турганидек, 2013—2015 йилларда меҳнат ресурслари сони 17365,5 минг кишидан 18329,5 минг кишига кўпаяди. Бу даврда иқтисодий фаол аҳоли сони 6,1 фоизга кўпаяди ва прогноз қилинаётган даврда унинг меҳнат ресурслари таркибида улуши 74,3 фоиздан 74,5 фоизга ортади.

Истиқболда иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ҳам кўлайиши кузатилиб, 2015 йилга келиб 13014,1 минг кишига етади. Шу билан бирга, прогноз қилинаётган даврда ишсизлар сони 626,8 минг кишидан 643,9 минг кишига ортади. Бироқ ишсизлик даражаси 2013 йилдаги 4,8 фоиздан 2015 йилда 4,7 фоизга тушиб, унинг камайиши кузатиласди.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

Демографик ривожланишнинг прогноз маълумотларига кўра, мамлакатимиз меҳнат бозорида янги иш ўринларини яратишга бўлган эҳтиёж ортиб боради (4.2-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2013 йилда мамлакатимиз меҳнат бозорида иш билан банд бўлиш эҳтиёжи прогноз бўйича 1 миллион 215 минг 600 та иш ўрнини ташкил этади, шундан 575,8 мингтаси — таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун, 622 мингтаси — прогноз даврининг бошида банд бўлмаган ва ишга жойлашишга муҳтож бўлган ишсиз аҳоли учун. Бунда 150 минг ходим табиий равишда чиқиб кетиши (пенсияга чиқиши ва ҳ.к.) муносабати билан бўшатилиши, шунингдек, прогноз даврининг бошида тақдим этилган 73 мингта бўш иш ўрнидан фойдаланилиши кутилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида асосий вазифалар куйидаги лардан иборат (4.6-расм).

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар:

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш — иш топишда қийналаётган, ишларга муҳтож аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларида банд этиш

Касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш — меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмай қолишганда фуқароларни янги ишга жойлашиш имконини берадиган касбларга ўқитиш, жумладан, „Уста-шогирд“ усулида касбга ўргатиш

Ишловчиларнинг меҳнат хукуқларини таъминлаш — асоссиз оммавий равишда ишдан бўшатилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш, меҳнат қонунчилиги назоратини ўрнатиш


Электрон ахборот алмашинуви имкониятларини кенгайтириш

Бўш иш ўринлари ва иш қидиравчилар ҳақидаги янгиланиб турувчи электрон маълумотлар банки имкониятларидан кенг фойдаланиш

Меҳнат бозорида рақобатдош аҳоли тоифаларига эътиборни кучайтириш — касаначиликни ривожлантириш, квотали иш жойларини таъминлаш, кам таъминланган оиласларни кўллаб-куватлаш

4.6-расм. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар.

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги кунда юргимиизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш



4.7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси⁶⁷.

масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, ахоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-кувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улусига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди (4.7-расм).

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиги айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-кувватлаш йўналишлари 4.8-расмда келтирилган.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлашириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор тоғтириш асосида қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини кескин оширишга қаратилмоқда.

2. Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга муҳтоҷларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оиласларни қўллаб-кувватлашга йўналитирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги „Болали оиласларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 437-сонли қарорига асосан, вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицей-

“Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантирищнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. – Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2012. – 217-б.



4.8-расм. Фермер хўжаликларини кўллаб-куватлаш йўналишлари⁶⁸.

ва касб-хунар колледжларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оиласарга нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Юртимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қартилоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги „Аҳолининг ижтимоий ҳимояяга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда кўллаб-куватлашнинг 2002–2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 33-сонли қарорининг қабул қилингани бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади. Бола парваришлар учун нафақа, парваришларётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатти назар, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида тўланади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтоҷ қатламларидан бири – бу кам таъминланган оиласардир. Кам таъминланган оиласарнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги „Кам таъминланган оиласарни ижтимоий ҳимоя қилишини ташкил этиш масалалари тўғрисида“ги 434-сонли қарорида кам таъминланган оиласарни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оиласарга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оиласа 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробаригача бўлган миқдорда белгиланади.

Давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июнда „Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оиласарнинг жами даромадлари янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида“ги 165-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий нафақалар тайинлаш ва тўлашнинг манзиллилигини ошириш мақсадида куйидагилар амалга оширилмоқда:

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги „Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади“ мавзуусидаги маъруzasини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуя. — Т.: „Иқтисодиёт“, 2011. — 68-б.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномаларига кўра нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида текширилмоқда;

— Республика „Маҳалла“ жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли ўргасида эҳтиёжманд оиласарга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойликнинг жами даромад микдорини ҳисоблаб чиқиши тартиби тўғрисида кент тушунтириши ишларини амалга оширмоқда.

Бундан ташқари, кам таъминланган оиласарни ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш ва манзилли ёрдамни кучайтиришга қўйидагилар ҳисобидан эришиш режалаштирилган:

— амал қилаётган имтиёзлар ва нафақа тўловлари тизимини тартибга солиш, манзилли характерга эга бўлмаган имтиёзларни, авваламбор, айрим профессионал гурӯҳларга тақдим этиладиган имтиёзларни босқичма-босқич камайтириб бориш ва шунинг ҳисобидан кўпроқ эҳтиёж сезаётган оиласарга имтиёзлар ҳажмини ошириш;

— натуранл кўринишида бериладиган имтиёзларни тегишли пул тўловлари билан алмаштириши жараёнини тугаллаш;

— норасмий секторда тадбиркорлик фаолиятидан, шунингдек, пул ўтказмалари ҳисобидан даромад олаётган оиласарни чиқариб ташлаш йўли билан моддий ёрдамга муҳтоҷлик сезаётган оиласарни аниқлаш усулини такомиллаштириш. Тежаб қолинган маблағлар энг муҳтоҷ оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш учун қайта йўналтирилади;

— жойларда муҳтоҷларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, шунингдек, маблағларни ижтимоий ҳимоянинг айрим моддалари ўргасида қайта тақсимлаш бўйича қарорлар қабул қилишида давлат органлари мустақиллигини кенгайтириш;

— ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган оиласарга нафақа тўловлари тўлашни ташкил қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб қилиш, бу кам таъминланган оиласарга ижтимоий тўловлар ҳажми ва қамровини оширишга имкон беради;

— айрим нафақа тўловлари ва имтиёзларни тугатиш натижасида бўшаган маблағларни муҳтоҷ оиласарга манзилли нафақа тўловларини молиялаштириш ҳажмини оширишга йўналтириш;

— минимал ижтимоий стандартларни, жумладан, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китоб қилиш усулини такомиллаштириш;

— оиласавий тадбиркорликни ривожлантириш учун аҳолининг ижтимоий заиф гурӯҳлари, авваламбор, талаб қилинмаган мөхнат салоҳиятига эга, кам таъминланган оиласарни кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳалқимизнинг „Мөхнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройли“ деган мақоли замирида мужассам бўлган ҳақиқатни ҳётимиз тарзига айлантириш йўлида янги йилда ҳам катта-катта ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда⁶⁹.

⁶⁹Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Ҳалқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

4.4. Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳалқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш

Обод турмушнинг яна бир муҳим шарти — бу инсон саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Аҳоли саломатлиги борган сари юқори даражадаги ижтимоий ривожланишнинг интеграциялашган кўрсаткичига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан аҳоли

саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятининг самарадорлигини ошириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилиди. Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширилмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айникса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзgartирилди — уларнинг иш ҳақи миқдори ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичida тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдори 2,2 баробар кўпайди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмаларни шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз маъруzasида бу ҳақда тўхталиб, қуидагиларни таъкидлади: „...ҳалқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг

Ҳақиқатан ҳам, одамларимизнинг қачон, қаерда бўлмасин, дуога қўл очар экан, аввало, „Тани соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик бўлсин, юртимиз обод бўлсин“, деб ният қилиши бежиз эмас, албатта.

Ислом Каримов

машаққатли ва мастьулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади”⁷⁰.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари 4.9-расмда келтирилган.

**Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг
асосий йўналишлари:**

- ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;
- замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш;
- тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, ҳалқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш;
- аҳолини вирусли ва юкумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, заарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобидан ошириш;
- аёллар ва болалар соғлигини сақлаш, бўлгуси оналар саломатлик ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг марказлар, педиатрия ва тугуруқ муассасаларининг моддий-техник базасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва аниқ бир соҳага ихтисослашган шифокорларга нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини мутгасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш;
- замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равиша сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

**4.9-расм. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг
асосий йўналишлари.**


⁷⁰Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Маърузада тўртингчи муҳим йўналиш сифатида халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш каби долзарб масалалар бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши кераклиги қайд этиб ўтилди.

Бир неча асрлар аввал табиатан бунёдкор халқимиз тафаккури, салоҳияти ва азму шижоати билан бунёд этилган маҳобатли обидаларимиз ҳозирги кунга қадар дунё аҳлининг ҳайратига сазовор бўлиб келмоқда. Халқимизнинг бундай бунёдкорлик анъаналари 2009 йилдан сўнг янги босқичга кўтарилиб, ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Яъни 2009 йилдан буён Президентимиз ташабbusи ва раҳнамолигида барча қишлоқ туманларида намонавий лойиҳалар асосида ҳамманинг ҳаваси келадиган турар жойларни қуриш кўлами кенгаймоқда⁷¹. Бундай уй-жойларнинг барпо қилиниши билан мустақил юртимиз чинакам бунёдкорлик, ободонлаштириш майдонига айланмоқда.

Миллий анъаналаримиз ва замонавий уйсозликнинг услуг ҳамда шакллари уйғулашган, барча қулийликларга эга муҳташам иморатлар қишлоқларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Куйидаги диаграмма маълумотларидан кўринадики, мазкур дастур асосида курилаётган уйлар сони ҳозирги вақтда қарийб 23 мингтага етган (4.10-расм).

2011—2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси, ижтимоий объектларга эга бўлган турар жой массивлари 35,5 минг якка тартибдаги уй-жой билан биргаликда барпо этилиши кўзда тутилмоқда⁷².



4.10-расм. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида курилган замонавий уй-жойлар сони.

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифати кўп жиҳатдан замонавий йўл ва коммуникация тармоқларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Айниқса, қишлоқ ва шаҳарларни автомобиль йўллари билан боғлаш, мамлакат ҳудуди бўйича темир йўл тармоғини барпо этиш муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Матлумки, мустақиллик йилларида юртимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди (4.3-жадвал).

Автомобиль йўллари ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча аҳоли пунктларини тўлиқ қамраб олган. 2006 йилдан бошлаб амалга оширилаётган Хизмат кўрсатиш соҳасини

⁷¹Президентнинг „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2009 йил 3 августдаги қарори.

⁷²Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсатчилари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O’zbekiston“ НМИУ, 2011. — 135—136-б.

ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш жараёнида автомобильда йўловчи ташиш бўйича жами 929 та йўналиш очилди, шундан 13 таси шаҳар йўналишлари, 791 таси шаҳар атрофидаги ҳамда 125 таси вилоятлараро йўналишлардир. 2010 йилда транспорт хизмати 2006 йилга нисбатан 1,6 баробар, шу жумладан, автомобиль транспорти бўйича 1,7 баробар ўсди⁷³.

Юқори даражада тараққий этган транспорт магистраллари ва коммуникациялари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш билан биргаликда, мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини ҳам белгилайдиган мустаҳкам иқтисодий ўсиш нуқтани назаридан муҳим аҳамиятга моликдир.

4.3-жадвал

Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасининг асосий кўрсаткичлари⁷⁴

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Умумий фойдаланишдаги қаттиқ қопламали автомобиль йўллари	км	38213	41524	41950
шу жумладан: халқаро аҳамиятга молик йўллар	км	3229	3239	3960
Умумий фойдаланишдаги темир йўллар	км	3462	3471	4227

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги 1446-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган „2011—2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация курилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида“ти дастурни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу дастурдан кўзланган асосий мақсад — ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизида янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз ўсиб боришига эришишдир.

Мазкур дастурдан умумий қиймати 8 миллиард 504 миллион долларлик жами 85 та лойиҳа ўрин олган бўлиб, уларнинг бажарилиши натижасида жами 14394 та янги иш ўрни яратилади (4.4-жадвал).

4.4-жадвал

2011—2015 йилларда инфратузилмали, транспорт ва коммуникация курилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари

Йўналиш номи	Лойиҳа қиймати (млн. доллар)	Лойиҳа сони
1	2	3
Дастурнинг умумий қиймати	8504,0	85 та
шу жумладан:		
Автотранспорт системаси	3544,0	11 та
Темир йўл транспорти системаси	2146,6	14 та

⁷³Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O’zbekiston“ НМИУ, 2011. — 67—68- б.

⁷⁴Уша манба, 68-6.

4.4-жадвалнинг давоми

1	2	3
Ҳаво йўли транспорти системаси	993,7	14 та
Муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация системаси	1794,7	44 та
Шаҳар электротранспорти паркини янгилаш	24	2 та

Дастур доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимизнинг асосий транспорт шакллари: ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорт тизими, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштиришга, мавжуд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ ва кенг миёсда фойдаланишга қаратилган⁷⁵.

Юрг ободлиги, ҳалқ фаровонлиги кўп жиҳатдан аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан тъминлаш, коммунал хизмат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ. Мазкур омилнинг аҳамиятини чукур ҳис этган ҳолда, мустақиллик йилларида аҳолининг коммунал хизматлар билан тъминланиш даражасини оширишга катта эътибор қаратилди (4.5-жадвал). Хусусан, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан тъминлаш давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида бу соҳадаги вазият тубдан яхшиланди.

4.5-жадвал

Аҳолининг коммунал хизматлар билан тъминланиш даражаси, аҳолининг умумий сонига ишбатан фонзда⁷⁶

Кўрсаткич	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ичимлик суви тъминоти	64,0	80,4	82,6
шу жумладан, қишлоқ жойларда	55,0	72,3	75,8
Табиий газ тъминоти	44,6	76,1	83,7
шу жумладан, қишлоқ жойларда	19,3	65,9	77,7
Марказий иситиш тизими	29,1	35,4	41,0
Оқовалаштириш хизмати (канализация)	25,5	28,3	37,1
Бир кишига тўри келадиган ўртacha уй-жой майдони, квадрат метр ҳисобида	12,1	13,8	15,2

Аҳолининг тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда юқорида зикр этилган дастур билан бирга, магистрал ичимлик суви ва табиий газ тармоқларини куриш бўйича аниқ мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамиятта эга

...биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чукур англаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишининг муҳим шарти – бу аввало маҳаллани обод қилиш демакдир.

Ислом Каримов

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор ўйналишларига бағишиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маъруzasини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. — Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2012. — 187—189- б.

“Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик-йилларида (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011. — 116- б.

бўлди. 1991—2009 йилларда 54 минг километрдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларда 47,9 минг километрли сув тармоқлари ва ичимлик суви қувурлари, 74 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 67,6 минг километрлик газ тармоқлари қурилиб, ишга туширилди⁷⁷.


Хозирги кунда аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш мақсадида мазкур йўналишдаги ишлар жадаллаштирилмоқда. Ижтимоий ва коммуникация инфратузилмаларининг жадал ривожланиши ҳамда тез ўсиб бораётган уй-жой бозорининг шаклланиши шаҳар ва қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис инфратузилмасининг кенгайишига ҳамда бунинг натижасида 2011—2015 йилларда транспорт ва майний хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2,5 баробар ошишига имкон яратади⁷⁸.

4.5. Маҳаллани обод қилиш — ҳаётимизни обод қилишининг муҳим шарти

„Обод турмуш йили“ давлат дастурининг бешинчи йўналиши сифатида маҳаллаларни обод қилиш масаласи кўрилади.

Маҳалла — Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йигинлари — ўзини ўзи бошқариш органлари икки ярим йил мuddатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз хуқуқларини рўёбга чиқаришда фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, ҳалқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиб мақсадида фуқароларни бирлаштиради.



4.11-расм. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмаси.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O’zbekiston“ НМИУ, 2011. — 117- б.

⁷⁸ Уша манба, 136- б.

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органлари сони 9913 тани ташкил қиласди. Уларнинг таркиби қуйидаги жадвалда берилган (4.6-жадвал).

4.6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида маълумот

Т/р	Номи	сони
1.	Жамоатчилик асосидаги маҳаллалар	609
2.	Кишлоқлардаги маҳаллалар	1326
3.	Овуллардаги маҳаллалар	154
4.	Шаҳарчалардаги маҳаллалар	110
5.	Шаҳардаги маҳаллалар	8323
Жами		9913

Манба: Ўзбекистон Республикаси „Маҳалла“ хайрия жамғармаси маълумотлари

Жадвалдан кўриниб турганидек, юртимиздаги ўзини ўзи бошқариш органларининг аксарият қисми (83,9 фоизи) шаҳарлардаги маҳаллаларнинг улушига тўғри келади.

Президентимиз ўз маъруzasida „...маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолимизнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини, керак бўлса, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада тақомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги хукуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир“⁷⁹, деб таъкидлади.

Президентимизнинг ана шу фикрларидан келиб чиқиб, маҳаллаларнинг қуйидаги йўналишлардаги фаолиятини янада жонлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

1. Маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринлари барпо этиш:

— маҳаллалар худудида хусусий тадбиркорлик ва оиласиб бизнесни микромолиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармаси ташкил этиш;

— маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мамлакатимизда кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш;

— маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиявий маблаглар ажратилишини кенгайтириш;

— маҳаллалар худудида жойлашган ишлаб чиқариш биноларини хунармандчилик устахоналари ташкил этиш, ҳалқ хунармандчилиги билан шугулланиш ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиш учун ижара шартлари асосида ажратиш. Маркетинг ва менежмент масалаларида тадбиркорларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

2. Маҳалла ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш:

— Маҳаллалар ва корхоналарнинг ўзаро алоқа ва бир-бирини қўллаб-куватлаш тизимини барча худудларда жорий этиш;

⁷⁹Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

- корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида ва уларнинг ёрдамида ҳар бир маҳаллани ободонлаштириш дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;
- маҳаллаларда аҳолининг табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланиши даражасини ошириш;
- идоравий уй-жойларни мукаммал таъмирлаш ҳисобидан маҳаллалар аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш;
- якка тартибдаги уй-жойларда яшовчи фуқароларнинг уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаш механизмини такомиллаштириш;
- фойдаланилмаётган нотурар жой биноларининг зарур қисмини маҳаллаларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига бериш.

3. Кам таъминланган оиласлар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва ёш оиласларни кўллаш-куватлаш:

- кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтоҷ оиласларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам учун корхоналар, муассаса ва ташкилотлардан қўшимча маблаглар жалб этиш мақсадида корхоналар даромадининг солиқ солинадиган базасини маҳаллага кўрсатиладиган хайрия ёрдами миқдорида, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг 1 фоизидан ортиқ бўлмаган даражада камайтиришни назарда тутиш;
- меҳнат ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг ишсиз деб эътироф этилган шахсларга нафака тўланишини ва уларнинг оиласларига моддий ёрдам кўрсатилишини таъминлашдаги ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;
- тижорат банкларининг кредитлари ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан рўзгор хўжалигини юритишда кам таъминланган ёш оиласларга ссуда ажратиш механизми кенг жорий этиш;
- бокувчисиз қолган ва кам таъминланган оиласларнинг болаларига; меҳрибонлик уйлари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига мурувват ёрдами кўрсатишни жонлантириш;
- кам таъминланган ва кўп болали оиласларнинг болаларни болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида белул ёзги дам олишини таъминлаш;
- муҳтоҷ ёлғиз кекса фуқаролар ва ногиронларнинг квартиралари, уйлари ва майший хоналарини таъмирлаш;
- ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйларига бориб ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;
- ёлғиз кексаларнинг ижтимоий-майший эҳтиёjlари, саломатлиги ва моддий аҳволи мониторингини йўлга қўйиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга доир аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши.

4. Маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш. Болалар спортини ривожлантириш:

- маҳаллада истикомат қилувчи барча пенсионерларни, ногиронларни, шу жумладан, ногирон болаларни, ёлғиз кекса фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш;
- оила, маҳалла, соғлиқни сақлаш органлари, таълим ва бошқа муассасалар, жамоат ташкилотларининг оналик ва болаликни муҳофaza қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик тизимини босқичма-босқич жорий этиш;
- соғлом турмуш тарзи, уй-жой ва овқатланиши гигиенаси, хўжалик ва майший чиқиндишларни зарарсизлантириш мавзусида буклетлар, плакатлар тайёрлаш ва уларни маҳалла аҳолиси орасида тарқатиш;

- барча мұхтож кекса ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш;
- барча иммобил, мұхтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг құл-оқыларини уйида протезлашни таъминлаш;
- кексалар ва ногиронларнинг ногиронлар аравачаларига, құлтиқтаёк, ҳасса ва эшитиш аппаратларига әхтиёжини таъминлаш;
- туман марказларидан олис қишлоқ ва огулларда яшайдиган кексалар, пенсионер ва ногиронларни тиббий-ижтимоий патронаж хизматлари билан қамраб олишни көнгайтириш;
- маҳаллалар ҳудудида болалар майдончаларини тиклаш ва реконструкция қилиш;
- 16 ёшгача бұлған болаларнинг барча давлат спорт иншоотлари секцияларida спорт машғулотлари билан белуп шуғулланишини таъминлаш;
- маҳаллалар үртасида болаларнинг дам олишини ташкил этиш бүйича танлов үтказиш.

5. Аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишда маҳаллаларнинг фаолиятини күчтіриши:

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий мұхитни, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлық рухида тарбиялаш, оила ва маҳаллаларнинг ўзаро ахиллигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;
- маҳалланинг ҳаётини, урф-одат ва анъаналарни, меҳр-шафқатни, ёш авлодни ўз маҳалласи ва Ватанга мұхаббат ва миллій ғурур рухида тарбиялашни акс эттирувчи бадиий күргазма үтказиш;
- илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, спорт соқасидаги таниқли инсонларнинг ўзлари туғилиб ўсган маҳаллаларда аҳоли билан мунтазам учрашувларини ташкил этиш ва үтказиш тажрибасини күлілаб-қувватлаш ва көнг ёйиш;
- туманлар ва шаҳар-қишлоқтарда маҳаллалар ҳаёти, маҳалла ахлиниң зәгу, ноёб ва ибратли урф-одатлари, анъаналари, меҳр-муруват намуналарини акс эттирувчи күчма фото ва бадиий күргазмалар ташкил этиш;
- тажриба-синов үтказилаёттан туман ва минтақаларда маҳалла, давлат ва жамоат түзилмалари иштирокида оиласи таълим ва болалар тарбияси тизимини ташкил этиш ва жорий қилиш;
- маҳаллаларда санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг ижодий учрашувларини үтказиш;
- барча маҳаллаларда гиёхвандлықнинг зарари, ёшларнинг экстремистик оқымлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида учрашув ва сұхбатлар үтказиш;
- маҳаллаларда мамлакатимизда амалга оширилаёттан миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик сиёсатининг маъно-мазмунини очиб бериш мақсадида сұхбатлар үтказиш.

4.6. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишнинг асосий йўналишлари

„Обод турмуш йили“ давлат дастурининг олтинчи йўналиши сифатида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилаётгани чукур ҳаётий асосга эга. Жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий мұхит барқарорлиги ва тараққиёти кўп жиҳатдан аёлларга, ёшларга, оиласа бўлған муносабат ва эътибор билан белгиланади.

...ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтиомой фаолигини янада ошириш, хотин-қизларимизнинг турли жабха ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушишимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир. Ана шу ҳақиқатни амалда қарор топтириш учун бизнинг ҳали қиласидаган кўп ишларимиз борлигини унумтаслигимизни истардим.

Ислом Каримов

Меҳнат кодекси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, „Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтиомий ҳимояси тўғрисида“ти, „Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёsat тўғрисида“ги, „Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида“ги, „Меҳнат муҳофазаси тўғрисида“ги, „Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида“ги, „Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида“ги, „Таълим тўғрисида“ги, „Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида“ги ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, юртимиз аёлларининг хуқуқи ҳимоя қилиш, опа-сингилларимизнинг фаолигини ошириш, уларга маънавий-руҳий мадад бериш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан тенг хуқуқли экани эътироф этилган⁸⁰.** Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хотин-қизларимизнинг хуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун хужжатлари халқаро хуқуқий меъёрларга асосланади. Аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги халқаро хужжатлар:

1. Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил декабрь).
2. Аёлларни камситишнинг барча шакларини бартараф этиш тўғрисидаги конвенция (1979 йил декабрь).
3. Ҳаракатнинг Пекин платформаси (1995 йил сентябрь).
4. БМТ Бош Ассамблеясининг XXI асрда эркаклар ва аёллар тенглиги ҳақидаги якуний хужжатлари (2000 йил июнь).
5. Мингийллик ривожланиш декларацияси ва мақсадлари (2000 йил, сентябрь).

Юқорида қайд этилганидек, юртимида мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга ва уларни ижтиомий қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор хуқуқий-меъёрий хужжатлар қабул қилинди (4.12-расм).

1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон хотин-қизларининг Термиз конференциясида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташкил топди. Ушбу жамоат бирлашмаси ихтиёрий асосда ташкил этилган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юқори баҳо бериб, уларнинг хуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали қасб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила бекаси бўлиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидаги энг устувор вазифа эканига доимий равишда муҳим эътибор қаратмоқда.

Истиқдол йилларида Конституциямиз ҳамда Ўзбекистон Республикасининг

⁸⁰Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — Т.: „O’zbekiston“ НМИУ, 2012.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга ва уларни ижтимоий қўллаб-куватлашга қаратилган хукуқий-меъёрий хужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 марта „Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий курилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 1084-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги „Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-куватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 3434-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги „Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар тўғрисида“ги қонуни

„Сайловлар тўғрисида“ги қонунинг 22-моддасига киритилган ўзгартириш. Яъни, мамлакат Парламентига бўладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота жорий этилгани

4.12-расм. Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида қабул қилинган хукуқий-меъёрий хужжатлар.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда фаолият олиб бораётган уюшма ва комиссиялар

Аёл ва спорт комиссияси

Иқтидорли қизлар ташкилоти

Аёллар ва уларнинг оиласаларини ҳимоя қилиш марказлари

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг „Олима“ уюшмаси

Ўкув марказлари

„Оила“ илмий-амалий маркази

Фахрий аёллар уюшмаси

Тадбиркор аёллар уюшмаси

Ўзбекистон илбилиармон аёллар уюшмаси

4.13-расм. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда фаолият олиб бораётган уюшма ва комиссиялар.

- Кўмитанинг асосий мақсади — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаоллигини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иктисодий, маиший аҳволини янада яхшилаш ва истеъодини юзага чиқариш бўйича пухта ва самарали фаолиятни таъминлаш, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда аёлларнинг ролини кучайтиришади.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда 4.13- расмда кўрсатилган ўюшма ва комиссиялар айни шу соҳада фаолият олиб боради.

Жамиятимизда хотин-қызларнинг давлат курилишидаги иштирокини ошириш максадида сиёсий партиялар фаолиятида аёллар ролини кучайтириш, партия аъзоларининг муайян кисмини аёллар ташкил этишига эришилди (4.7-жадвал).

4.7-жадыл

Смейский шартындарда хотин-кызыларининг үлчуми. Фонзла

Партийнинг шоми	2003 йил	2005 йил	2010 йил
ХДП	32,2	34,2	39
ЎзЛиДеП	28,3	33,1	35
„Миллий тикланиш“ ДП	40	45,6	46,3
„Адолат“ СДП	30	38	48,6

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг мазмуни куйидагилардан иборат:


1. Хотин-қызларнинг тадбиркорликка оид билимларини ошириш, иқтисодий маданиятини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш мақсадида кредит уюшмаларини ташкил этиш.

3. Нодавлат, нотижорат ва халқаро ташкилотлар билан биргаликда турли дастурларни амалга ошириш оркали иш жойларини яратиш.

4. Аёлдарнинг меҳнат мухофазасини кучайтириш.

Аёлларнинг иш билан бандлителгани таъминлаш борасидаги ислоҳотлар самарасини улар учун яратилган иш ўринлари сони динамикасида хам кўришимиз мумкин (4.14-расм).



4.14-расм. Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар учун яратилган иш ўринилари соли, мингта⁸¹.

⁸¹ Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар күмитаси маълумотлари.

Аёллар саломатлиги ва аёл бахтининг тўқислиги, аввало оила мустаҳкамлигининг, оила мустаҳкамлиги эса жамият тараққиётининг асосий омилидир. Шу боис юртимизда она ва бола саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом мухитни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Умуман, ҳеч бир давлатда оила тақдирни, хотин-қизлар келажаги ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистондагидек улкан эътибор қаратилмаган, десак муболага бўлмайди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича катта ишлар қилинди, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туфуруқ мажмуалари барпо этилди. Биргина „Она ва бола скрининги“ Давлат дастури доирасида барча вилоятларда янги скрининг марказлари ташкил этилди. 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилган. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаёттан 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёллар поливитаминалар билан бепул таъминланиб, болаларни юкумли касаликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этганини алоҳида қайд этиш лозим.

Аҳоли саломатлиги, хусусан, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш борасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар 2011 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она – соғлом бола“ мавзусидаги халқаро симпозиумда қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ томонидан юксак баҳоланди.

Киз болалар, хусусан, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилинган бўлиб, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2010 йил ўтказилган 42 та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил этгани, айниқса, кувончлидир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда аёлларнинг нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш борасидаги ислоҳотлар учта асосий йўналишда олиб борилмоқда.

1. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

- хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол хотин-қизлар сафини кенгайтириш ва етук кадрлар захирасини яратиш;
- юртимиз ва хорижий мамлакатлардаги хотин-қизлар ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш;
- турли ижтимоий-сиёсий тадбирларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш.

2. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш:

- аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни татбиқ этиш;

— тиббий маданият масалаларида хотин-қизлар саводхонлигини ошириш;

— соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

— спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш.

3. Хотин-қизларнинг маданият ва таълим (диний таълим) даражасини ошириш:

— оилада, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг диний билим ва маданиятини шакллантириш;

— турли бузгунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсирининг олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш ишларини оқилона ташкил этиш;

— хотин-қызларнинг маънавий, интеллектуал ва қасбий ўсишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, „Обод турмуш йили“ давлат дастурини ишлаб чиқишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳамда уларни амалга ошириш пировардида юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини янада юксак даражага олиб чиқишининг реал имкониятларини яратади. Давлатимиз раҳбарининг ўз маърузалари сўнгидаги „Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда „Обод турмуш йили“ деб ном берганимиз бизнинг мустақилик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳукуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман“⁸², деб таъкидлагани ҳам ушбу фикрларнинг яққол далили ҳисобланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Президентимиз маърузасида айтилтанидек, ҳар бир янги йилга ном бериш негизида қандай эзгу мақсадлар туриши лозим?
2. Обод деган сўзнинг маъноси нималарни англатади?
3. „Ободлик кўнгилдан бошланади“ деган чукур мазмунли иборанинг маъно-мазмуни ҳақида гапириб беринг.
4. Юргашимизнинг маърузасида „Обод турмуш йили“ муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурида қайси устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ экани таъкидлаб ўтилди?
5. Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича масъул бўлган қандай идоралар мавжуд?
6. Халқ фаровонлиги тушунчасининг Ватан равнақи ва юрт тинчлиги тушунчалари билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини изоҳлаб беринг.
7. Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш обод турмушнинг муҳим шарти эканини қандай тушунасиз?
8. Кейинги йилларда мамлакатимизда янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасини ривожлантиришда қандай ижобий натижалар қўлга киритилмоқда?
9. Президентимизнинг „Ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу, аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир“ деган сўзларининг маъносини изоҳлаб беринг.
10. Нима учун аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ?

⁸²Инсон манфаати, ҳуқӯқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг йигирма йиллиги муносабати билан пойтахт жамоатчилиги, сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, юртимида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элтихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманд якунига етаётган „Мустаҳкам оила йили“ нинг мантиқий ва узвий давоми сифатида 2013 йилни юртимида „Обод турмуш йили“ деб эълон қилди.

Бу тараққиёт йўлидаги чуқур ўйланган, вазмин, залварли ислоҳотларнинг янги бир босқичини бошлаб берәётган йил сифатида барчамизга катта мамнуният бағишлади.

Шу кунларда юртими мөхнаткашлари, барча фуқаролари ана шу маърузанинг руҳи билан яшамоқда. Бу тарихий ҳужжатда илгари сурилган ҳаётий ўта муҳим мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар шу заминда яшаётган бирон кимсани бефарқ қолдирмайди, албатта.

20 йил мобайнида Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам экани, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос экани яққол ўз исботини топди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг баҳт-саодатини таъминлаш биз учун бош фояга айланди. Қувонарлиси шуки, мөхнаткаш ҳалқимиз ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлга — тараққиётнинг „ўзбек модели“га содиқ эканини фидокорона мөхнати, бунёдкорлик ишлари билан қайта-қайта намоён этди ва этмоқда.

Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақилликка эришганидан буён кириб келаётган ҳар бир янги йилни ҳаётий тажрибамиз, турмуш сабоқларию давр руҳидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий-сиёсий негизи фоят мустаҳкам бўлган ўзига хос янги бир ном билан аташ анъанага айланди. Йилларга қўйилаётган бу номлар шунчаки шиор ёки атама эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, албатта, бундай эзгу анъана замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оиласалар тутувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, жамиятимизда меҳр ва мурувват интилишларини юксалтириш, соғлом турмушни барқарорлаштириш каби эзгу орзу-интилишлар мужассам. Бошқа кўп ишлар қатори ҳар қайси йилга ном беришда ҳам инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўпчиликни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш барчамиз учун устувор вазифа деб белгилаб берилади.

Бундай улкан мақсадларга эришишда, давлат қурилиши ва унинг тараққиёти масалалари бўладими, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш муаммолари бўладими — шулар каби барча вазифаларни ечишда „Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун“ деган теран маъноли тамойилга асосланиб иш кўриш анъанаси улкан ижобий натижалар бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 20 йиллигига бағишиланган тананали йиғилишдаги „Инсон мағфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини тъъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир“ мавзусидаги маъруzasининг мазмун-моҳияти шуни яққол кўрсатадики, агарда инсон ўзи ҳеч нарса қилмай, давлатга, табиатга, бошқаларнинг кўмагига кўз тикиб яшаса, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳуқуқ ва имконият ҳам, бурч ҳам ўз жойида қолиб кетади, амалга ошмайди. Бундай ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам жонсиз, эгасиз қолиб кетаверади, адолатсизликлар авж олади. Инсон эркинлиги ва фаоллиги шу маънода биз барпо этаётган давлат ва жамият ҳаётида туб таянч асослардан бири бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади юртимизда истиқомат қилувчи барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни тъъминлаш негизида моддий жиҳатдан тўкис, мустаҳкам ва адолатли жамиятни шакллантиришдир.

Маърузани ўрганиш ва амалиётда қўллашнинг мазмун ва моҳиятини белгилайдиган асосий тезислар қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий давлатчиликнинг тикланиши ва шаклланишининг, умуман, мустақилликнинг ҳуқуқий пойdevори ва мустаҳкам асосидир. Бош қомусимиз Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, давлат ва жамият учун аниқ йўлни белгилаб берган Асосий қонунимиз, Ватанимиз ва давлатимизнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш учун муҳим тарихий ҳужжатдир.

Иккинчидан, мустақиллик даври мобайнида эришилган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва мэрралар, шунингдек, изчил ривожланаётган иқтисодиёт ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг муттасил ошиб бориши, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституциямиз асосига қўйилган мақсад, тамойил ва меъёрларнинг ҳаётбахш самарасидир.

Учинчидан, Ўзбекистон танлаган ва „ўзбек модели“ деб дунёда тан олинган мамлакатнинг тараққиёт йўли, унинг асосини ташкил этадиган тамойил ва мезонларнинг нечоғлиқ тўғри эканини бутун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда ва унга бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиши изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, шунингдек, кучли ижтимоий сиёsat юритиш қоидалари ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани барча ютуқларнинг шарти ва гарови бўлмоқда.

Тўртингчидан, ҳалқимиз эришган улкан мэрраларнинг энг муҳими эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда одамларимизнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда. Фуқароларнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда.

Бешинчидан, ушбу омилларнинг барчаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, юртимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги мэрраларни кўлга киритишимизни тъъминлайдиган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, янги йилнинг юртимизда „Обод турмуш йили“, деб номланиши халқимизнинг миллий табиати, миллий руҳи, яшаш тарзи ва урф-одатларига ниҳоятда мос тушади. Шундай экан, мазкур ўқув қўлланма Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни ҳаётта изчил татбиқ этиш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни тарбиялашда фаол ва омилкор бўлишимиз, зиммамизга юкланаётган масъулиятни англаб, ҳар томонлама самарали фаолият олиб боришимиз зарурлиги замон талаби эканини чукур тушунишимизга хизмат қиласи, деб ўйлаймиз.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинган?

- А) 1992 йил 6 декабрь;
- Б) 1992 йил 7 декабрь;
- *В) 1992 йил 8 декабрь;
- Г) 1992 йил 9 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси қачон БМТ аъзолигига қабул қилинган?

- *А) 1992 йил 2 март;
- Б) 1995 йил 12 ноябрь;
- В) 1992 йил 3 май;
- Г) 1993 йил 1 июль.

3. Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилини тўғрисидаги Олий Кенгаш қарори қачон қабул қилинган?

- А) 1991 йил 30 август;
- *Б) 1991 йил 31 август;
- В) 1991 йил 1 сентябрь;
- Г) 1991 йил 2 сентябрь.

4. Ўзбекистон Республикаси парламенти қандай аталади?

- А) Сенат;
- Б) Конунчилик палатаси;
- В) Олий Кенгаш;
- *Г) Олий Мажлис.

5. Сайловларда иштирок этиши учун фуқаро неча ёшга тўлган бўлиши лозим?

- А) 17 ёшга;
- *Б) 18 ёшга;
- В) 20 ёшга;
- Г) 25 ёшга.

6. Ўзбекистон Республикасининг парламенти неча палатадан иборат?

- А) Бир палатадан (Олий Мажлис);
- *Б) Икки палатадан (Конунчилик палатаси ва Сенат);
- В) Парламент палатали бўлиши мумкин эмас;
- Г) Кўшма мажлис вақтида бир палатали, алоҳида мажлислар ўтказилганда икки палатали.

7. Конунчилик палатаси нечта депутатдан иборат?

- А) 120 нафар;
- Б) 130 нафар;
- *В) 150 нафар;
- Г) 200 нафар;

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисидаги „Мамлакатимида демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“ маъruzасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш таклифлари баён этилди?

- A) 78, 67, 90;
- Б) 100, 80, 91, 93;
- *В) 78, 80, 93, 96, 98;
- Г) 78, 80, 90, 96, 98.

9. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси қачондан бошлаб бекор қилинди?

- A) 2005 йил 1 августдан;
- *Б) 2008 йил 1 январдан;
- В) 2007 йил 1 январдан;
- Г) 2009 йил 1 сентябрдан.

10. „Хабеас корпус“ институтининг мазмун-моҳияти тўғри берилган жавобни топинг.

*А) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш хукуқи прокурордан судга ўтказилиши;
Б) мамлакатимида ўлим жазосининг бекор қилиниши;
В) жиноят ишини кўзғатиш хукуқининг суд ваколатидан чиқарилиши;
Г) прокурор ваколатларининг судга ўтказилиши.

11. „Мамлакатимида демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“да илгари сурилган амалий таклифлар асосида 2012 йил декабрь ҳолатига кўра парламентимиз томонидан нечта қонун қабул қилинди?

- *А) 12 та;
- Б) 17 та;
- В) 10 та;
- Г) 21 та.

12. Дунё ҳамиятида катта ташвиш уйғотаётган масалалар, бу —

А) Радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, муросасизлик;
Б) Ядрорий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиши хавфи;
В) Янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши;
*Г) Ҳамма жавоб тўғри.

13. Минтақамиз хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчили ривожланишига салбий таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган жараёнлар, бу —

*А) Глобаллашув шароитида йирик давлатларнинг манфаатлари, ядрорий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиб кетиши хавфи;
Б) Интеграция ва кооперациялашув жараёнлари;
В) Рационализм ва реформизм;
Г) Бюрократия ва манфаатпарастлик.

14. 2008 йилнинг 3 апрелида НАТО/СЕАП ташкилотининг Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан қандай амалий таклифлар билдирилди?

*А) Афғон муаммоси, бу муаммони фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ва бу мажарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида „6+2“ мuloқот гурӯҳини „6+3“ мuloқот гурӯҳига айлантириш ҳақидаги таклиф;

Б) Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эканлиги ҳақидаги таклиф;

В) Афғон муаммосини, ушбу мамлакатнинг ички ишларига аралашиш орқали тартибга солиш бўйича таклиф;

Г) Афғон муаммосини фақат бир минтақага тегишли бўлган муаммо, деб қарашиб ва бу мамлакатнинг ички ишларига аралашмаслик лозимлиги тўғрисидаги таклиф.

15. АЙСЕФ коалицион қўшиллари (АҚШ ва НАТО ҳомийлигидаги) 2014 йилгача ва уйдан кейин Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятни янада кескинлаштириши мумкинми?

А) Ўқ. Афғонистон куролли қучлари, армияси, ва Ички ишлар вазирлиги бу ердаги вазиятни тартибга солади;

*Б) Ҳа, мумкин. Афғонистонда фуқаролар урушининг қайта авж олишига олиб келиши мумкин;

В) Минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши қўпгина нуфузли эксперталар томонидан эътироф этилмоқда;

Г) Б ва В.

16. Президент Ислом Каримов Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш учун БМТ раҳбарлигига қайси мамлакат ёки ташкилотларни „6+3“ мuloқот гурӯҳига киритиш таклифини билдиради?

А) Хитой, Қозогистон, Ўзбекистон;

Б) Япония, Германия, Англия;

*В) АҚШ, НАТО, Россия;

Г) Германия, Италия, Хитой.

17. 2010 йилнинг 11–14 июнь кунлари содир бўлган қандай фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариш хавфини тугдирди?

А) Афғонистонда 30 йилдан бўён давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар;

*Б) Кирғизистон жанубида содир бўлган қонли ва шафқатсиз воқеалар;

В) Покистонда юз берган қўпорувчилик ҳаракатлари;

Г) Тўғри жавоб йўқ.

18. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га қайси давлатлар аъзо?

А) Қозогистон, Россия, Туркманистон, Покистон, Эрон, Қирғизистон;

Б) Россия, Мўгулистан, Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Ўзбекистон;

*В) Хитой, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Ўзбекистон;

Г) Туркманистон, Қозогистон, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Эрон.

19. 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ги қонун:

А) Турли ҳарбий сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиш принципи баён этилган;

Б) Ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиш принципи;

В) Ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришига йўл қўймаслиги ҳақида, очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида;

*Г) Барча жавоблар тўғри.

20. Мафкуравий тамойиллар сабабли рўй берадиган турли тўқнашувларга Ўзбекистонинг муносабати, бу —

А) Рўй берадиган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва худудлар билан чегаралардаги куролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди;

Б) Яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишининг тарафдори;

В) Мафкуравий блокларга қўшилмайди;

*Г) А ва Б жавоблар тўғри.

21. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида қандай хукуқий принципларга амал қиласди?

А) Давлатларнинг суверенитети, тенглиги, чегараларнинг дахлизилиги;

Б) Куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик;

В) Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

*Г) Барча жавоблар тўғри.

22. „Ҳақиқий демократия дарсхонаси“. Ушбу ибора қўйидаги жавобларнинг қайси бирита нисбатан ишлатилган?

*А) маҳаллага;

Б) судга;

В) мактабга;

Г) оиласига.

23. Инсоннинг ҳаётий қарашлари шаклланадиган асосий омил нима?

*А) оила;

Б) мактаб;

В) маҳалла;

Г) жамият.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлини“ мавзусидаги мъарузасида баҳтли турмушнинг асосий шартлари сифатида нималар назарда тутилади?

*А) оила қурадиган ёшлиарнинг ўзи, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатлари, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чукур англаб этиши;

Б) ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар давомийлигининг таъминланиши, муқаддас урф одатларимизнинг сақланиши, келажак наслларнинг қандай инсон бўлиб этишиши;

В) оиласига, қариндош-уруг ва яқин одамларнинг, кўшиниларнинг омон-эсонлиги;

Г) тўғри жавоб йўқ.

25. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеясининг ялши йигилиши бўлиб ўтган санани аниқланг.

*А) 1993 йил 20 сентябрь;

Б) 1994 йил 20 сентябрь;

В) 1994 йил 15 октябрь;

Г) 1993 йил 20 декабрь.

26. Қачондан бошлаб оиласига ҳалқаро миқёсда кенг эътибор қаратила бошланди?

*А) 1994 йилдан;

Б) 1993 йилдан;

- В) 1992 йилдан;
- Г) 1995 йилдан.

27. Халқаро миңесда қайси сана „Халқаро оила куни“ деб эълон қилинган?

- *А) 15 май;
- Б) 21 март;
- В) 18 апрель;
- Г) 3 июль.

28. Оила мустаҳкамлиги кимга борлиқ?

- *А) ота-онага;
- Б) жамиятта;
- В) етуқ кадрларга;
- Г) шахсга.

29. Абдурауф Фитратнинг „Оила“ рисоласида оила мустаҳкамлиги нимага асосла-нали деб таъриф берилган?

- *А) интизомга;
- Б) муросага;
- В) сукутга;
- Г) тўғри жавоб йўқ.

30. Маъно жиҳатидая бир-бири билан боғланган иборалар берилган қаторни толинг.

- 1. „Ўригидан мағзи ширин“.
- 2. „Халқ виждони“.
- 3. Ўзбек давлатчилигига хос механизм.
- 4. „Жамият ва давлат интизомининг сарчашмаси“.
- 5. „Ҳақиқий демократия дарсхонаси“.

- *А) 2,3,5;
- Б) 2,4,5;
- В) 1,2,3;
- Г) 1,2,4.

31. Ўтган давр мобайнида йилга ном бериш борасида тўплаган тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки:

А) йилга фақат чиройли ном бериш лозим;

*Б) бу гояни умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва самарали тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт;

В) бу гояни амалга оширишда давлат бюджетидан ижтимоий соҳани молиялаштиришга ажратилган маблағлар имкониятидан келиб чиқиши ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт;

Г) бу гояни мамлакатимизнинг олис ҳудудларининг алоҳида манфаатларига дахлдор бўлган мақсад ва тадбирлар билан тўлдириш ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шарт.

32. Йилга ном бериш негизида авваламбор:

А) ҳар бир одам, ҳар бир оила хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш мақсад-муддаоси туриши лозим;

Б) бутун халқимизнинг хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш мақсад-муддаоси туриши лозим;

В) тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш мақсад-муддаоси туриши лозим;

*Г) юқоридаги барча мақсад-муддаолар туриши лозим.

33. Юксак орзуга етишининг шарти ва гарови бўлган омиллар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган омил қайси жавобда тўғри белгиланган?

А) одамнинг юқори даромад топиб, ўз эҳтиёжларини тўлиқ қондирганидан мамнун бўлиб, рози бўлиб яшashi;

Б) одамнинг яхшими-ёмонми, ўз юртида ном чиқарганидан мамнун бўлиб яшashi;

*В) одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшashi;

Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

34. Куйидаги қайси жавобда бизнинг тушунчамиздаги „обод“ деган сўзниң маъноси тўғри келтирилган?

А) доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшashi;

Б) кўркам ва чиройли, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз-барака ҳукмрон бўлган жойлар;

*В) А ва Б жавоблар тўғри;

Г) ҳар куни ободончилик ишлари ўтказилиб турадиган жойлар.

35. Барчамизнинг ҳаракат ва интилишларимиз негизида энг аввало мужассам бўладиган ғоя тўғри ифодаланган жавобни кўрсатинг:

*А) Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш;

Б) барча фуқаролар билимли бўлган, инсон тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш;

В) барча фуқаролар билимли бўлган жамият барпо этиш;

Г) А ва В жавоблар тўғри.

36. Мамлакатимизда 2013 йилни „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиш муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган устувор йўналишлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш;

Б) инсон саломатлигини мустаҳкамлаш;

*В) А ва Б жавоблар тўғри;

Г) ҳар бир фуқаронинг билимини кучайтириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш.

37. Маҳаллани обод қилиши борасида амалий таклифлар ишлаб чиқиш лозим бўлган йўналишлар тўғри белгиланган жавобни кўрсатинг:

А) маҳалланинг сиёсий партиялар фаолиятидаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш;

*Б) маҳалланинг ижтимоий-иктисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш;

В) маҳалланинг давлат бошқаруви органларидағи ўрни ва таъсирини янада кучайтириш;

Г) ҳар бир маҳалланинг ўз спорт майдончасини ташкил этиш.

38. Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш чора-тадбирлари нотўғри белгиланган жавобни кўрсатинг:

А) янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш;

Б) аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш;

В) коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш;

*Г) ҳар бир маҳаллада иссиқхона ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш.

ГЛОССАРИЙ

АФВ ЭТИШ — жазодан озод қилишнинг бир тури. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 76-моддасига кўра, маълум бир шахсга содир эттан жиноявлари учун тайинланган жазони қисман ўзгартериш, бошқа жазо билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин. Афв этиш Олий мажлиснинг юқори палатаси — Сенат қарори асосида амалга оширилади.

АДВОКАТ — олий юридик маълумотта эга бўлган, белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шугулланиш хукуқини берадиган лицензияни олган Ўзбекистон фуқароси.

АЙСЕФ — АҚШнинг Афғонистон ҳудудидаги коалицион қўшини контингенти.

АМНИСТИЯ — юонча *amnestia* сўзидан олинган бўлиб, „кечириш“, „авф этиш“ маъносини билдиради. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти унда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланади.

АТОМ ҚУРОЛИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР — АҚШ, Россия, Англия, Франция, Хитой, Покистон, Хиндистон, Шимолий Корея, Эрон (тажмин), Истроил (тажмин).

АХБОРОТ — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар, шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

АХБОРОТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ — инсоннинг дунёга келиши билан унга бериладиган, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ахборотни олиш, сақлаш, тарқатиш, янгилаш (агар бундай ҳолат бошқа шахслар, давлат ва жамиятнинг ахборот бўйича хавфсизлигига зарар етказмаса) мумкин бўлган ҳаракатларнинг фундаментал ҳамда комплекс ҳукуки.

АХБОРОТЛАШТИРИШ — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий жараёни.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ — бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамгарма, турли йигин ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — бу муносиб турмушни, яъни жамият ривожининг замонавий босқичидаги стандартларга мос моддий таъминотни ва инсоннинг эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳукуқий, ижтимоий-иктисодий ва ташкилий чоратадбирлар мажмуасидир.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароит ва кўрсаткичлар мажмуидир.

БМТ МИНГИЙЛЛИК САММИТИ — 2000 йил 6—8 сентябрда Нью-Йоркда БМТнинг Мингийллик саммитида 2000—2015 йилларга мўлжалланган Декларация қабул қилинди. 2010 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг мажлисида Президент Ислом Каримов Мингийллик декларациясида Марказий Осиёдаги минтақавий муаммолар юзасидан ўз таклифларини билдириди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, ахолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

ВОТУМ (*лат. votum* — хоҳиш, ирода) — сайлов жамоаси ёки вакиллик муассасасининг кўпчилик овози билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикри ёки қарори. Масалан, сайлов вотуми — президент, парламент, муниципалитет ва бошқаларга бўладиган сайловларда сайлов кампаниясининг натижаси. Бошқарувнинг парламентар шаклидаги давлатлар парламенти амалиётида вотум — қоидага кўра, куйи палатанинг ҳукумат ёки алоҳида вазирнинг сиёсий йўли, муайян хатти-ҳаракати ёки қонун лойиҳасини маъқуллаши (ишонч вотуми) ёки маъқулламаслигидир (ишончсизлик вотуми). Ишонч вотуми тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббускори ҳукуматнинг ўзи, парламент фракцияси ёки депутатлар гурухи бўлиши мумкин. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилиши амалиётда шу ҳукуматнинг истеъро беришига ва янги ҳукуматни тузишга (ҳукумат танглигига) ёки парламентни (куйи палатани) тарқатиб, парламентта муддатдан олдин сайловлар ўтказишга олиб келиши мумкин. Иккинчи вариант парламентни муддатидан олдин тарқатиб юбориш ҳақида пўписа қилиш ва шу орқали ҳукуматга керакли қонун лойиҳаларини парламентдан ўтказиш имконини беради.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ — Истроил, Латвия, Япония, Шри-Ланка, Қозоғистон, Туркманистонда ва қатор бошқа мамлакатларда ҳукуматнинг расмий номи. Ўзбекистон Республикасида ҳукумат „Вазирлар Маҳкамаси“ деб номланган бўлиб, „Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида“ги қонунга биноан, у Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қиласи, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

ВЕТО (*лат. veto* — тақиқлайман) — ҳозирги замон давлатларида қандайдир бир органинг қарорини тўхтатиб қўядиган ёки унинг кучга киришига йўл қўймайдиган ҳаракат. Давлат бошлиғига парламент қабул қилган қонунларга вето қўйиш (қарорларни тақиқлаш) ҳукуқининг берилиши алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ветонинг мутлақ (ёки резолютив) — бунда давлат бошлиғи парламент қабул қилган қонунни узил-кесил қайтариш ҳукуқига эга бўлади ва **нисбатан (кечиктирадиган ёки суспенсив)** турлари фарқланади. Бунда давлат бошлигининг қонунни тасдиқлашни рад этиши унинг кучга киришини тўхтатади, холос, чунки парламентта бу қонунни иккинчи марта овоз бериш билан қабул қилиш ҳукуқини беради. Бунда қонун лойиҳасини иккинчи (якуний) овоз бериш билан қабул қилишда қатор парламентларда овозларнинг алоҳида кўпчиллиги (масалан, АҚШ ва Россияда ҳар бир палатанинг ^{2/}, овози) талаб қилинади. Шунингдек, умумий ва қисман (танлов) ветолари ҳам бор. Умумий вето фақат ҳужжатнинг ҳаммаси бутунлайича рад этилишини, иккинчиси эса бирор ҳужжатнинг алоҳида қисми ёки моддаси рад этилганини англаади.

ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ — жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида молиявий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мутаносиблик ва нисбатларнинг кескин издан чиқиши натижасидаги бекарорлик ва чукур танглик ҳолатларининг вужудга келиши.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ — давлат органларининг ташкиллаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти бўлиб, қонун асосида амалга оширилади. Бу фаолиятни давлат бошқарув органлари амалга ошириб, ижро этиш жараёнида қонунларнинг ва унга асосланган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш учун фармойиш бериш ҳукуқига эга бўлади. Давлат бошқаруви халқ депутатлари кенгашининг раҳбарлиги ва назорати

остида ташкил этилади. Бу фаолият ижтимоий турмушнинг барча тармоқлари — халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларда ва соҳалараро ташкил этилади ҳамда қонунга асосланган бўлади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИ — давлат томонидан бошқарув соҳасидаги вазифалар қандай ҳал қилиниши тушунилади. Улар бошқарув фаолиятининг сифат томонини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам бошқарув сифатини яхшилаш, унинг самара-дорлигини ошириш кўп жиҳатдан бошқарув усулларини такомиллаштиришга боғлиқ. Давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли усуллардан фойдаланади. Ишонтириш ва мажбурлаш кенг тарқалгани маъмурий усуллардир.

ДАВЛАТ БОШЛИГИ — (инглизча „*head of the state*“) — олий давлат лавозими бўлиб, у ижро ҳокимияти соҳиби ва ташки муносабатлар соҳасида давлатнинг олий вакили ҳисобланадиган шахс. Монархияларда — Буюк Британия, Дания, Швеция, Испания, Япония, Саудия Арабистонида — давлат бошлиғи монарх (қирол, император, амир) бўлиб, унинг ҳокимияти, қоидага кўра, хукмон шажара вакилидан кейингисига қонунга биноан мерос тариқасида ўтказилади. Республикаларда (Италия, Франция, ГФР, АҚШ, Лотин Америкаси давлатлари ва б.) давлат бошлиғи президент бўлиб, у ёки бевосита аҳоли томонидан сайланади (Мексика, Панама, Колумбия), ёки билвосита (АҚШ, Аржентина), ёхуд кўп босқичли сайловлар (Италия, ГФР, Ҳиндистон) натижасида сайланади. Кўтчилик давлатларда индивидуал давлат раҳбари мавжуд, президентлик республикаларида давлат раҳбари айни пайтда ҳукумат раҳбари ҳам ҳисобланади (АҚШ, Мексика, Аржентина, Африканинг айrim давлатларида).

ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ ЁРДАМИ — меҳнатта лаёқатлигининг йўқлиги, ишсизлиги, даромад манбай мавжуд бўлмагани сабабли мустақил равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан бериладиган ёрдам.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ — давлат корхоналари ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулки бўлмайдиган бошқа корхона ва ташкилотларга айлантириш.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ — ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширувчи органлар.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлатнинг даромад ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПРОФИЦИТИ — давлат бюджети даромадларининг харажатларга нисбатан кўпроқ бўлиши.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ — бюджет харажатларининг бюджет даромадларига нисбатан ошиб кетиши натижасида молиявий ресурслар етишмовчилигининг вужудга келиши.

ДАВЛАТ ОРГАНИ — давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат номидан иш кўриб, унинг манфаатини кўриқлайдиган тузилма. Давлат бошқарув органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, ўз бурчини бажариш учун давлат томонидан фармойиш бериш ҳукуқига эга.

ДЕПУТАТ (*лат. deputatus* — вакил) — қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига сайланган шахс, аҳолининг маълум қисми — ўз сайлов органи (социалистик мамлакатларда) сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг (демократик давлатларда) вакили. Депутат мувофиқ келувчи вакиллик органида профессионал асосда (кўтчилик демократик давлатларда) ёки нопрофессионал асосда, яъни асосий фаолиятини тўхтатмай (социалистик мамлакатларда) иштайди. „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида“ги қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва „Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисига сайлов тўғрисида “ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатта олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади.

ДЕФИЦИТ — бирор нарсанинг етишмаслиги, камчилиги, жумладан, товарлар етишмаслиги, бюджет маблағининг етишмаслиги.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ — (*лат. diversus* — ҳар хил ва *facere* — қилмоқ, бажармоқ) — ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар турларини кўпайтириш.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ — жамият учун заарли сиёсий мақсадлар йўлида ва дин никоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гурӯҳлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракат ва қараашлар мажмуи.

ДИПЛОМАТИЯ — давлат, хукумат бошлиқлари ва маҳсус ташқи алоқа органларининг, давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларининг, шунингдек, чет элларда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашини амалга оширишга қаратилган расмий фаолияти. Дипломатия — ташқи сиёсатининг давлат ҳалқаро фаолиятидаги ажралмас қисми.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ — фуқаролик жамияти институтларининг муҳим шакларидан бири бўлиб, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёsat, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашганд фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат ташкилоти сифатида эътироф этилади.

ЖИДДИЙ ТАҲДИД ВА ҲАТАРЛАР — мавжуд можароларнинг кескинлашуви, янги қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиши, баъзи минтақавий этник ва конфессиялараро тафовутлар негизидаги тўқнашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва ҳ.к.

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ШАХСЛАР — ўзининг саломатлиги, ёши, даромад олиш имкониятининг чеклангани туфайли ўзгаларнинг кўмагига муҳтоҷ шахс ҳамда оиласалар. Улар ўзларининг ёзма аризаларига кўра ижтимоий ёрдамнинг бир ёки бир неча турларидан фойдаланишга ҳақли бўлади.

ИЖТИМОИЙ СОҲА — аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни саклаш, таълим, спорт, маданият муассасалари ва бошқа тузилмаларни киритиш мумкин.

ИНВЕСТОРЛАР — ҳусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари.

ИНВЕСТИЦИЯ — бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага Эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга кўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

ИНФЛЯЦИЯ — пул муомаласи қонуниятларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг қадрсизланиши ва бунинг оқибатида нарх-навонинг ўсиши.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки даромад келтирадиган фаолият.

КОНСТИТУЦИЯ — давлатнинг ҳалқ иродасини ифода этадиган, давлат тузилиши ва бошқарув шакли асосларини мустаҳкамлайдиган, ҳокимият идоралари фаолиятининг ташкил этилиш тартиби ва принципларини белгилайдиган асосий қонун. Ёки у давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатdir.

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ — эркинлаштириш, давлатниң иқтисодий ҳаётта аралашувини чеклаш, бозор муносабатлари соҳасининг кентайиши, бозорларнинг ва рақобатнинг очилиши, бозорнинг амал қилишига қўйилган турли чеклашларнинг олиб ташлаши, баҳолар, фоизларни маъмурий йўл билан назорат қилишнинг сусайиши, марказлашган ҳолда дотация бериш, субсидия шаклидаги кредитларнинг камайиши.

МАҲАЛЛА — Ўзбекистонда муайян тарихий шароитда, асрлар давомида шакланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, ующма.

МИЛЛИЙ МАНФААТ — миллатта, миллий давлатта маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирадиган омил. Президентимиз Ислом Каримовнинг „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ асарида Ўзбекистон ташқи фаолиятининг б та амалий принципи берилган.

НАФАҚА — фуқароларга қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда қисман ёки тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлик, оғир моддий шароит, болали оиласаларни қўллаб-куватлаш, шунингдек, қариндошларидан бири вафот этган тақдирда мунтазам ёки бир марта бериладиган пул тўловларидир.

ПАРЛАМЕНТ (*ингл. parliament, франц. parler* — гапирмоқ) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Молдова, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда олий вакиллик органи „парламент“ деб юритилади; АҚШда ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида парламент конгресс деб, Литва ва Латвияда — Сейм деб аталади. Тузилишига кўра парламент бир палатали ёки икки палатали бўлали (қаранг: Икки палатали тизим, Бир палатали тизим). Тарихда уч палатали парламент ҳам бўлган (масалан, ЖАРда 1984—1994 йилларда). Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда табақаларнинг вакиллик органи сифатида ташкил қилинган.

ПРЕЗИДЕНТ — давлат раҳбари. Лотинча *praesidens* сўзидан келиб чиққан бўлиб, „олдинда ўтирувчи“ деган маънони билдиради. Америка Кўшма Штатлари президентлик лавозимини таъсис этган дунёнинг биринчи мамлакатидир. Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 марта таъсис этилди.

РАДИКАЛИЗМ — сиёсий маслаги ва характеристи бир бўлган, кескин, кўпинча, бузгунчиликка олиб келадиган чора-тадбирларни амалга оширишга интигувчи шахслар.

РЕАЛ ДАРОМАДЛАР — нарҳ даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади.

САЙЛОВ — демократиянинг асосий белгиси бўлиб, овоз бериш ёрдамида давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ёки мансабдор шахсни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, жамоат бирлашмалари ва бошқаларни бевосита халқнинг ҳоҳиш-иродасига асосланган ҳолда, улар томонидан ёки бошқа орган томонидан шакллантириш билан боғлиқ жараёндир. Сайлов тушунчаси кўпроқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлашга нисбатан кўлланади.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ — сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга ошириладиган тадбир ва чоралар йиғиндисидир. Сайлов жараёни куйидаги босқичларда амалга оширилади: а) сайлов кунини белгилаш; б) сайлов округларини белгилаш ва уларда сайлов участкаларини ташкил этиш, сайловчилар рўйхатини тузиш; в) сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш; г) номзодлар ва сиёсий партиялар томонидан сайловолди ташвиқотини олиб бориш; д) овоз бериш ва овоз бериш натижаларини аниқлаш; е) сайлов натижаларини эълон қилиш.

САЙЛОВЧИ — фаол сайлов хукуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (қаранг: *актив сайлов ҳуқуқи*). Овоз беришни ўтказиш ва сайлов натижаларини аниқлаш учун фаол сайлов хукуқига эга фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади.

Фаол сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг сайловда овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқидан ташқари, сайлов қонунчилигида бошқа бир қатор ҳуқуқлари белгиланган ва уларни рўёбга чиқариш кафолатлари ҳам кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг „Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида“ти қонунига мувофиқ, ҳар бир фуқарога унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ — ўз аъзолари ва тарафдорларининг сиёсий иродасини ифода этадиган, шу давлат сиёсий йўналишини белгилашда, давлат ҳокимият органларини шакллантиришда, шунингдек, ҳокимиятни ўзининг вакиллик ҳокимият органларига сайланган вакиллари орқали амалга оширишда иштирок этишни ўзига вазифа қилиб олган барқарор тузилмага ва доимий фаолият характерига эга бўлган мустақил ижтимоий бирлашма. Партияning аниқ юридик таърифи ҳар қайси давлат қонунчилигида берилади ва улар сиёсий ва ҳуқуқий анъаналарга кўра жилдий фарқланиши мумкин.

СОЛИҚЛАР — юридик ва жисмоний шахслардан аниқ муддат ва ставкалар асосида мажбурий тартибда ундириладиган, эквивалентсиз ҳусусиятга эга бўлган ва факат давлат бюджетига йўналтириладиган мажбурий тўловлар.

СУД — давлат қонуни билан мустаҳкамланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа тоифалардаги ишларни кўриб чиқиши ва ҳал этишни амалга оширадиган давлат органи.

СУД ҲОКИМИЯТИ — Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципига асосан шаклланган мустақил ҳокимият тармоғи бўлиб, у суд органлари орқали амалга оширилади, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судлари тизимидан ташкил топади.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишта қаратилган ташаббускорлик фаолияти.

ТАШКИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАРИ — давлатнинг халқаро муносабатлардаги асосий йўналишини қамраб олевчи ташқи сиёсий тушунча. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари мамлакатимиз Конституциясининг 17-моддасида 5 та принцип билан қайд қилинган.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР — сигналлар, белгилар, матилар, тасвиirlар, товушлар ёки ахборотнинг бошқа турларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш.

ТЕРРОРИЗМ — лотинча сўз бўлиб, „кўркув“, „даҳшат“ маъноларини ифода этади. Ёвуз мақсадлар йўлида сиёсий муаммоларни куч ишлатиш билан ҳал қилишга уринадиган одамларни жисмоний йўқ қилиш, бинолар, стратегик обьектларни портлатиш орқали кўркув ва ваҳимага солишни кўзлайдиган зўравонлик усули.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ — ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шугулланадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятнинг самарали жамоатчилик назорати механизmlари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин, демократик ҳуқуқий жамият.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ — бирон-бир давлатдаги террорчиларнинг ўз ҳаракатлари-ни ёки бир давлат ҳудудидан ташқарига чиқариб, давом эттиришидир.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўз таваккалчилиги ва мулкий жавобгарлиги остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ — 2001 йил 15 июнда ташкил топган халқаро ташкилот (2001 йили 15 июнда Ўзбекистон аъзо бўлгунига қадар „Шанхай бешлиги“ (1996) деб номланган). Аъзо давлатлар: Россия, Тожикистон, Хитой, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозогистон. Кузатувчи давлатлар: Мұғулистон, Покистон, Эрон, Хиндистон.

ЯДРО РЕАКТОРЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР — АҚШ, Франция, Япония, Россия, Англия, Жанубий Корея, Канада, Германия, Украина. Жаҳонда 500 га яқин ядрорий реактор мавжуд ва дунё бўйича электр энергияси ишлаб чиқаришда атом электр станцияларининг улуши 16 фоизни ташкил қиласди.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР — юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шугууланадиган жисмоний шахс.

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ — мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ — ЖКнинг 661-моддасида кўзда тутилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига икрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилишини белгиловчи жиноят ҳукуқи институти. Ушбу институт 2001 йил 29 августда II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида қабул қилинган „Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида“ги қонун асосида миллий қонунчилигимизга киритилган. Ушбу институтда миллий қадриятларимизда мавжуд бўлган кечиримлилик, ўзаро муроса, тинч-тотув яшаш каби удумлар ўз аксини топган.

„6+2“ (1997—2001) ЁКИ „6+3“ (2008 ЙИЛДАН ҲОЗИРГАЧА) ГУРУХИ — БМТ котибияти биносида 1997 йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташабbusi билан Афғонистон муаммосини тинч йўл билан мuloқot асосида ҳал қилишга қаратилган Афғонистонга чегарадош бўлган давлатлар гурӯҳи: Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон + АҚШ ва Россия давлатлари асосида ташкил топган гурӯҳ. „6+3“ (2008) гурӯхига учинчи бўлиб НАТО блокининг киритилишини Президент Ислом Каримов Бухарест (НАТО) саммитида таклиф этган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ,
ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА
ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР**

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш
бўйича маҳсус курс**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллигига багишланган тантанали
маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича махсус курс**

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Мавзу тартиб раками	Мавзу номи	Ажратилган ўқув соатлари
Маъруза машғулотлари		
1-мавзу	Мустақил тараққиёт йилларида эришган барча ютуқ ва мэрраларимиз — Конституциямизнинг ҳайётбахш қурдати ва салоҳиятининг яқол намоёнидир	2 соат
2-мавзу	Халқаро майдонда сақланиб қолаётган мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг тинчлик ва ҳамжиҳатликка асосланган ташқи сиёсати	2 соат
3-мавзу	„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар ва эришилган натижалар	2 соат
4-мавзу	„Обод турмуш йили“ — эркин ва фаровон ҳайётни янги, юксак босқичга кўтарадиган йил бўлади	2 соат
Амалий машғулотлар		
1-мавзу	Ўзбекистон Конституяси — мамлакатдаги эркин ҳайёт, барқарор тараққиёт, тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳукуқий асоси	2 соат
2-мавзу	Йил номлари билан боғлиқ давлат дастурлари — инсон манфаати, халқ фаровонлиги ва юрт ободлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори	2 соат
Жами:		12 соат

МАРГУЗА МАШГУЛОТЛАРИ

1-мавзу: Мустақил тараққиёт йилларида эришган барча ютуқ ва мэрраларимиз — Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятининг яққол намоёнидир (2 соат)

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча ютуқ ва мэрралари — аввало Конституциямиз ҳаётбахш қудрати ва салоҳиятининг яққол ифодаси эканлиги.

Ўтган даврда оғир қийинчиликлар, муаммо, таҳдид ва синовларни енгиги ўтишига тўғри келгани. Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ўсиши. Глобал молиявий-иқтисодий инқизор шароитида Ўзбекистонда юқори ўсиш суръатларининг сақланиб қолишида Конституциядаги тамойил ва нормалар ҳамда тараққиётнинг „ўзбек модели“ мустаҳкам асос ролини ўйнаганлиги.

Сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислоҳотларнинг таъсири. Ўзбекистоннинг тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаган ҳал қилувчи омиллар.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси демократик янгиланиш ва модернизация жарайёнларининг мантиқий ва қонуний давоми эканлиги. Концепцияда кўзда тутилган қонун ва хукуқий-меъорий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури доирасида эришилган натижалар.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва хукуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташки ва жаҳон бозорларида глобал инқизор авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этиши.

2-мавзу: Халқаро майдонда сақланиб қолаётган мураккаб шароитда Ўзбекистоннинг тинчлик ва ҳамжиҳатликка асосланган ташки сиёсати (2 соат)

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Мамлакат ахолисининг онгу тафаккури ва дунёқарашида юз бераётган ўзгаришлар, унинг ҳаётга, меҳнатга бўлган муносабати, тобора ўсиб бораётган сиёсий ва хукуқий маданияти — юксак мақсадларга эришишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири. Юксак тараққиётни таъминлашда ёш авлоднинг энг катта таянч ва суюнч, ҳал қилувчи куч эканлиги.

Бугунги дунёда мураккаб вазият ва жараёнлар келтириб чиқараётган жиддий таҳдид ва хатарларнинг минтақамиз хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар ва шунингдек, Америка Кўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантиришнинг зарурлиги.

„Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ти қонуни асосидаги ёндашувлар. Ўзбекистон ташки сиёсатида ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган асосий принципларнинг намоён бўлиши.

Мамлакат тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофдаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсатнинг Ўзбекистон халқи асл орзу-умид ва интилишларига мос келиши.

3-мавзу: „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар ва эришилган натижалар (2 соат)

„Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастурининг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар. Оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳукуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилгани. „Ёш оиласидарни ижтимоий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ ги ҳукумат қарори асосида амалга оширилаётган ишлар.

Дастур доирасида эҳтиёжманд оиласидарга ижтимоий ғамхўрликнинг янада кучайтирилиши. Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилганлиги. Оиласий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш борасидаги қонунлар асосида кредитлар ажратилганлиги.

Қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича амалга оширилган қўшимча чора-тадбирлар. Оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича бажарилган ишлар.

Дастур асосида соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган натижалар. Тиббиёт соҳаси моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши.

Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантиришда оиласидарни ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган тадбирлар. Замонавий спорт иншоотлари барпо этиш, бу йўналишдаги инфратузилма тармоқларини янада кенгайтириш борасидаги ишлар. Болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар.

4-мавзу: „Обод турмуш йили“ эркин ва фаровон ҳаётни янги, юксак босқичга кўтарадиган йил бўлади (2 соат)

Йилга ном бериш негизида бутун халқ хаёлидан ўрин олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётни жадаллаштириш, ҳаётни янада фаровон қилиш каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозимлиги.

„Обод“ сўзи маъносининг жуда кенг ва чукурлиги. Юртни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш гоясини амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар этишнинг муҳим ва долзарб аҳамият касб этиши.

2013 йилнинг Ўзбекистонда „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиниши, бу йилда мазкур йўналишда бошлаган ишларни изчил давом эттириш, уларни янги, юксак босқичга кўтаришнинг асосий мақсад сифатида белгиланиши.

„Обод турмуш йили“ давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган устувор йўналишлар. Тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш. Халқ фаровонлиги тушунчасининг Ватан равнақи ва юрт тинчлиги билан биргаликда миллий гоянинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этаётганлиги. Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш обод турмушнинг муҳим шартларидан бири эканлиги. Ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари. Маҳаллани обод қилиш — ҳаётни

обод қилишнинг муҳим шарти. Аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаолигини янада ошириш борасидаги амалий ишлар.

2013 йилнинг „Обод турмуш йили“ деб эълон қилиниши юртимизда инсон манфаати, ҳукуклари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётнинг янада обод ва эркин бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилиши муқаррарлиги.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-мавзу: Ўзбекистон Конституцияси — мамлакатдаги эриян ҳаёт, барқарор тараққиёт, тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳукуқий асоси (2 соат)

Режа:

1. Мустақиллик йилларида мураккаб синовдан ўтиш ҳамда барқарор тараққиётга эришиша Конституциянинг ҳукуқий асос бўлганлиги.
2. Ўзбекистоннинг демократик, мустақил ва суверен давлатга айланишини таъминлаган ҳал қилувчи омиллар.
3. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси демократик янгиланиш ва модернизация жарайёнларининг мантиқий ва қонуний давоми эканлиги.
4. Минтақамиз хавғисизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиддий таҳдид ва хатарлар.
5. Ўзбекистон ташқи сиёсатида узоқ муддатли миллий манфаатларни ифодаловчи асосий принципларнинг намоён бўлиши.

2-мавзу: Йил номлари билан боғлиқ давлат дастурлари — инсон манфаати, ҳалқ фарованиелиги ва юрг ободлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойdevori (2 соат)

Режа:

1. „Мустаҳкам оила йили“ Давлат дастурининг маъно-мазмунини ифода этган энг асосий ва устувор йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар.
2. Оила институтининг таълим ва тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича бажарилган ишлар.
3. Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантиришда оиланинг ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган тадбирлар.
4. Йилга ном бериш негизида турган эзгу мақсад-муддаолар.
5. „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсаддага мувоғиқ бўлган устувор йўналишлар.

МАХСУС КУРСНИ ЎҚИТИШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Махсус курс бўйича маъруза ва амалий машғулотларни олиб борища замонавий педагогик технологиялардан, жумладан, давра суҳбати, бинар-маъруза, визуал-маъруза ва бошқалардан кенг фойдаланиш мумкин. Машғулотларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги „Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш юзасидан тайёрланган ўқув қўлланмадан, шунингдек, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 19

Йиллигига бағышланған тантанали маросимдаги „Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир“ (2011 йил 7 декабрь) номли маъruzаси, „Мустаҳкам оила йили“ давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағышланған Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2012.
2. Инсон манфаати, хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишенланган тантанали маросимдаги маъруzasи. — „Халқ сўзи“, 2012 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти“ мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. // Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь.
4. *Каримов И.А.* „Юксак билимли ва интеллектуал ривожленган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
5. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишенланган Вазирлар Маъқамасининг мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.
6. *Каримов И.А.* Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишенланган тантанали маросимдаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.
7. *Каримов И.А.* Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишенланган Вазирлар Маъқамасининг мажлисидаги маъруза. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011.
8. *Каримов И.А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011.
9. *Каримов И.А.* Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2011.
10. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2010.
11. *Каримов И.А.* Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқи [2010 йил 20 сент.]; Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2010.
12. *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2010.
13. *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2009.

14. *Каримов И.А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: „Маънавият“, 2009.
15. *Каримов И.А.* Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2009.
16. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар. 10 жилд. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2002.
17. *Каримов И.А.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: „Шарқ“, 1998.
18. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Асарлар, 6-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“, 1998.
19. Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. „Мустаҳкам оила йили“ давлат дастури тўғрисида. 2012 йил 27 февраль, ПҚ-1717-сон.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ёш оиласарни ижтимоий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2012 йил 30 апрель, 124-сон.
22. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси-даги „2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маъruzасини ўрганиши бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2012. — 272- б.
24. *Абдулмажидов F.A., Саломов Б.* Ўлим жазосини бекор қилишда ижтимоий-хукукий йўналишлар. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий-хукукий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари./Масъул муҳаррир Б.Ахроров. — Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.
25. *Азизхўжаев А.* Чин ўзбек иши. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2011.
26. *Алиев Б.А., Раҳмонов А.Н.* Ўзбекистонда хукукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишининг юксак натижалари. — „Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан“ (илмий-оммабоп рисола). — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011.
27. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 115- низоми ва халқаро суд статути. — Тошкент, 2002.
28. *Ибраҳимов А.* Ёруғлуғ. — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2006.
29. Инсон хукуqlари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. — Т.: „Адолат“, 2004.
30. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: *М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова* ва бошқ.; *P.Рўзиев ва Қ.Хоназаров* умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / — Т.: „Шарқ“, 2006.
31. *Одилқориев Х.Т.* Икки палатали парламент шароитида қонунчилик жараёни. — Т.: „O‘zbekiston“ НМИУ, 2005.
32. *Раҳмонов А.Н.* Ўзбекистон ва Германияда парламентнинг ҳукуматга ишончсизлик билдириш хукуқи (қиёсий таҳдил). „Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хукукий ва маънавий омиллари“ мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. — Т.: „Иқтисодиёт“, 2011.
33. *Раҳмонов А.Н., Абдурашидов Т.* Ўзбекистонда сайлов тизимининг конституциявий асослари. „Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хукукий ва маънавий омиллари“ мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. — Т.: „Иқтисодиёт“, 2011.
34. *Раҳмонов А.Н., Ҳасанова З.* Давлат бошқарувини демократлаштириш — давр талаби. „Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-

хукуқий ва мънавий омиллари“ мавзусида республика илмий-амалий семинари материалари. — Т.: „Иқтисодиёт“, 2011.

35. Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. — Т.: „Адолат“, 1993.
36. Хакимов Р.Т. Узбекистан и Организация Объединенных Наций. — Т.: „Zar Qalam“, 2006.
37. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати. — Т.: „Шарқ“, 2005.
38. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: „Шарқ“, 2001.
39. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2005.
40. „Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)“ти қонуни: „Халқ сўзи“, 2011 йил 19 апрель, № 76 (5243).
41. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги „Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“ мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўкув-услубий мажмуа. — Т.: „Иқтисодиёт“, 2010.
42. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўtkазилган умумхалқ референдуми натижаларига қўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90-моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган). — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2012.
43. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ/А.А.Азизхўжаев, Ф.Абдулмажидов, М.А.Аҳмадшаев ва бошқ.; Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти. — Т.: „O'zbekiston“ НМИУ, 2008.
44. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. — Т.: „Адолат“, 2010.
45. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. — Т.: „Янги аср авлоди“, 2006.

МУНДАРИЖА

КИРИШ (А.Мўминов, Ш.Жалилов — ЎзМУ)	3
1- БОБ. МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИДА ЭРИШГАН БАРЧА ЮТУҚ ВА МАРРАЛАРИМИЗ — КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ ВА САЛОҲИЯТИНИНГ ЯҚКОЛ НАМОЁНИДИР (Б.Алиев, А.Раҳмонов — ТДИУ; О.Хусанов, С.Хидиров — ТДЮИ)	
1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мустақил тараққиётимизнинг хукукий асоси	7
1.2. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг конституциявий асослари	10
1.3. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янача чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси — Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг янги босқичи	15
2- БОБ. ҲАЛҚАРО МАЙДОНДА САҚЛANIБ ҚОЛАЁТГАН МУРАККАБ ШАРОИТДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН ТАШКИ СИЁСАТИ (А.Мухтаров, Т.Султонов — ТДИУ)	
2.1. Бугунги кунда жадал ўзгариб бораётган жараёнилар ҳамда жиддий таҳдид ва хатарлар	33
2.2. Глобаллашув шароитида мағфаатлар тўқнашуви ва минтақавий хавфсизлик	35
2.3. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш — жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масала	38
2.4. Ўзбекистоннинг ташки сиёсий фаолият концепцияси ва унинг асосий принциплари	45
3- БОБ. „МУСТАҶКАМ ОИЛА ЙИЛИ“ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР (Ш.Мустафақулов — ТДИУ; Д.Раҳматуллаева — МРДИ)	
3.1. Оила институтининг мустаҷкамлиги — жамият фаровонлигининг гарови	53
3.2. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — келажагимизнинг ишончли пойдевори	56
3.3. Оилалар мустаҷкамлиги ва турмуш фаровонлигини тъминлаш борасида олиб борилган тизимли ижтимоий-иқтисодий, хукукий-сиёсий тадбирлар сархисоби	61
4- БОБ. „ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ“ ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТНИ ЎКСАК БОСҚИЧГА КЎТАРАДИГАН ЙИЛ БЎЛАДИ (У.Ғафуров, Н.Шоюсунова, Х.Абдурамонов — ТДИУ)	
4.1. Йилга ном бериш негизида турган эзгу мақсад-муддаолар	69
4.2. „Обод турмуш йили“ давлат дастурида алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлган муҳим устувор йўналишлар	70
4.3. Аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналишлари	75
4.4. Инсон саломатлигини мустаҷкамлаш, ҳалқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш	83
4.5. Маҳаллани обод қилиш — ҳаётимизни обод қилишининг муҳим шарти	88
4.6. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишнинг асосий йўналишлари	91
ХУЛОСА (А.Мўминов, Ш.Жалилов — ЎзМУ)	97
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	100
ГЛОССАРИЙ	106
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	119

**ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ,
ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА
ЭРИШИШ – БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР**

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
20 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузасини
ўрганиш бўйича**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъул ижодий гурӯҳ:

М.Комилов, А.Бекмуродов, У.Faфуроv, Ш.Мустафақулов

Муҳаррир *T. Мирзаев*
Бадиий муҳаррир *Г. Шоабдураҳимова*
Техник муҳаррир *С. Набиева*
Саҳифаловчилар: *Н. Аҳмедова, Ф. Ҳасанова*
Мусаҳдих *З. Гуломова*

Нашриёт лицензияси АI №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 22.01.2013.
Бичими 60×84 ¼. Кегли 11,5 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози.
Шартли б.т. 14,88. Нашр т. 7,22. 3500 нусхада босилди. Буюргма № 5—13.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи.
Тошкент – 129, Навоий кўчаси, 30-уй // Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси,
1-уй. Шартнома № 07-03-13.

**66.3(5Ў)
И 60**

Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳамданимизнинг янада зеркин ва обод бўлишига эркини — бозорнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги мартузасини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма / Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги. — Тошкент: „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. — 128 б.

ISBN 978-9943-02-581-3

**УДК: 323 (075)
КБК 66.3(5Ў)**